

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма хуқуқида  
УДК:334.75 (575.1)

**ЖУМАЕВА МУХЛИСА АБДУҒАНИ ҚИЗИ**

**ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛЛАР  
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини  
олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар – и.ф.д., профессор Эшов М.П.**

**TOSHKENT – 2024**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
1.1. Тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва илмий-услубий асослари.....	13
1.2. Аёллар тадбиркорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар.....	28
1.3. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	39
I боб бўйича қисқача хulosалар.....	50
<b>II БОБ. РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛANIШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....</b>	<b>52</b>
2.1. Тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини оширишнинг Ўзбекистон мисолидаги ижтимоий-иктисодий таҳлили.....	52
2.2. Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигига таъсир қилувчи омилларнинг тавсифий таҳлили.....	68
2.3. Ўзбекистонда аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг ривожланиш модели.....	81
II боб бўйича қисқача хulosалар.....	94
<b>III БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>	<b>96</b>
3.1. Тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини оширишнинг зарурий чора-тадбирлар тизими.....	96
3.2. Мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш меҳанизмини такомиллаштириш.....	104
3.3. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ўрнини ошириш йўллари.....	114
III боб бўйича қисқача хulosалар .....	128
<b>ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....</b>	<b>130</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>134</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>144</b>

## **КИРИШ**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини ошириш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг ажралмас қисми сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. “Ҳозирда дунёдаги 32,9% фирмалар эгалигида аёллар иштирок этмоқда. Бу қўрсаткич Хитойда 64,2%, Ирландияда 54,9%ни, Ўзбекистонда эса 29,2%ни ташкил этади”<sup>1</sup>. Шунингдек, мамлакатларнинг халқаро даражадаги нуфузини белгиловчи қатор индексларда ҳам аёлларнинг жамиятдаги иктисодий-ижтимоий ҳолатига алоҳида эътибор қаратади. Иктисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштироки “жаҳон миқёсидағи сокин инқилоб” дея баҳоланмоқда<sup>2</sup>. Маккинсей глобал институти прогнозлари қўрсатишича, “аёллар иктисодий фаоллигини эркаклар билан тенглаштириш 2025 йилга бориб жаҳон ЯИМ ҳажмининг 28 трлн. АҚШ доллари(26%)га ошишига хизмат қиласи”<sup>3</sup>. Бундан кўринадики, жаҳон миқёсида аёлларнинг иктисодий фаоллигини ошириш орқали глобал даражада тадбиркорликни ривожлантириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиши шароитида тадбиркорлик фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланган аёллар тадбиркорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги даврда аёллар тадбиркорлигининг ижтимоий-иктисодий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда унинг ривожланиш омиллари, амал қилиш тамойиллари, аёллар бошчилигидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги ва ўзига хос жиҳатлари, аёллар тадбиркорлигини турли даражаларда қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва

---

<sup>1</sup> <https://genderdata.worldbank.org/topics/entrepreneurship>

<sup>2</sup> Уткина Н.Ю. Объективные и субъективные факторы развития женского предпринимательства в России // Женщина в российском обществе. 2017. № 1 (82). С. 18

<sup>3</sup> McKinsey Global Institute The power of parity: How advancing women's equality can add \$12 trillion to global growth. Mckinsey.com. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.mckinsey.com/featured-insights/employment-and-growth/how-advancing-womens-equality-can-add-12-trillion-to-global-growth>

илмий-услубий асосларини очиб бериш, аёллар тадбиркорлигига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмаларнинг ривожланиш моделини тузиш ва прогнозлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш меҳанизмини такомиллаштириш кабилар бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда мамлакатдаги камбағаллик даражасини қисқартириш, гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022 йил бошида жами фаолият қўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари таркибида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар улуши 11,3% ни ташкил этди. Мамлакатда хотин-қизлар тадбиркорлиги учун яратилган кўплаб имконият ва имтиёзларга қарамай, “2020 йилда аёлларнинг тадбиркорлик фаоллиги индекси (WBL) бўйича жаҳонда 139 ўринни эгаллади”<sup>4</sup>. Ваҳоланки, тадбиркор хотин-қизлар бутун дунё бўйича фаол ўсаётган тадбиркорлик субъектларининг учдан бирини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” номли 69-мақсад таркибида “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш” вазифаси белгилаб берилган<sup>5</sup>. Мазкур вазифанинг самарали амалга оширилиши таъминлашда тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини кучайтириш масалаларига йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон ”Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-куватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2015 йил 15 майдаги ПФ-

<sup>4</sup> World Bank. 2020. Women, Business and the Law 2020. Washington, DC: World Bank. © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/32639> License: CC BY 3.0 IGO.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон// <https://lex.uz/docs/5841063>

4725-сон “Хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 7 мартағи ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва соҳа фаолиятига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аёллар тадбиркорлиги муаммоларининг турли жиҳатларини ўрганишда ғарб олимлари етакчилик қилиб, бу борадаги илмий натижалар Й.Шумпетер, Э.Швартс, Р.Д.Хизрич, К.Г.Браш, Г.А.Хомадай, Г.А.Тиммонс, К.Веспер, Р.Гоффи, Р.Скейс, А.Бруни, С.Гхерарди, Б.Поггио ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида баён этилган<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> Henry, C., Foss, L., & Ahl, H. (2016). Gender and entrepreneurship research: A review of methodological approaches. International Small Business Journal, 34(3), 217–241; Brush, C. G., Greene, P. G., & Welter, F. (2020). The Diana project: a legacy for research on gender in entrepreneurship. International journal of Gender and Entrepreneurship, 12(1), 7-25.; Yadav, V., & Unni, J. (2016). Women entrepreneurship: research review and future directions. Journal of Global Entrepreneurship Research, 6, 1-18.; Neumeyer, X., Santos, S. C., Caetano, A., & Kalbfleisch, P. (2019). Entrepreneurship ecosystems and women entrepreneurs: A social capital and network approach. Small Business Economics, 53, 475-489.; Foss, L., Henry, C., Ahl, H., & Mikalsen, G. H. (2019). Women’s entrepreneurship policy research: a 30-year review of the evidence. Small Business Economics, 53, 409-429.; Ogundana, O. M., Simba, A., Dana, L. P., & Liguori, E. (2021). Women entrepreneurship in developing economies: A gender-based growth model. Journal of Small Business Management, 59(sup1), S42-S72.

Аёллар меҳнат фаолияти, уларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиши масалалари МДХ мамлакатлари олимларидан Н.У.Шеденова, Н.М.Римашевская, Л.С.Ржаницына, З.А.Хоткина, М.С.Токсанбаева, И.К.Заславская, Н.В.Зверева, И.Е.Калабихина, Р.Г.Касимова, М.И.Либоракина, Е.В.Машукова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида акс эттирилган<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришининг умумназарий муаммолари С.Ғуломов, Ф.Эгамбердиев, Б.Ходиев, Б.Беркинов, Д.Қосимова, Т.Досчанов, У.Гафуров, К.Муфтайдинов, С.Салаев каби олимлар томонидан ўрганилган бўлса<sup>8</sup>, кичик бизнесда аёлларнинг меҳнатини ташкил этиш масалалари Қ.Х.Абдураҳмонов, Р.А.Убайдуллаева, Н.Х.Рахимова, Г.Қ.Абдураҳмонова, Ш.Г.Джаббарова, А.Б.Ирматова каби олимлар томонидан ўрганилган<sup>9</sup>.

Аммо нафақат Ўзбекистон, балки МДХ мамлакатларида ҳам аёллар тадбиркорлиги мавзуси социологик ва аҳолишунослик ёндашуви асосида, шунингдек аёллар ишсизлигини камайтирувчи омил сифатида ўрганилган.

---

<sup>7</sup> Шеденова Н.У. Женский труд в условиях рыночных отношений: социальные аспекты.: Автореф. дис ....канд. экон. наук. — Алматы.: 1998. — С.21.; И.Е.; Римашевская Н.М. Гендерные стереотипы в меняющемся обществе: опыт комплексного социального исследования. Монография.- М.: Наука. 2009. -76 с. ; Ржаницына Л.С. Концепция женской занятости. - М.: БЕК, 2006. –245 с.; Хоткина З.А. Позитивные изменения жизни россиянок в XXI веке. Женщины России XXI век: Коллективная монография. - М.: Экон-Информ, 2016–119 с.; Токсанбаева М.С. Структурные аспекты занятости в малом бизнесе разного статуса // Проблемы и перспективы развития социально-экономического потенциала российских регионов. - Чебоксары: ООО Издательский дом Пегас, 2016. – 134-141 с.

<sup>8</sup> Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательство и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. с.19-С3.; Дўстжанов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. - Урганч.: Хоразм, 1997. 129 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: икт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000. - 338 б.; Беркинов Б.Б. Кооперацияга асосланган касаначилик.: Т.: ТДИУ, 2008 й.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари.: икт.фан.док.дисс. - Т.: ЎзМУ. 2004. - 276 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибида солишининг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш.: икт.фан.док.дисс. - Т. ЎзБМА. 2017. — 274 б.; Мурадова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш.Иқт.фан.доктори дисс.автореферати. Т.2016; Қосимова Д.С. Халқаро тадбиркорлик. Дарслик. - Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт мантбаа уйи”, 2021 – 334 б.

<sup>9</sup> Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: “Fan” нашриёти, 2019 -595б.; Убайдуллаева Р.А., Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. -Т. : Фан, 2006. -35 б.; Рахимова Н.Х. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. Автореферат дис. док. экон. наук. -Т.: АНРУз Институт Экономики. 2007.; Абдураҳманова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Iqtisodiyot, 2014. -216 б.; Джаббарова Ш.Г. Гендерные особенности формирования занятости в Республике Узбекистан. Автореферат дис. конд. экон. наук. -Т.: ГОУ ВПО РЭА имени Г.В. Плеханова в г. Ташкенте. 2011.; Ирматова А.Б. Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш. DSc илмий даражаси диссертацияси/ Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали Т; 2021.

Тадбиркорлик ва кичик бизнесдаги аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари иқтисодий жиҳатдан бирмунча суст ёритилганлигини тан олиш зарур. Мазкур ҳолат диссертация ишида келтирилган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдим этилган таклиф ва хулосаларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ илмий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва илмий-услубий асосларини очиб бериш;

аёллар тадбиркорлининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва ривожланиш омилларини тадқиқ этиш;

аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва Ўзбекистон шароитида улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

мамлакатда аёллар тадбиркорлик фаолияти ривожланиш жараёнларининг ижтимоий-иктисодий таҳлилини амалга ошириш;

республикада аёллар тадбиркорлигига таъсир қилувчи омилларни тавсифий таҳлил қилиш ва уларни баҳолаш;

Ўзбекистонда аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмаларнинг ривожланиш моделини тузиш ва прогнозлаш;

республикада аёллар тадбиркорлигининг мавжуд муаммоларини аниқлаган ҳолда зарурий чора-тадбирлар тизимини тақдим қилиш;

мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ўрнини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Ўзбекистондаги аёллар раҳбарлигидаги кичик тадбиркорлик субъектлари ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гурухлаш, комплекс баҳолаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, анализ ва синтез, статистик таҳлил ва эконометрик моделлаштириш, истиқболли прогнозлаш, омилли ва танлама кузатув, SWOT таҳлил, ижтимоий сўровнома ўтказиш, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

услубий ёндашувга кўра “аёллар тадбиркорлиги” тушунчаси кичик тадбиркорлик субъектининг устав капитали, бошқаруви ва ходимлари таркибида аёлларнинг иштирок этиш даражасини хисобга олган ҳолда белгилаш асосида илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштирилган;

тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватловчи жамоат тузилмаси сифатида хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг ишлаш механизмини аёллар тадбиркорлиги учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар фойдаланувчилари билан ишловчи алоҳида бўғинларни жорий этиш орқали такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини баҳолашда потенциал тадбиркорларга оид, кредитга доир ва марказ фаолиятига доир кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳамда ижобий ёки салбий тавсифи нуқтаи назаридан тақсимлаган ҳолда ёндашиш таклифи асосланган;

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш таъсирида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони динамикасининг 2028 йилга қадар прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

илмий манбаалар тадқиқи асосида аёллар тадбиркорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва гурухланган;

Ўзбекистонда мавжуд маъмурий-худудий бирликлар кесимида аёллар тадбиркорлигининг ҳудудлар иқтисодиётидаги ўрни баҳоланиб, медиана бўйича 4 та гурухга тоифаланган;

ижтимоий сўровнома маълумотлари асосида йиғилган мотивлар, тўсиқлар ва хусусиятлар кўрсаткичлари аёлларнинг тадбиркорлик бошлишига таъсир этувчи омиллар сифатида эконометрик баҳоланган;

кичик бизнесда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш йўналиши сифатида ўз-ўзини тартибга солиш тизимининг давлат тартибга солиш тизими билан ҳамкорлик схемаси ишлаб чиқилган;

аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларнинг 3 та гурухидан иборат дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хulosса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва тавсиялар Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга оид маҳсус илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида меъёрий ҳужжатларни ва комплекс чора-тадбирлар мажмuinи ишлаб чиқишида, тадбиркорликка оид ўкув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар асосида:

услубий ёндашувга кўра “аёллар тадбиркорлиги” тушунчасини кичик тадбиркорлик субъектининг устав капитали, бошқаруви ва ходимлари таркибида аёлларнинг иштирок этиш даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаш асосида илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштиришга оид назарий-услубий материаллардан олий ўкув юртларининг 60411300 – Бизнесни бошқариш, 60411700 – Логистика, 60412500 – Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 60412500 – Маркетинг (реклама иши) таълим йўналишлари талabalari учун тавсия этилган “Омадли бизнес яратиш” ўкув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорининг 2022 йил 24 октябрдаги 328-сонли бўйруғи). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши олий ўкув юртлари талabalariiga “Аёллар тадбиркорлиги” тушунчасини назарий жиҳатдан ўрганишда фойдаланилиш билан бирга тадбиркорлик субъектлари ҳисобини юритишида аёллар тадбиркорлиги мақомини аниқ мезонлар бўйича белгилаш имконини берган;

тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватловчи жамоат тузилмаси сифатида хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг ишлаш механизмини аёллар тадбиркорлиги учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар фойдаланувчилари билан ишловчи алоҳида бўгинларни жорий этиш орқали такомиллаштириш таклифи Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази фаолиятига жорий этилган (Республика хотин-қизлар тадбиркорлик марказининг 2023

йил 14 августдаги №01-10/10-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида Юнусобод тумани хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган имтиёзли кредитларнинг тўғри йўналтириш, кредитор аёлларнинг молиявий саводхонлиги ошириш ва кредитларни қоплаш бўйича қарздорлик даражасини 13%га камайтириш имкони яратилган;

хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини баҳолашда потенциал тадбиркорларга оид, кредитга доир ва марказ фаолиятига доир кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳамда ижобий ёки салбий тавсифи нуқтаи назаридан тақсимлаган ҳолда ёндашиш таклифи Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази фаолиятига жорий этилган (Республика хотин-қизлар тадбиркорлик марказининг 2023 йил 14 августдаги №01-10/10-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида тадбиркорлик марказлари фаолиятини қайта баҳолаш, марказлар рейтингини тузиш ва тадбиркорлик марказлари фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш имкони яратилган;

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш таъсирида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони динамикасининг 2028 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз параметрлари Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан фойдаланилган (Республика хотин-қизлар тадбиркорлик марказининг 2023 йил 14 августдаги №01-10/10-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш стратегиясини белгилаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини акс эттирган жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган республика журналларида 5 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та, шунингдек, илмий амалий конференцияларда 10 та маъruzга тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 170 бетдан иборат.

# **1 БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. § Тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва илмий-услубий асослари**

Фанда маълум бир мавзунинг моҳиятини англаб етиш учун ундаги ўзаро боғланган, бир-бирини тўлдирадиган бир нечта илмий тушунчалар билан ишлаш талаб этилади. Шу асосида “тадбиркорлик”, “тадбиркорликни ривожлантириш”, “кичик бизнес”, “аёллар” ва “аёллар тадбиркорлиги” категориялари ушбу тадқиқот ишини мазмунини ёритишида қўл келадиган тушунчалар қаторига киради.

Аввало, тадбиркорлик тушунчасига келсак, тадбиркорлик фаолияти ҳаётнинг деярли барча жабҳаларини ўз ичига олгани сабабли шу соҳа тўғрисида турлича илмий карашлар ва иқтисодчи мутахассисларнинг талқинларини учратиш мумкин. Шу боис ушбу фаолият ҳақида умумий, яхлит бир таърифни учратмадик. Бу категория узок тарихий ривожланиш босқичларини босиб ўтган ва ҳар бир даврда ўзига хос дунёқарашибилан ёндашилган.

“Тадбиркорлик” тушунчаси XVIII асрда шаклланган бўлсада, унинг эволюцияси бизнинг замонда хам давом этмоқда. Бу тушунча ўша даврдаги машхур иқтисодчилари Р.Кантильон, А.Тюрго, Ф.Кене, А.Смит, Ж.Б.Сэй ва бошкалар томонидан тадбиркорлик фаолиятини илмий тадқиқ қилиш натижасида шакллантирилган.

Дастлаб “тадбиркорлик” тушунчасидан илмий мақсадларда асосли фойдаланиш Адам Смитнинг ”Халқлар бойлиги” асарида учрайди ва ўша замон учун етарли даражада изохлаб берилган. Иқтисодиёт соҳасидаги машхур бу асарнинг ёзилишига туртки берган сабаблардан бири шу даврда юз берган саноат инқилоби хисобланади. Бу асарда А.Смит инқилоб таъсирида

тадбиркорликка умумий таъриф бериш билан бирга хозирги даврда долзарб бўлган қимматли фикрлар ҳам билдирган. Хусусан, у тадбиркорлар фаолиятига аралашиш уларнинг хусусий мулкчилик ҳукуқини поймол этиш бўлади, деган фикрни мутлако ёқламайди. Яъни тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг аралашуви муқаррар ва зарур, деган маънодаги фикрни дастлаб шу олим илгари сурган<sup>10</sup>.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти(ОЭСД) нашрида тадбиркорлик нисбатан тўлиқ ёритиб берилган: Тадбиркорлар бизнеснинг бутунлигича ёки сезиларли улушига эгалик қилиш орқали корхона фаолияти устидан бевосита назоратга эга бўлган шахслардир. Иш берувчи тадбиркорлар камида битта бошқа шахсни иш билан таъминлайдиган тадбиркорлардир.<sup>11</sup>

Иқтисодий луғатларда эса тадбиркорликнинг илмий таърифи қуидаги: “Тадбиркорлик фаолияти ёки тадбиркорлик — мустақил шахс ёки ташаббускор корхонанинг корхона фаолиятини фойда ёки шахсий даромад олиш учун хавф-хатарни сезган холда ўз мулкий жавобгарлиги остидаги фаолиятидир. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий йўналиши: ишлаб чиқариш (маҳсулот, хизмат кўрсатиш), савдо ва тижорат воситачилигидир. Демак, тадбиркорлик товарлар ва хизматлар билан боғлиқ бўлган фойдали ишлаб чиқаришни ташкил этишдир”<sup>12</sup>.

Академик С.С.Ғуломов талқини билан айтганда: “тадбиркор шундай инсонки, у тўла ёки қисман ўз моддий маблағига ёки молиявий ресурсларига эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини(бизнесини) ташкил қилиш учун ишга солади. Улар томонидан бунёд этилган фирма давлатимиздаги тараққий этаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айланади”<sup>13</sup>.

Мамлакатимизда тадбиркорликка назарий ва амалий ёндашувларнинг бирмунча уйғунлигини кузатиш мумкин. 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик

<sup>10</sup> J. Viner. “Adam Smith an Laissez Faire” (Scottish Journal of Political Economy. 1927.)// манба: Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Пер. с. Англ., 4-изд. М.:Дело ЛТД. 1994

<sup>11</sup>[https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/entrepreneur\\_aag-2012-4-en.pdf?expires=1668583930&id=id&accname=guest&checksum=32DC9E49A260E0B1A2BC0CB46CA89E11](https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/entrepreneur_aag-2012-4-en.pdf?expires=1668583930&id=id&accname=guest&checksum=32DC9E49A260E0B1A2BC0CB46CA89E11)

<sup>12</sup> Архипов И.А. Экономический словарь. М.: Проспект. 2001. С.620.

<sup>13</sup> Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Шарқ, 2002. 86.

фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунида(янги таҳрири) таъқидланганидек “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”<sup>14</sup>. Юқоридаги бир қатор келтирилган таърифлар тадқиқот давомида аёллар тадбиркорлиги тушунчасини аниқлаштиришда фойдаланилди.

Дарвоҷе, тадбиркорларнинг салмоқли улуши кичик бизнес билан шуғулланади ва ушбу соҳа жаҳон иқтисодиётида катта потенциални ўзида жамлаган. Кичик бизнес бир қатор стратегик афзалликларга эга бўлиб, улар давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати мақсадларига эришишга, ушбу тармоқнинг барқарорлиги ва ўзини ўзи ривожланишини таъминлашга ёрдам беради(1.1-расм).



### 1.1-расм. Кичик бизнеснинг стратегик афзалликлари<sup>15</sup>

Юқоридаги расмда санаб ўтилган афзалликлар билан бирга айтиш мумкинки, кичик ҳажмдаги тадбиркорлик айнан мустақил субъектлар томонидан хавф-хатарларни тан олган холда, ўз мол-мулклари асосида маълум фойда ёки иқтисодий манфаатдорлик олиш мақсадидаги фаолият ҳисобланади. Кичик бизнеснинг муҳим белгиларидан бири унинг ўз ишига ва

<sup>14</sup> 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-328-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни(янги таҳрири) <https://lex.uz/docs/2006789>

<sup>15</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

мулкига бевосита эгалик қилишдир. Бунда мулк ва назоратнинг айнан ички боғлиқлиги, мулқдор ҳамда жавобгарлик ва маъсулиятни ўзига қабул қила оладиган бошқарувчининг бирлиги муҳимдир.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳаракатчанлиги ва ихчамлиги билан янги иш ўринлари яратиш борасидаги имконият ва салоҳиятини намоён қиласи. Тўғри, мантиқан алоҳида олинган йирик корхона кичик корхонага нисбатан бир неча ўнлаб, юзлаб марта кўпроқ ишчиларни ёллаш орқали мутлақ устунликка эга бўлиши мумкин. Бироқ, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, йирик корхоналар ўз ходимлари таркибини бир марта тўлдиргандан сўнг, унинг янги иш ўрин яратиш имконияти кескин қисқаради ёки тугайди. Кичик тадбиркорлик субъектлари эса, яхлит соҳа сифатида, озгина қўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўлган жойда узлуксиз тарзда ва тезлик билан янгидан иш ўринларини яратишга ҳаракат қиласи<sup>16</sup>.

Маълумотлардан кўринадики, 2016-2022 йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётдаги жами бандларнинг  $\frac{3}{4}$  қисмидан кўпроғини қамраб олган бўлиб, бу ҳаттоқи жаҳондаги бир қатор ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан ҳам юқори ҳисобланади.

Миллий қонунчиликка кўра, кичик тадбиркорликка қўйидагилар киради: якка тартиbdаги тадбиркорлик, микрофирма ва кичик корхона. Ташкилотларни кичик тадбиркорлик субъектига киритиш услубияти Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли қарорига кўра ишлаб чиқилган классификацияга асосланади.

Иқтисодчи олимлар кичик бизнесга ёхуд тадбиркорликка ўз нуқтаи назаридан ёндашган бўлсаларда, уларнинг кўпчилиги қўйидаги умумий хусусиятларни эътироф этишган: иқтисодий фаоллик, динамик фаоллик(ҳаракатчанлик), инновация, таваккалчилик ва даромад. Аммо яқин вақтлардан бери бозор тадбиркорлардан айнан аёлларга хос бўлган интуиция,


---

<sup>16</sup> Б. Д. Хажиев, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МУҲИМ ЙЎНАЛИШ/ Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy innovatsion yo‘nalishlari. Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami (2021-yil 25-noyabr). – Т.: “IQTISODIYOT”, 2021. – 160 b

сезгирик, мослашувчанлик каби бошқа фазилатларни ҳам талаб қилмоқда. Олим Ю.Ю.Малишевская ёзишича, юқорида таъкидланган хусусиятлар натижасида Ғарбда тадбиркор аёлларнинг ўсиш суръати эркак тадбиркорларнинг ўсиш суръатларидан ўзиди<sup>17</sup>.

Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-куватлашда ривожланаётган мамлакатлар тажрибасида аҳолининг турли вакилларига алоҳида ёндашувлар кўп учрайди. Бунда дастлабки босқичдаги аёллар тадбиркорлигига алоҳида урғу бериш моддий-техник таъминланган, кўп йиллик тажрибага эга тадбиркорлардан фарқли ўлароқ ташқаридан тиргакка муҳтож тадбиркорлар сегменти фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий фойда ҳам келтиради.

Мазкур илмий ишда тадбиркорлик ва кичик бизнесда айнан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришини тадқиқ қилишга бир қатор омиллар туртки бўлди(1.2-расм).



## 1.2-расм. Аёллар тадбиркорлигини ўрганишга туртки берувчи омиллар<sup>18</sup>

Юқоридаги расмда Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масаласини тадқиқ қилиш заруратини келиб чиқишига сабаб бўлган баъзи омиллар санаб ўтилган.

Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги кўп тилга олинсада, афсуски, аниқ ҳуқуқий асоси ва белгиланган андозаси йўқлиги аниқланди. Аслида,

<sup>17</sup> Малышевская Ю.Ю. Особенности формирования социальной группы «женщины-предприниматели» / Ю.Ю. Малышевская // Социально-политические науки. – 2013. – №4. – С. 26

<sup>18</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

хотин-қизлар кичик бизнесда салмоқли ўринга эга бўлиб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг пойдевори сифатида қаралади<sup>19</sup>. Президент Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам аёлларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласини энг муҳим йўналишлардан бири сифатида бежизга белгиламадик..... Ҳам, оила, ҳам бола тарбияси билан шуғулланиш билан бирга, ўқиш, иш ёки тадбиркорликни олиб бориш катта матонат талаб қиласди”<sup>20</sup>.

Тадқиқотларда қайд этилишича, аёллар тадбиркорлиги дунё бўйича энг тез ривожланаётган тадбиркорлик категорияси<sup>21</sup> саналади. “Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қўмаклашиш бир неча муҳим вазифаларни ҳал қилишга ҳам қўмаклашади. Биринчидан, аёллар ресурсларни бошқариш имкониятини олишади, бу эса анъанавий тарзда, ўзлари ҳамда фарзандлари учун, соғлиқни сақлаш, таълим ва овқатланишларига ижобий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, аёлларнинг иқтисодий фаоллиги, уларни даромад юқори бўлган соҳаларга жалб қилиш даражаси ошади. Учинчидан, ёмон меҳнат шароитлари, мавхум истиқбол ва кафолатланмаган бандлик билан ажралиб турадиган норасмий сектор (ҳозирда 50-74%<sup>22</sup>)нинг кенгайиш даражаси пасаяди”<sup>23</sup>.

Шу билан бирга, иқтисодий фаол аёлларнинг статуси ва ҳолатини таҳлил қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2015 йилда қабул қилинган “2030 йилгача Барқарор Ривожланиш мақсадлари” бўйича Кун тартибидаги масалаларни амалга оширишнинг асосий механизми ҳисобланади.

---

<sup>19</sup> О.Д. Хамракулова. (2022). Малое предпринимательство и активизация роли женщин в бизнесе. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2099>

<sup>20</sup> <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-raisligida-xotin-qizlarni-qollab-quvvatlashga-bagishlangan-yigilishda-ayollar-uchun-qanday-engilliklar-kiritildi>

<sup>21</sup> Cardella GM, Hernández-Sánchez BR and Sánchez-García JC (2020) Women Entrepreneurship: A Systematic Review to Outline the Boundaries of Scientific Literature. Front. Psychol. 11:1557. doi: 10.3389/fpsyg.2020.01557

<sup>22</sup> ([www.ilo.org](http://www.ilo.org) 2016)

<sup>23</sup> Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини амалга ошириш. Таҳлилий маъзуза/ ўзбекча таҳрири. [www.undp.uz](http://www.undp.uz)

Аёлларнинг иқтисодий ўсиш ва бойлик тўплаш борасидаги миллий иқтисодиётга қўшган ҳиссаси ниҳоятда қимматли ҳисобланади ва бу ҳозирда деярли шубҳа остига олинмаяпти. Бундан ташқари, аёлларнинг тадбиркорлик фаоллиги юқори бўлган мамлакатлар молиявий инқирозларга мойиллиги кам бўлади ва иқтисодий ўсишнинг сустлашишига камроқ дучор бўлади<sup>24</sup>. Олим Р.Жекман мақоласида келтирилган хулосалардан бири шундаки, ишсизлик даражаси паст бўлган мамлакатларда эркаклар ва аёлларнинг ишсизлик даражаси жуда яқин, ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда эса аёллар учун ишсизлик даражаси нисбатан юқори<sup>25</sup>. Бу каби тадқиқотлар аёлларнинг иқтисодий фаоллигини макро даражада ахамиятлилигини исботлаган.

Дарҳақиқат, жаҳонда 2019 йил охирида бошланган пандемия 2021 йилга келиб 96 млн. кишини ўта қашшоқликка олиб келди, улардан 47 млн. нафарини аёллар ва қизлар ташкил этди. Норасмий секторда ишловчи 740 млн. аёлнинг даромади 60%га тушиб кетди, Европа ва Осиёда эса 25 % аёллар иш жойларини йўқотдилар<sup>26</sup>. Дунё иқтисодиётини издан чиқараёзган пандемияда аёллар кўпроқ зарар кўрганлигининг сабаблардан энг асосийлари қўйидагилар деб ҳисблаймиз:

- ижтимоий ҳимоя қилинмайдиган норасмий сектор вакилларининг салмоқли қисми аёллардан иборатлиги;
- яшаш ва овқатланиш, улгуржи ва чакана савдо каби аёллар кўп бўлган соҳаларда карантин чоралари натижасида кузатилган пасайиш тенденциялари;
- тўлиқсиз иш куни билан банд бўлганлар, айниқса аёл ҳодимлар штат қисқаришида биринчилардан бўлиб ишсиз қолишга мойиллиги;
- уйда қолиш чоралари туфайли оилавий масъулиятнинг қўшимча юки;
- инқироз даврида иш ҳақининг қисқариши ва бу борадаги гендер фарқлари қашшоқликка олиб келиши мумкинлиги.

<sup>24</sup> Абриталина, А.С. Женское предпринимательство: социально-экономические мотивации и факторы: диссертация ... кандидата социологических наук: 22.00.03. - Саратов, 2006. - 153 с

<sup>25</sup>Jackman, R. (2002). Determinants of unemployment in western Europe and possible policy responses. Paper presented at UNECE's 5 th Spring Seminar Geneva, 1-38.

<sup>26</sup> Un woman. From insides to action. Gender equality in the wake of Covid-19. Report. 2020. P 7

Мамлакатдаги ҳолатта келсак, иқтисодий фаолият турлари бўйича аёллар фаол бўлган асосий соҳалар таълим(74,9%) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш(76,3%) бўлиб, қурилиш, ташиш ва сақлаш ҳизматлари, ахборот ва алоқа, шунингдек, молия ва суғурта фаолияти бўйича эркаклар яққол устунликка эга.

Статистикага кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда аёллар иш ҳақининг эркаклар иш ҳақига нисбати 34,0% бўлган. Демак даромад жихатидан, А.В.Шастало ўз илмий ишида айтганидек, “Аёллар қарама-қарши жинс вакилларидан фарқли ўлароқ, кам ҳақ тўланадиган лавозимларни кўпроқ эгаллашади”<sup>27</sup>. Тадбиркорлар, бизнес эгалари орасида эса аёллар жуда кам улушга эга. Масалан, 2022 йилда республикадаги фирмаларнинг 29,2%ига аёллар эгалик қилган. Бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 21,9%ни ташкил этган. Мазкур рақамлар ҳам мамлакатда аёлларнинг тадбиркорликдаги фаоллигини оширишнинг ижтимоий-иктисодий аҳамиятини яна бир бор намоён этади.


Шу ўринда айтиш жоизки, ривожланаётган мамлакатларда, айниқса Марказий Осиё давлатлари маданияти ва бозор хусусиятларидан келиб чиқсан аёлларнинг иқтисодий фаоллиги асосан қуйидаги муаммоларга дуч келади:

- нотенг иқтисодий имкониятлар ва молиявий мустақиллик етишмаслиги;
- уй хўжалигини юритишида катта оиласвий масъулият;
- жамиятда аёлларга нисбатан стериотипларга асосланган муносабат.

Бу каби муаммоларнинг мавжудлиги хотин-қизларнинг нафақат иқтисодий имкониятларини камайтиради, балки мамлакатдаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнларига аёлларнинг салмоқли хисса қўшишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода тадқиқот давомида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришдан кўзланган мақсадлар пирамидаси шакллантирилди(1.3-расм).

---

<sup>27</sup> Шастало А.В. ТРУДОВАЯ ЗАНЯТОСТЬ ЖЕНЩИНЫ-МАТЕРИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПРОБЛЕМЫ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИХ РЕШЕНИЯ Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире. 2017. № 20-1. С. 151-161.



### 1.3-расм. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришдан кўзланган мақсадлар пирамидаси<sup>28</sup>

Юқоридаги расм изоҳида айтиш мумкинки, аёллар тадбиркорлигининг икки жиҳати мавжуд. Аввало зарурат жиҳати шуки, молиявий жиҳатдан эҳтиёжи бор аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши натижасида ёлланма ҳодим сифатида дуч келиниши мумкин бўлган муаммолар четлаб ўтилиб бошқа оиласвий масъулияtlар билан параллел равишда даромад манбаига эга бўлиш имконияти бўлади. Иккинчидан, аёлларнинг қўшимча тадбиркорлик ресурси сифатида иқтисодиётга ҳисса қўшиши ва ижтимоий табақалашувни юмшатиши каби жамият учун аҳамиятли жиҳатлари ҳам диққатга сазовор.

Хўш тадбиркор аёл тушунчасига олимларнинг қандай назарий қарашлари мавжуд? Умумий тадбиркорлик бўйича адабиётлар 1930 йиллардан чиқа бошлаган бўлса, аёлларга тааллуқли мақолалар 70 йиллар охирида ғарбда

<sup>28</sup> Материалы асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

пайдо бўла бошлади ва аёллар тадбиркорлиги бўйича изланишлар турли фанлар, усуллар ва мамлакатларга кенгайди. Farb адабиётларида тадбиркор аёл тушунчаси биринчи марта тижорат корхонасини юритувчи, ташкил этувчи ва бошқарувчи аёл сифатида тавсифланган. Кейинги йилларда хотин-қизлар тадбиркорлиги иқтисодиётга катта ижобий таъсир кўрсатиши чуқур англауди ва бу олимлар томонидан мазкур соҳага жиддий эътибор қаратилишига сабаб бўлди.

Э.Швартс, Р.Д.Хисрич, К.Г. Бруш, Г.А. Ҳомадай, Г.А. Тиммонс, К. Веспер, Р.Гоффи, Р.Скасе, А.Бруни, Ҳ.Аҳл, С.Гхерарди, Б.Поггио ва бошқалар аёллар тадбиркорлигини тадқиқ қилган хорижий олимлар жумласидандир. 1-иловада аёллар тадбиркорлиги ҳақидаги нашрларнинг ривожланиш босқичлари келтирилган. Шунингдек, 2-иловада XX аср охири ва XXI аср бошида илмий журналларда чоп этилган ушбу мавзуга тегишли 20га яқин тадқиқотлардаги адабиётлар шарҳи ўрганиб чиқилди.

90-йилларгача дунёдаги асосий академик изланишлар аёллар тадбиркорлиги деганда индивидуал тадбиркорлик ёки касаначиликни назарда тутган. Ҳозирда кўпгина тадқиқотчилар тадбиркорлик концепциясини феминистик назариялар билан уйғунлаштириб унинг кенгроқ назарий асосларини яратиш мумкинлигини айтмоқдалар. Масалан, тадқиқотчи Ҳ. Аҳл 2006 йилги мақоласида<sup>29</sup> 80дан ортиқ юқори сифатли илмий тадқиқот мақолаларини умумлаштириб, тадбиркорликни эркакларга хос фаолият эканлиги таъкидлади. Тадбиркорлик хатти-харакатларидаги фарқлар кичик бўлса-да, эркак тадбиркорлар ва аёл тадбиркорлар сезиларли даражада фарқ қилиши тахмин қилинди. Шунингдек, тадбиркор аёлларни бошқа “оддий” аёллардан истисно сифатида кўрсатди ва “муқобил аёлларча тадбиркорлик” моделини яратди.

Одатда, “Тадбиркор аёл” деганда тадбиркорлик ташаббусига эга, ўз фаолиятини ташкил этган ва уни юритадиган аёллар тушунилади. Машхур

<sup>29</sup> Ahl, H. (2006). Why research on women entrepreneurs needs new directions. *Entrepreneurship Theory and Practice*, 30, 595–621.

иқтисодчи олим Шумпетер таърифи бўйича, тадбиркорлик фаолиятида янгилик қиласиган, ўзлаштирадиган ёки тақлид қиласиган хотин-қизлар тадбиркор аёллардир. Бу таъриф айнан тадбиркорларни кенг қамровли тушунтириб бера олган ва оддий мантиққа кўра шу каби аёлларни тадбиркор аёллар деб таърифлаган. Унинг таъкидлашича, аёллар тадбиркорлиги аёлларнинг корхона капиталидаги ва меҳнат жараёнидаги иштирокига асосланади<sup>30</sup>. Ўз даврининг илғор иқтисодчиси сифатида Шумпетер аёллар тадбиркорлигига муносиб назарий асос яратган.

21 аср тадқиқотларида эса қуйидаги батафсил изоҳни учратдик: тадбиркор аёллар - бу тадбиркорлик фаолияти ҳақида қайгурадиган, унинг ташаббускори бўлган, ишлаб чиқариш омилларини ташкил этадиган ва бирлаштирадиган, корхонани бошқарадиган ва бизнесни юритиш билан боғлиқ таваккалчилик ва иқтисодий ноаниқликни ўз зиммасига оладиган аёллардир<sup>31</sup>. Олимнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш жоизки, санаб ўтилган хусусиятларнинг ҳаммаси ҳам бир нуқтада жамланмаслиги мумкин. Асосийси аёл тадбиркор бўлиши учун молиявий рискни ўз зиммасига олиши билан хусусий сектордаги ёлланма ишчидан фарқ қиласи. Қўшимча равишда, аёл мазкур фаолиятни назорат қилиши ҳам уни тўлақонли тадбиркор аёл мақомига эриширади.

Яна бир тадқиқотчи олим айтишича: тадбиркор аёл бу бизнес ва ишлаб чиқаришни йўлга кўйган, юритадиган ва ташкил этадиган ва бошқа аёлларга иш имкониятларини тақдим этадиган шахсадир<sup>32</sup>. Айтиш жоизки бу ёндашув ҳаддан ташқари кўп талабларни ўз ичига олганлиги сабабли тушунча доирасини торайтиради. Масалан, фаолият эгаси бўлган аёл ҳеч кимни ишга ёлламаса ҳам тадбиркор аёллигича қолади.

Аёллар тадбиркорлиги тушунчаси эса шахсни эмас, балки фаолиятни ифодаловчи тушунча бўлиб, у ҳақида баъзи адабиётларда қуйидаги фикрлар

<sup>30</sup> S.S. Khanka, Entrepreneurial Development book published by S. Chand Limited, 2006. 237p.

<sup>31</sup> N.V.R. Naidu(2013) Management and Entrepreneurship китоб I.K. International Publishing House Pvt. Limited, 171p.

<sup>32</sup> M. Thilakavathy, R.K. Maya. FACETS OF CONTEMPORARY HISTORY. MJP nashriyoti, Chennai 2019.

келтирилган: Аёллар тадбиркорлиги деганда аёл(лар) эгалик қиласынан да назорат қиласынан фаяниятдаги капиталнинг 51 фоизидан кам бўлмаган улушида ҳамда мазкур корхонада яратилган иш ўринларининг камида 51 фоизида аёллар бўлган бизнес фаянияти тушунилади<sup>33</sup>. Мос равишда, Ҳиндистон ҳукумати қонунларига кўра ҳам "Аёллар тадбиркорлигига корхона капиталининг камида 51 фоизига эга бўлган аёл раҳбарлигидаги, ҳодимларнинг камида 51 фоизини аёллар ташкил этувчи корхоналар кириши белгиланган"<sup>34</sup>. Тадбиркорлик фаяниятига эгалик қилишда аёллар иштирокини аниқ улуш билан белгилаш албатта зарур, лекин ҳодимлар таркиби ўзгарувчанлиги ва улар тадбиркор эмас ёлланма меҳнат қилувчилар эканлигидан келиб чиқиб бундай таъриф ёқламаслигимиз мумкин эди. Аммо аёллар тадбиркорлиги тушунчасига аниқлик киритиш давлатнинг мазкур тоифа бизнес фаяниятини қўллаб-қувватлаш сиёсатида фойдаланилар экан, бунда ғирром йўллар билан имтиёздан фойдаланиш имкониятларини минималлаштириш заруратидан келиб чиқиб, ҳодимлар таркиби критерийсини ҳам қабул қилиш зарур деган фикр илгари сурилмоқда.

Аслида, тадбиркорликнинг турли хил фаяният шаклларида намоён бўлиши, ундаги турли меҳнат жараёнлари хатто энг илғор халқаро ташкилотлар учун ҳам гендер ўлчамини киритган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ҳақида маълумотларни ишлаб чиқиш ва жамлашни бироз қийинлаштиради. Жаҳон банкининг аёллар тадбиркорлиги бўйича маълумотлар базасида дунё мамлакатларида бу борада турли ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, Малайзия, Норвегия, Тожикистон, Латвия ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги аёллар тадбиркорлиги якка тадбиркор, МЧЖ директори ва МЧЖ эгаларини қамраб олган. Австрия, Суринаам, Филиппин, Франция каби саноқли мамлакатларда фақат якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобга олинган. Чили, Германия, Иордания ва

---

<sup>33</sup> S.S. Khanka, Entrepreneurial Development book published by S. Chand Limited, 2006

<sup>34</sup> SANGRAM KESHARI MOHANTY. [FUNDAMENTALS OF ENTREPRENEURSHIP](#). PHI Learning, 2005

Қозоғистон кабиларда эса тадбиркор аёллар қаторига ЯТТ ва МЧЖ әгалари бўлган аёллар киритилган<sup>35</sup> ва ҳоказо(1.1-жадвал).

### **1.1-жадвал**

#### **Турли мамлакатлардаги аёллар тадбиркорлиги таркибига кирувчи тадбиркорлик субъектлари\***

Мамлакатлар	Якка тадбиркор	МЧЖ директори	МЧЖ эгаси
Малайзия, Норвегия, Тожикистон ва б	+	+	+
Австрия, Суринам, Филиппин ва б	+		
Чили, Германия ва Қозоғистон ва б	+		+
Бахраин, Бутан, Камбоджа ва б.		+	+
Италия, Корея, Того ва б.			+
МАР, Сомали	+	+	
Тайланд		+	

\*манба: Жаҳон банки маълумотлар базаси <https://databank.worldbank.org/source/genderstatistics>

Мазкур базада Ўзбекистон ҳақида маълумот бўлмасада, Марказий Банк ва Давлат статистика агентлигининг аёллар тадбиркорлиги тушунчасига ёндашувларини келтириб ўтамиз. Узоқ йиллардан бери банклар кредит берилган тадбиркорлик субъектлари ичida аёллар тадбиркорлиги деб ажратишида уларнинг раҳбари аёллиги ёки мазкур юридик шахс таркибида 50%дан ортиқ аёллар ҳодимларнинг мавжудлигини хисобга олишади(бу услугиятга асос бўлган қонун ўз кучини йўқотган бўлса-да)<sup>36</sup>. Бунда баъзи ноаниқликлар мавжуд. Масалан, эркак тадбиркор эгалик қиласидан корхонадаги асосий ҳодимлар аёллар бўлгани сабабли фаолиятни аёллар тадбиркорлиги дейиш ноўрин. Ваҳоланки аёлларнинг кичик бизнесдаги тадбиркорлик фаолияти алоҳида ижтимоий ёндашувни талаб қиласидан бора олишади. Яъни фаолият эгаси аёл киши ва ҳодимларнинг салмоқли қисми аёллардан иборат эканлигидан келиб чиқиб аёллар тадбиркорлиги мақомини бериш зарур. Статистика қўмитаси маълумотлар базасини шакллантириш методологиясида эса юридик шахс раҳбари, кичик корхона ва микрофирма

<sup>35</sup> World Bank. Gender Statistics - World Bank DataBank <https://databank.worldbank.org/source/gender-statistics> [accessed on September 3, 2022]

<sup>36</sup> ЎзР Марказий Банки ишонч телефони оркали олинган маълумот, 6.10.2022 ва 11.04.2023

раҳбари ва ЯТТ, шунингдек, ўзини-ўзи банд қилганлар ҳисобини юритишда гендер бўйича ажратиб кўрсатилишини кузатдик. Бу ҳолатдаги ноаниқлик шундаки, юридик шахсларнинг директори аёл экани маълум бўлсада, баъзи ташкилий-хукуқий шакллар бўйича у ёлланма директорми ёки бизнес эгасими, бу мавхумлигича қолган. Яъни корхона директори аёл бўлиб, унда мулкдор бўлмаслик ҳолатини ва турли ташкилий-хукуқий шаклдаги фаолиятларда учрайдиган алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиш зарур. Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлиги деган расмий тушунча йўқлиги сабабли бундай турли ҳил ёндашувлар кузатилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиздаги иккала ёндашувда ҳам маълум маънода мантиқ бор деб эътироф этган ҳолда, бу каби методологияларни унификациялаш зарурати мавжудлигига урғу бермоқчимиз.

Шу ўринда тадбиркорликнинг турли даражаларини ҳам алоҳида қўриб чиқсан. Тадбиркорлик фаолиятида бошқарув ҳам мулкий жавобгарлик ҳам битта аёл кишида бўлган якка тартиbdаги тадбиркорлик фаолиятида аёллар тадбиркорлигини осонликча ажратиб олиш мумкин. Баъзи мамлакатларда якка тартиbdаги тадбиркорлик бир шахсга тегишли бўлган барча корхоналарни қамраб олган умумий атама бўлса, бошқа мамлакатларда (масалан, АҚШ ва Ўзбекистонда) якка тартиbdаги тадбиркорлик чекланмаган шахсий жавобгарликка эга бўлган ва маълум бир солиқ режимига бўйсунадиган фаолият билан боғлиқ бўлган аниқ хукуқий мақомдир.

Юридик шахс ташкил қилган ҳолда амалга ошаётган тадбиркорликни статистик идентификациялашда эса мулк эгалари, бошқарувчилар ва ҳодимлар таркибини назарда тутувчи қоидаларга асосланиш талаб қиласди. Аввало тадбиркорликнинг умумий таърифидаги тадбиркор молиявий рискни зиммасига оловчи деган тушунчага кўра, аёллар тадбиркорлиги дейиш учун мулк эгалигида аёллар тўлиқ ёки салмоқли улушга эга бўлиши зарур деган хулоса олдик. Шу билан бирга, аёллар тадбиркорлиги термини бутун фаолиятга тегишли эканидан келиб чиқсан, фаолият раҳбари аёл бўлиши ҳам мантиқли. Аммо мулкка эгаликнинг салмоқли қисми аёл(лар)га тегишли

бўлиб, фаолиятни исталган ёлланма бошқарувчи юритса ҳам аёллар тадбиркорлигига киритиш ўринли бўлади. Чунки фаолият эгаси бўлган аёл тадбиркор қарори билан ёлланма директор лавозимидан озод этилиши ва янги бошқарувчи тайинлаши мумкин. Бунда умумий назорат аёл тадбиркор(лар)да бўлиши талаб этилади. Ҳодимлар таркиби камидаги 50 фоизи аёллар бўлиши эса турли имтиёзлар шароитида эркакларга хос бўлган фаолият эгаси сифатида бирор аёл кишини расмийлаштириб аёллар тадбиркорлиги мақомини ноўрин олиш ҳолатларини олди олинади. Демак, КБХТда ҳодимларнинг камидаги 50 фоизи аёллар бўлса, тадбиркорлик фаолиятига аёл(лар) эгалик қилса, у бошқарувда иштирок этишидан қатъий назар аёллар тадбиркорлигига киритилади.

Йирик бизнес корпорация, ширкат, акциядорлик жамияти каби кўринишларда намоён бўлиб, фаолиятни Директорлар кенгаши бошқаради. Бу каби катта фаолиятларда гендер фарқлари ўз аҳамиятини йўқотади. Шу сабабли фақат кичик тадбиркорлик нуқтаи назаридан услубий ёндашув шакллантирилди.

Меҳнат шартномасисиз даромад топишнинг яна бир кенг тарқалган шакли – Ўз-ўзини банд қилиш бўлиб, бир қатор халқаро маълумотлар базаларида тадбиркорлик кўрсаткичи сифатида тўлиқ тан олинади ва баъзи мамлакатларда ёлғиз тадбиркор(Sole proprietors) деб ҳам эътироф этилади. Чунки қиймат яратиб уни сотиши ва даромадини ўзи ошира олиши тадбиркорлик хусусиятларидан ҳисобланади. Ўз-ўзини банд қилганлар кўрсаткичлари халқаро даражада уйғунлаштирилган ҳолда Халқаро меҳнат ташкилоти(ILO) томонидан ҳар йили шакллантирилади.<sup>37</sup> Сабаби улар функцияси ва иш профили бўйича ишчиларга яқинроқ. Аслида, ўз-ўзини иш билан таъминлайдиганлар фаолиятининг турлари жуда кўп, масалан, такси ҳайдовчилари, чақалоқ парваришлидиганлар, тикувчилар ва ҳ.к.. Ҳозирги замонавий тушунча сифатида Ўз-ўзини банд қилганларни фрилансерлар дея

<sup>37</sup> Van Stel, A. (2004), "COMPENDIA: mamlakatlar va vaqt o'tishi bilan biznesga egalik ma'lumotlarini uyg'unlashtirish", Scales Research Reports N200413, EIM Business and Policy Research.

аталмоқда. Фикримизча, Ўз-ўзини банд қилишни тадбиркорликнинг илк босқичига қиёслаб, “квазитадбиркорлик” дейиш мумкин ва бу айнан аёллар учун тадбиркорликнинг жуда қулай шакли сифатида истиқболлидир.

Бизнингча, “**Аёллар тадбиркорлиги**” деганда – тадбиркор аёл ёки аёлларнинг салмоқли иштирокидаги гурухи томонидан йўлга қўйилган ва ривожлантирилаётган, ҳодимларнинг камида 50 фоизи аёллардан иборат бўлган, таваккалчилик билан қиймат яратувчи бизнес фаолиятидир.

Демак, америкалиқ эксперт Одра Шаллал қайд этганидек: “XXI асрда аёллар тадбиркорлиги бутун жаҳон, хаттоқи Яқин Шарқ ва Африка иқтисодиётининг ўсишида ҳал қилувчи бўғинга айланди, Европа Иттифоқи давлатлари ҳам бу хақиқатни тан олган, лекин ўқимишли, ўзларининг бизнес ғояларига эга тадбиркор аёллар кўп сонли бўлишига қарамай, уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишилари осон кечмаяпти”<sup>38</sup>. Бу масалани ҳал қилишда аёллар тадбиркорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва омилларини назарий жиҳатдан ўрганиш етакчи аҳамият касб этади.

## **1.2. Аёллар тадбиркорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар**

Аёллар тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришда бизнес жараёнларига уларнинг хос ёндашувлари, тамойиллари, фаолиятдаги фарқли жиҳатлари, тадбиркор аёллар дуч келадиган тўсиқлар ва тадбиркорлик билан шуғулланишга туртки берувчи омилларнинг назарий асосларини ўрганиш устувор аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

1970 йилларда содир бўлган гендер революциясидан кейин, фанга аёлларнинг иқтисодиётдаги иштироки бўйича кўплаб кўрсатгичлар аён бўла бошлади. Хусусан, масаланинг турли жиҳатларига оид бир қатор мақолалар, монографиялар ва бошқа турдаги илмий ишлар пайдо бўла бошлади.

---

<sup>38</sup> Одра Шаллал. Мир стереотипов. Что мешает женскому предпринимательству? (Электрон ресурс). Кирилл режими: <https://www.forbes.ru/forbes.women> (мурожаат килинган сана 13.05.23 ).

Мавзуга оид илмий ишлар муаллиф томонидан ўрганилиб, аёллар юритаётган бизнеснинг бошқа тадбиркорлик субъектларидан фарқловчи ўзига хосликлари ҳақидаги қуидаги чизма шакллантирилди(1.4-расм).



**1.4-расм. Аёллар тадбиркорлигининг ўзига хос хусусиятлари<sup>39</sup>**

Расмда тилга олинган хусусиятларга бирма-бир тўхталиб ўтамиз. АҚШлик олим Р.Л.Аринсон ўзининг тадқиқотида аёллар одатда эркакларга қараганда фаолият давомийлиги қисқароқ бўлишини қайд этди. Табиийки, бу ҳолат аёлларнинг уй ишлари ва оилавий масъулиятлари натижаси, шунингдек, баъзи ҳолларда аёлларда ишлаш ҳохиши йўқ бўлиш эҳтимоли билан боғлиқ, деган фикрдамиз.

Бошқа бир гурух олимлар эса уларнинг турли соҳаларда ўзларини синаб кўришга мойилликларини аниқладилар<sup>40</sup>. Яъни, хотин-қизларнинг иш фаолияти эркакларга қараганда ўзгарувчан бўлиши аниқланди. Шунингдек, аёлларнинг бизнесни бошлашга қизиқишлари маданий омиллар ва дискриминация туфайли эркаклардан фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, С.Каназаша мақоласида аёлларнинг эркакларга нисбатан ўз-ўзини банд

<sup>39</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилди

<sup>40</sup> Allen, E., Langowitz, N. and Minniti, M. (2007) The 2006 Global Entrepreneurship Monitor Special Topic Report: Women in Entrepreneurship. Center for Women Leadership, Babson College. Babson Park, MA

қилишни кўпроқ афзал кўришини исботлади<sup>41</sup>. Ўзбекистондаги ҳолат ҳам бунга мисол бўла олади: 2021 йилда жами банд аёлларнинг 49,2 фоизи, эркакларнинг эса 39,4 фоизи ўз-ўзини банд қилганлар сирасига кирди<sup>42</sup>.

Аёллар юритадиган бизнес ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлишга мойиллиги ҳам илмий асосланган. ГЕМ(Global Entrepreneurship Monitor) хисоб-китобларига кўра, тадбиркор аёлларнинг қарийб 36,6 фоизи дастлабки босқичда якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳамкорларсиз ва ходимларсиз фаолият юритар экан, эркак тадбиркорларнинг эса 24,6 фоизига мазкуз хусусият хос<sup>43</sup>. Бундан ташқари, олимлар аёллар бизнеси эркакларнига қараганда камроқ фойда келтириши ва ҳатто бир хил соҳадаги таққослашларда ҳам аёллар камроқ савдо айланмасини яратишини кузатишган. Умумий маънода аёллар эркакларга нисбатан 24% камроқ даромадга эга<sup>44</sup>. Бошқа бир манбаада эса ОЭСД(Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти)га аъзо мамлакатларда касби ва таълим даражасидан қатъи назар, иш ҳақининг гендер фарқи салмоқли 16 фоизни ташкил этиши қайд этилган<sup>45</sup>. Бу каби контрапрограмментлар аёллар тадбиркорлигининг маълум маънода иқтисодий фойдаси камлигини қиёсий таҳлил асосида қайд этсада, биз бу жиҳатларни 1 параграфда санаб ўтилган аёллар тадбиркорлигининг ижобий ижтимоий-иқтисодий функцияларига таянган ҳолда, унинг ўзига хос хусусиятлари деб қарашни афзал кўрдик.

Мавзуга доир бошқа тадқиқотлар хотин-қизлар тадбиркорлигининг қўйидаги характерли жиҳатларини санаб ўтган:

- тадбиркор аёллар кўп ишчи кучига эҳтиёж бўлмаган тармоқларда кўпроқ фаолият юритадилар;

---

<sup>41</sup> Kanazawa, S. (2005) Is ‘discrimination’ necessary to explain the sex gap in earnings? Journal of Economic Psychology 26(2): 269–287.

<sup>42</sup> O‘z-o‘zini band qilganlarning jami bandlar sonidagi ulushi, %. www.stat.uz

<sup>43</sup> GEM Report. Women’s Entrepreneurship 2020/21: Thriving Through Crisis. 15p.

<sup>44</sup> Селим Джакхан Доклад о человеческом развитии 2015. Труд во имя человеческого развития. России // Опубликовано для Программы развития Организации Объединенных Наций (ПРООН). – РБМ Graphics, предприятие компании RR Donnelley, 2015.

<sup>45</sup> OECD Multilingual Summaries OECD Employment Outlook 2017. -[Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.oecd.org/els/oecd-employment-outlook-19991266.htm> (22.11.2017).

- аёлларда меңнат фаолияти билан бир қаторда уйдаги масъулиятлари ҳам бор ва шу сабабли улар учун иш вақтини мувозанатлаш жуда мұхим.

- аёллар тадбиркорлик соқасига әркакларга қараганда кеч кириб келади ва ўз бизнесини ривожлантиришга улгурмайды<sup>46</sup>. Аммо бу ҳолатларнинг асл сабаби ва келиб чиқиши түлиқ илмий асослаб берилмаган.

Бошқа бир изланишда олим Ю.С.Семёнова катта ва ўрта ёшдаги олий маълумотли аёллар тадбиркорлик фаолиятида юқори натижаларга эришишга муваффақ бўлишади<sup>47</sup> деб хулоса қилган. Олимнинг фикрига қўшимча қилган ҳолда, олий маълумотли бўлмай туриб ҳам тадбиркорликда муваффақиятга эришаётган хотин-қизларнинг жамиятимизда кўп учратиш мумкинлигини қайд этиш зарур. Шунингдек, Семёновага тегишли фикрга ғарб олимлари хулосаларида ҳам контрагументлар учратдик. Масалан, Венчур бизнеси журналида чоп этилган Фишер ҳаммуаллифлигидаги әркак ва аёл меңнат фаолияти ўртасидаги фарқлар ҳақидаги тадқиқотда маълум бўлдики, аёл раҳбарлик қиласиган корхоналарда уларнинг маълумоти пастлиги ёки тажрибаси йўқлиги тўсқинлик қиласиди деган фикр асоссиз. Қўшимча сифатида, тадбиркор аёллар учун мақсадли тармоқда шогирдликка тушиш ҳам фойдали бўлиши аниқланди.

Ю.Малышевскаянинг фикрича, аёл тадбиркорларнинг қўйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- асосан 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган аёллар тадбиркор бўладилар;
- аёллар әркакларга қараганда ўз меңнат маҳсулига масъулиятлироқдирлар;
- аёлларга хос ишлаб чиқариш фаолиятида хотин-қизлар кўпроқ иштирок этади<sup>48</sup>.

<sup>46</sup> Кипервар Е.А. Женское предпринимательство: особенности и перспективы развития в регионах / Е. А. Кипервар, М. А. Савелова // Омский научный вестник. – 2009. – №2(76). – С. 97

<sup>47</sup> Семенова Ю.А. О социальном механизме оптимизации женского предпринимательства // известия саратовского университета. Новая серия. Серия: Социология. Политология. 2013. N 13(1). С 33-35

<sup>48</sup> Малышевская Ю.Ю. Особенности формирования социальной группы «женщины-предприниматели» / Ю. Ю. Малышевская // Социально политические науки. – 2013. – №4. – С. 27

Шунингдек, оилавий бизнесда ҳам аёллар эркакларга нисбатан анча фаол эканлигини кўрамиз. Бу шундан далолатки, кўплаб олимлар хulosा қилганидек, аёллар бизнесда ўзларини яхшироқ намоён қилишади. Аёллар тадбиркорлиги етакчилик, янги истиқболларини ўрганиш, мувофиқлаштириш, бошқариш ва назорат қилиш каби тамойилларга асосланишини айтиш мумкин. Тадбиркор аёллар, шунингдек, барча тадбиркорларга тегишли бўлган таваккалчилик, ташкилотчилик ва инноваторлик каби тамойилларга ҳам амал қиласди.

Тадбиркорлик бўйича тадқиқот олиб борувчилар аёл тадбиркорларнинг иштироки ва ижро кўрсаткичларидаги фарқларга қўп йиллар давомида қизиқиб келишган. Кембриж университети олими С.Паркер қайд этишича, баъзи мустасно давлатлар бўлсада, деярли барча ривожланган мамлакатларда эркакларнинг аёлларга нисбатан қўпроқ улуши тадбиркорлик билан шуғулланади<sup>49</sup>. Ушбу фарқли жиҳатни, яъни, тадбиркорлик билан шуғулланишдаги гендер тафовутларини тушунтириш учун К.Браш<sup>50</sup> ва М.Минити<sup>51</sup> каби олимлар томонидан салмоқли илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Уларнинг хulosаларига кўра, тадбиркорликда аёллар улушкининг нисбатан камлиги уларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий роллари натижасида шаклланади ва турли хил чекловлар, айниқса, молиялаштириш манбааларига тўсиқлар борлиги билан изоҳланади.

Жаҳонда сўнгти йилларда олиб борилаётган тадқиқотларда ҳам аёллар тадбиркорлигини ўрганишнинг устувор масаласи сифатида тадбиркорлик фаолиятида аёллар дуч келадиган тўсиқларни тушунтирувчи изланишлар асосий ўрин эгаллайди. Жумладан, Н.Ю.Уткинанинг тадқиқотларида замонавий тадбиркор аёлларга хос бўлган ижтимоий ва маданий стереотиплар билан боғлиқ асосий гендер муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтади<sup>52</sup>.

<sup>49</sup> Parker, S. C. (2009). *The economics of entrepreneurship*. Cambridge, MA: Cambridge University Press

<sup>50</sup> Brush, C. (2006). Women entrepreneurs: A research overview. In M. Casson, B. Yeung, A. Basu, & N. Wadesdon (Eds.), *Oxford handbook of entrepreneurship*. Oxford, UK: Oxford University Press

<sup>51</sup> Minniti, M. (2009). Gender issues in entrepreneurship. *Foundations and Trends in Entrepreneurship*, 5(7–8), 497–62

<sup>52</sup> Уткина, Н. Ю. Объективные и субъективные факторы развития женского предпринимательства в России / Н. Ю. Уткина // Женщина в российском обществе. – 2017. – № 1 (82). – С. 17-27.

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” миллий сўровномаси маълумотларига кўра<sup>53</sup>, айнан 25-30 ёшлилар орасида таълимни, қасбий тайёргарликни давом эттирмайдиган ва ишламайдиганларнинг (НЕЭТ) улуши 54,6 фоизни ташкил қиласди. Ёш аёллар учун НЕЭТ кўрсатқичи ушбу ёш гуруҳидаги йигитларга нисбатан доимий равишда юқори бўлиб, 24,8 фоизга нисбатан 74,0 фоизни ташкил этди. Ёш аёлларга ўз даромадларини топиш истагига тўсқинлик қилувчи омиллар - бу уй шароитида ва оилада ғамхўрлик қилиш вазифалари ва иқтисодий имкониятларни излаб, кўчиб кетиш имкониятининг пастлигидир. Шаҳар марказларида яшайдиган тенгдошлари билан таққослаганда, қишлоқ ёшлари ўқишини давом эттириш ёки иш билан таъминланиш учун камроқ имкониятларга эга бўлганлиги сабабли, тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиш билдиromoқдалар. Умуман олганда, мамлакат бўйлаб ёшлар ўз ижтимоий ҳаракатчанлигини оширишда мавжуд алоқалар (ва оилалик), оиланинг иқтисодий имкониятлари нақадар муҳимлигини таъкидлайдилар.

Аёллар иқтисодий фаоллигига таъсир этувчи омиллар кенг доирада Р.Убайдуллаева, Л.Максакова, Д.Артиқова, Н.Рахимова каби маҳаллий олимлар тадқиқотларида ҳам батафсил ёритилган. Тадқиқотчилар аёлларнинг иқтисодий фаоллигига, айниқса, демографик омил катта таъсир ўтказади, деб ҳисоблайдилар. Аслида ҳам олима М.Ирисова айтганидек, аёлларнинг иқтисодиётдаги ўрни жамият ривожлангани сари ўзгариб боради. Демак, хозирги рақамлаштирилган бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган жамиятимизда хотин-қизларнинг иқтисодиётга фаол хисса қўшишига тўсқинлик қилувчи омиллар бирмунча сустлашаётгани XXI асрнинг ўзига хослиги сифатида намоён бўлади.


Жамиятдаги институтларнинг аёллар ва эркаклар тадбиркорлигига таъсири ҳақидаги Олимлар С.Эстрин ва Т.Микиевич тадқиқотларида дунёнинг 55та давлатида ўтказилган Глобал тадбиркорлик мониторинги (Global

---

<sup>53</sup> World Bank and UNICEF (2018)

Entrepreneurship Monitor survey – GEM) ва маҳаллий маълумотларни ўрганиб чиқиб қуидагича хulosага келишди: “давлат сектори устунлик қиладиган мамлакатларда аёллар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш эҳтимоли эркакларга нисбатан камроқ, қонун устуворлиги эса одатда гендер эфектлариға эга эмас деб топилди, яни қонунларнинг ишламаслиги иккала жинс вакилларига ҳам бирдек салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, аёлларга нисбатан дискриминациянинг кўчага чиқишни чеклаш каби кўринишлари, улар тадбиркорликни бошлаган тақдирда ҳам, иш билан бандликни ошириш нуқтаи назаридан фаолиятнинг юқори натижаларга эришиш эҳтимолини камайтиради, ўз-ўзини банд қилиш бундан мустасно”<sup>54</sup>. Бу хulosа мамлакатимиз хотин-қизларининг тадбиркорлик фаолиятини узоқ вақт кичик миқёсда қолиб кетишини маънода изоҳламоқда.

Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва пировардида уларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллигини ошириш масаласи узоқ йиллар давомида ниҳоятда долзарб муаммо бўлиб келган. Вазиятнинг бу зайлда ривожланиши бир қанча омиллар таъсири билан изоҳланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларидағи асосий омилларни моҳиятига қараб қуидагича гуруҳладик(1.5-расм).



**1.5-расм. Аёллар тадбиркорлигига таъсир этувчи омиллар тавсифланиши<sup>55</sup>**

<sup>54</sup> [https://www.researchgate.net/publication/254556146\\_Institutions\\_and\\_female\\_entrepreneurship](https://www.researchgate.net/publication/254556146_Institutions_and_female_entrepreneurship)

<sup>55</sup> Жумаева М.А. Тадбиркорликда аёллар иш билан бандлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. “Бизнес эксперт” илмий журнал, 5-сон, 2022 йил. 121б.

Мазкур расмдан аён бўляптики, аёллар тадбиркорлигига таъсир этувчи барча омиллар бир нуқтада – мотивацияда кесишади, яъни уч гурухга ажратилган кенг қамровли омиллар охир-оқибат аёлларнинг тадбиркорлик қилишга мотивациясини сўндириши билан тўсиқقا айланади ва салбий таъсирини намоён этади ёки аксинча.

Замонавий тадқиқотчилар тадбиркорликни икки таркибий қисмдан ташкил топган конструкция деб ҳисоблайдилар: инструментлал – эътиқодлар, фикрлар, рационал далиллар<sup>56</sup> ва аффектив - ҳиссиётлар, қониқиши, хулқатвор<sup>57</sup>. Олимлар ушбу конструкцияга таъсир қилувчи, хусусан аёллар томонидан ўз бизнесини бошлаш тўғрисида ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган бир қатор омилларни аниқлаганлар: институционал, ижтимоий-маданий ва индивидуал-шахсий.

Институционал омиллар. Институционал назария издошлари “жамиятдаги расмий – қабул қилинган қонунлар, нормалар ва норасмий ижтимоий институтлар – жамиятда шаклланган маданият, эркақ ва аёл ролларини тақсимлаш анъаналари, индивидуализм, инфратузилманинг мавжудлигини ва уларнинг аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ёки тўсқинлик қилишга ўз таъсирини кўрсатиши”<sup>58</sup>ни таъкидлайдилар.

Оила ижтимоий институт сифатида бошқа ижтимоийлашув агентликлари билан бир қаторда(кўплаб миллий анъаналарга содик жамиятларда оила доминант ролга эга) ёш авлоднинг касбий стратегиясини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Кизларнинг касбий танлов стратегиясини шакллантириш жараёнида ота-оналар ўз фарзандлари учун дастлабки намуна сифатида намоён бўлади ва улар учун билим, тажриба, маълумот ва қўллаб-қувватлаш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

<sup>56</sup> Liñán F., Fayolle A. A systematic literature review on entrepreneurial intentions: Citation, thematic analyses, and research agenda // The International Entrepreneurship and Management Journal. – 2015. – № 114. – p. 907-933. – doi: 10.1007/s11365-015-0356-5.

<sup>57</sup> Fernandes T., & Proença J. Reassessing relationships in consumer markets: Emotion, cognition, and consumer relationship intention // Journal of Relationship Marketing. – 2013. – № 1. – p. 41-58. – doi: 10.1080/15332667.2013.763719.

<sup>58</sup> Bruton G., Ahlstrom D., Li H.L. Institutional theory and entrepreneurship: where are we now and where do we need to move in the future? // Entrepreneurship Theory and Practice. – 2010. – № 3. – p. 421-440. – doi: 10.1111/j.1540-6520.2010.00390.x.

Ишбилиармон ота-оналар фарзандларининг оилавий бизнесни давом эттириши ёки ўз бизнесини очиши эҳтимолини оширади. Бу балоғат ёши(12-17 ёш) ва болалик (8-11 ёш) давридагига нисбатан ўсмирлик (18-21 ёш) даврида кўпроқ таъсирга эга бўлади<sup>59</sup>.

Индивидуал-шахсий омиллар. Бир қатор олимлар фаолият турини танлашда индивиднинг шахсий хусусиятларининг муҳим ролига тўхтамоқдалар<sup>60</sup>. Маълумки, тадбиркорлик анъанага кўра кўплаб мамлакатларда эркакларнинг фаолият соҳаси ҳисобланади, чунки у мустақиллик, қатъият, талабчанлик, таваккалчилик каби фазилатларга эга бўлиш заруратини келтиради, аёллар эса улардан фарқли ўлароқ, заифлик, ҳиссиётлилик, таъсирчанлик каби фазилатлар билан гавдаланади, бу эса меҳнат бозори конъюнктурасини ва умуман бандликни шакллантирган ҳолда улар қасб-хунар таълимини, фаолият соҳасини танлашига, бандлик ва карерага бевосита таъсир кўрсатади.

Ижтимоий-маданий омиллар. Ўз бизнесини бошлаш қарорига таъсир қилувчи шахснинг индивидуал хусусиятларидан ташқари, бошқа омиллар – маданият, менталитет, урф-одатлар, маълум бир жамиятдаги гендер роллари ҳақидаги ғоялар, эркаклар ва аёллар ҳуқуқларининг тенглиги, де юре, де факто муҳим ҳисобланади. С.С.Боун, Б.Л.Чуа, К.Э.Нойперт тадқиқотларида тадбиркорликнинг гендер жиҳатига эътибор қаратиб, маданий хусусиятлар эркаклар ва аёлларга турлича таъсир қилишини таъкидладилар: тадбиркорлик маданияти юқори бўлган мамлакатларда тадбиркор аёллар кўпроқ бўлади<sup>61</sup>.

Д.Дозе ва С.Г.Уолтерларнинг таъкидлашича, янги бошлаган тадбиркор тақлид орқали муваффақиятли тадбиркордан бизнес юритишнинг ижобий тажрибасини олиши унга билимлар, қўникмалар, компетенциялар тез трансмиссиясига хизмат қиласи, ахборот ва ресурслардан фойдаланиш

<sup>59</sup> Criaco G., Sieger P., Wennberg K., Chirico F., Minola T. Parents' performance in entrepreneurship as a "double-edged sword" for the intergenerational transmission of entrepreneurship // Small Business Economics. – 2017. – № 4. – p. 841-864. – doi: 10.1007/S11187-017-9854-X.

<sup>60</sup> Giménez D., Calabró A. The salient role of institutions in women's entrepreneurship: a critical review and agenda for future research // International Entrepreneurship and Management Journal. – 2018. – № 14. – p. 857-882.

<sup>61</sup> Baughn C.C., Chua B.L., Neupert K.E. The normative context for women's participation in entrepreneurship: a multicountry study // Entrepreneurship Theory and Practice. – 2006. – № 5. – p. 687-708

имконини беради ва шу орқали тадбиркорлик хатти-ҳаракатини рағбатлантиради. Шунингдек, “муваффакиятли фаолият қўрсатувчи бизнес билан яқинлик нафақат ўз бизнесини бошлаш учун ижобий туртки бўлади, балки ўша жамиятда тадбиркорлик маданиятини шакллантириб, тадбиркорлик тармоғини яратиш учун ёрдам беради”<sup>62</sup>. Бу фикрлар ўтган асрнинг охирида нашр қилинган Фишер ҳаммуаллифлигидаги(2-илова 5-банд) тадқиқотда айтилган фикрларнинг мантикий давоми десак ҳам бўлади. Яъни, иккиси ҳам тажрибали аёл тадбиркор ва энди иш бошламоқчи бўлган аёл ўртасидаги муносабатларнинг ижобий таъсирини исботлайди.

Тадқиқотларда ўрганилган навбатдаги омилга кўра, бола парваришилаш таътилининг давомийлиги аёлларнинг тадбиркорлик фаоллигига таъсир қўрсатиши мумкин: ижтимоий сиёсати суст мамлакатларда болани парвариш қилиш ва тарбиялаш харажатларини қоплаш учун аёллар қисқа вақт ичida ишга қайтишга мажбур бўлишади ва нотўлиқ иш кунили ишни танлашади ёки, аксинча, ишдан бўшаб, ўз оналик вазифаларини мустақил тарзда бажаришади. Шу ўринда, ўз бизнесини бошлаш - бу бандликни ва бола парваришини бирлаштиришга имкон берадиган мувозанатли ечим сифатида юзага келади.

Бундан ташқари, жамиятлар ижтимоий тузилишининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқсан "индивидуал/жамоавий" дихотомияси<sup>63</sup> ҳақида айтиб ўтиш зарур. Хусусан, индивидуалистик жамиятларда (АҚШ, Австралия, Буюк Британия) иқтисодиёт, бизнес, индивидуал ютуқлар ва муваффакиятларга, индивидуал онгнинг жамоавий онгдан устунлигига кўпроқ аҳамият берилади, бу эса шахсга жинсидан қатъи назар, ўз имкониятларини амалга ошириш учун имкониятларни очади, шу жумладан тадбиркорлик соҳасида ҳам<sup>64</sup>. Шунингдек, жамоавий жамиятларда (Чили, Греция, Мексика),

<sup>62</sup> Dohse D., Walter S.G. Knowledge context and entrepreneurial intentions among students // Small Business Economics. – 2012. – p. 87

<sup>63</sup> Hofstede G. Dimensionalizing cultures: the Hofstede model in context. Online Readings in Psychology and Culture. URL: <https://scholarworks.gvsu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1014&context=orgpc>

<sup>64</sup> Жумаева М.А. АЁЛЛАР ТАДБИРКОРИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИ. "MOLIYA BOZORINI RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR YONALISHLARI, ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami. T.: TDIU 2022. 196 b.

унинг аъзолари бирдамлиги қайта ишлаб чиқариш ва анъанавий патриархал ҳаёт тарзи, ролларнинг гендер бўлиниши сақланиб, кенгайтирилган оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш зарурлигини назарда тутади, бу эса ўз бизнесини бошлаш учун қўшимча сабаб бўлади. Оилани қўллаб-куватловчи ижтимоий сиёсатга эга бўлган ижтимоий мамлакатларда(Дания, Швеция, Норвегия) болаларни парвариш қилиш бўйича нафақалар миқдори кам ёки умуман йўқ бўлган мамлакатлар(Канада, АҚШ, Австралия)га нисбатан аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятининг паст даражаси мавжуд<sup>65</sup>. Қарангки, ижтимоий сиёсат жуда кучли мамлакатларда аҳолининг асосий эҳтиёжлари қондирилиши ҳисобига тадбиркорликда аёлларнинг фаоллиги бирмунча пастроқ экан.

Бошқа томондан қараганда аёлларни бизнес бошлашларига таъсир қилувчи омилларни ташқи ва ички факторларга бўлиш мумкин. Ички омиллар жумласига қўйидагилар киради:

- мустақилликка интилиш;
- ўз-ўзини англаш ва назорат қилиш истаги;
- қатъиятлилик;
- янги фирма яратиш билан боғлиқ қийинчиликларни енгишга қизиқиш;
- ўз маҳорати ва тажрибасини ривожлантириш имконияти;
- ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш хоҳиши.

Бир қатор олимлар аниқлашича, аёллар тадбиркорлик фаолиятини бошлашларининг энг муҳим руҳий омилларидан бири бу иш ва шахсий ҳаёт балансига эришиш имконини берувчи мослашувчан тартибли касбга эга бўлиш истагидир. Бошқача қилиб айтганда бизнес билан банд бўлиш – бу оиласиий сабабларга кўра меҳнат бозорини тарқ этган аёллар учун муқобилечим бўла оладиган стратегия десак адашмаган бўламиз. Қизиги шундаки, кўплаб тадқиқотлар оила ва иш ўртасидаги мувозанатни аёлларнинг

---

<sup>65</sup> Thébaud S. Passing up the job: the role of gendered organizations and families in the entrepreneurial career process // Entrepreneurship Theory and Practice. – 2016. – № 2. – p. 269-287.

тадбиркорлик бошлашига сабаб сифатида эътироф этса, олим Мрозковский ишида бу омил аёллар учун янги бизнесни яратишда энг катта тўсиқ дея бутунлай тескари аргумент берилган. Бу фикрларни юритиладиган бизнеснинг ҳажми ва сарфланадиган вақт билан изоҳлаш мумкин. Яъни бошланаётган фаолият аёлни жуда банд қилиб кўйиб оилавий мажбуриятларидан чалғитса Мрозковский айтганидек тўсиқ бўлади, аммо аёлларнинг кунига бир неча соат сарфлаб даромадли меҳнат фаолияти билан шуғулланиши ва оиласига ҳам вақт ажрата олиши, қатъий режимли ишда бориб ишлагандан кўра афзал ва бунда туртки берувчи сабаб деса бўлади.

Ташқи омиллар, асосан, ўз-ўзини иш билан таъминлаш истаги ва шу билан бирга, ишсизлик ўрнига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги билан тавсифланади. Тадқиқот давомида факторлар бўйича юқорида келтирилган илмий хуносалар Ўзбекистон шароитида аёллар ўртасида сўровнома ўтказиш орқали ўрганилди ва натижалар 2.2-параграфда батафсил баён этилди.

Навбатдаги параграфда эса аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятига имкониятларни кенгайтираётган хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон тажрибаси ўрганиб чиқилади.

### **1.3. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси**

Мамлакатимизда айни пайтга қадар КБХТ олимлар томонидан ҳар тарафлама ўрганилган бўлсада, аёлларга тегишли бизнеснинг ривожланиш муаммолари тўғрисида қатор тадқиқотлар олиб бориш зарурати ҳали ҳануз мавжуд. Чунончи, чет элда аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари ва тамойиллари мамлакатимиздаги ҳолат билан қиёсий таҳлил қилиниши лозим. Шу асосда Ўзбекистонда тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш ва унинг мамлакат иқтисодий ривожига қўшадиган хиссасини кўпайтириш

йўллари ишлаб чиқилади. Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш масалалари турли даражаларда деярли барча мамлакатларда учрайди. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш аёлларга ўз бизнесини ташкил қилишда уларга енгилликлар берилишини назарда тутади. Мана шундай қўллаб-қувватлашнинг воситалари сифатида микрокредитлар бериш (Франция, Испания), таълим (Венгрия), ижтимоий суғурталаш жамғармасига бўладиган ажратмаларнинг пасайиши (Испания) кабиларни айтиш мумкин<sup>66</sup>.

Жаҳон тажбирасини ўрганиш учун яқин йилларгача (АҚШдан ташқари) хатто ривожланган давлатлар бўйича ҳам аёллар тадбиркорлик фаолияти ҳақида аниқ ва ишончли, миқдорий далиллар камёб бўлган. Бироқ 2006 йилда Глобал тадбиркорлик мониторинги (Global Entrepreneurship Monitor – GEM) жамоаси томонидан илк бор кўплаб ривожланган ва ўрта даромадли мамлакатлардан аёллар тадбиркорлиги бўйича глобал миқёсда тизимли ёндашув асосида маълумот йиғиш бошланди. Шунингдек, Жаҳон Банки ва бошқа халқаро агентликлар ҳам кўплаб давлатларда, хусусан паст даромадли Африка ўлкаларида тегишли маълумотлар базасини шакллантира бошлашди. Маълум бўлдики, бутун дунё бўйича аёллар тадбиркорлигининг ўсиш суръатлари ва қўринишлари жуда хилма-хил. Ушбу тенденцияларни ҳар доим ҳам даромад даражаси ёки маданиятлар ўртасидаги фарқ билан изоҳлаб бўлмайди. Аксарият ҳолларда ривожланган мамлакатлардаги аҳолида тадбиркорлар улуши жуда кам, аммо ривожланаётган ва даромади паст ўлкаларда тадбиркор деярли ярим аҳолини ташкил этар экан.

Аёллар тадбиркорлиги ривожини минтақалар бўйича кўриб чиқиша 2021 йилда ГЕМ ишлаб чиқкан “Women’s Entrepreneurship 2020/21: Thriving Through Crisis” номли ҳисоботидан фойдаланилди. Унга қўра, **Марказий&Шарқий Осиё** худудида дастлабки босқичдаги жами тадбиркорлик фаолияти(TEA – Total early-stage Entrepreneurial Activity)нинг

---

<sup>66</sup> Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини амалга ошириш. Таҳлилий маъруза/ ўзбекча таҳрири. URL: [https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/IJN-Publications/PB\\_gender\\_employment/un\\_uzb\\_PB\\_gender\\_empI\\_oymen\\_tuzb.pdf](https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/IJN-Publications/PB_gender_employment/un_uzb_PB_gender_empI_oymen_tuzb.pdf)

энг юқори кўрсаткичи ҳозирги кунда мамлакат аёлларининг бешдан бири бизнес стартап билан машғул бўлган Қозоғистонда экани аниқланди. Минтақадаги аксарият(Ҳиндистон бундан мустасно) даромади паст бўлган ва аёл ишчи кучидан юқори даражада фойдаланиладиган мамлакатларда аёлларнинг ТЕА бўйича юқори фаоллиги қайд этилди. Афсуски, Ўзбекистондаги ҳолат мазкур тадқиқотда ўрганилмаган. Марказий Осиё шароитида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлашда халқаро институтларнинг ўрни катта. БМТ таркибидаги UN woman тузилмаси, XMT(ILO), Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва WAGE (Woman and girls empowered) концорсиум каби халқаро ташкилотлар доимий равища Марказий Осиё мамлакатларидаги аёлларни қўллаб-куватлаш учун турли конференциялар, лойиҳалар ва грант дастурларини эълон қилишади.

**Европа Иттифоқи** таркибига кирувчи мамлакатлар иқтисодиёти интеграцион хусусиятга эга бўлган ҳолда, ушбу минтақада аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мамлакатлардаги ишсизлик даражасини камайтириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилганлигини кузатишимиз мумкин. Европа аёлларининг тадбиркорлиги дунёнинг бошқа минтақаларидагига қараганда камроқ улушга эга: Европа аёлларининг атиги 5,7%и, дунё бўйича эса ўртacha 11% аёллар бизнес юритади. Бунга сабаб уларда бошқа ишда ишлашга қулай шароитлар мавжудлиги ҳамда ҳукумат томонидан ишсизликда ва бола парваришида жуда юқори ижтимоий ҳимоя тизими йўлга қўйилганлиги десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, ўрганишлар натижасида европалик аёллар саноат секторида эркаклар билан бирмунча тенг иштирок этиши аниқланди, хаттоки, Нидерландия ва Швейцарияда АКТ соҳасида аёл тадбиркорлар етакчилик қиласиди<sup>67</sup>.

**Лотин Америкаси ва Кариб денгизи** минтақасида дунёдаги энг жонли, фаол бизнесларни ўз ичига олган иқтисодиётлар жойлашган. Дарҳақиқат,

---

<sup>67</sup> Minniti M., Naudé W. 2010. Introduction: What do We Know about the Patterns and Determinants of Female Entrepreneurship across countries? European Journal of Development Research. 22(3). P. 277–293. DOI: 10.1057/ejdr.2010.17.

ушбу минтақа аёллар юритадиган тадбиркорликнинг юқори ўсиш тенденциялари ва асосан эркаклар устунлик қиласидиган ишлаб чиқариш ва транспорт секторидаги фаол иштироки билан фахрланса арзийди. Уларнинг фаолияти иш ўринларини яратиш ва экспорт қилиш бўйича жадал характерга эга бўлмасада, эркакларга нисбатан кўпроқ инновацион маҳсулот ва хизматлар таклиф этиши билан сезиларли фарқ қилиши аниқланди. Масалан, Колумбияда инновацион маҳсулот тақдим этадиган бизнесследилар эркак тадбиркорларга нисбатан икки баробар кўп.

**Яқин Шарқ ва Африка** минтақаси дунёда аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борасида етакчилик қиласиди. Ушбу ҳудуднинг ажабланарли томони шуки, бизнес эгалигида аёллар ва эркакларнинг деярли тенг нисбатига эришган мамлакат – Ангола(мамлакат аҳолисининг ярми тадбиркор), шунингдек, энг паст кўрсаткичларга эга бўлган мамлакатлар – Марокаш(умумий аёлларнинг қарийб 5%и бизнесда), Саудия Арабистони, Уммон ва Бирлашган Араб Амирликлари жойлашган.

**Шимолий Америкага** келсак, бу минтақада аёлларнинг тадбиркорлик фаоллиги тарихдан юқори бўлган. 2020 йилда ТЕА даражаси Америка Кўшма Штатларида 13,6% ва Канадада 13,9% бўлди, Минтақада глобал ТЕА(11%)дан юқори кўрсаткич мавжуд бўлсада, қиёсий жиҳатдан бироз гендер фарқлари кўзга ташланади. Шунингдек, минтақа аёллари, айниқса Канадада, бошқаларнинг бизнесига норасмий инвестиция киритишида жуда фаол, аммо инвестиция ҳажми ва инвесторлар сони бўйича қарама-қарши жинс вакилларидан ортда қолган. Шимолий Американинг ривожланган мамлакатларида аёл тадбиркорлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-куватлашда иқтисодий ёндашув устун даражада намоён бўлади.

Хориж тажрибасини ўрганаётib барча минтақаларда кичик бизнесни қўллаб-куватловчи давлат сиёсатида аёллар ва ёшлар категорияси етакчи ўрин эгаллаши маълум бўлди.

Алоҳида давлатлардаги ҳолатни кўриб чиқишида, аввало, Америка тажрибасини ёритишни лозим топдик. **АҚШ** иқтисодиётида тадбиркор

аёлларни қўллаб-куватлашга катта эътибор қаратилади. Хусусан, ҳукуматнинг веб-сайтлари орқали ҳар йили, тадбиркор аёлларни қўллаб-куватлашга қаратилган 800 дан ортиқ мақсадли дастурлар эълон қилинади. Ҳукумат порталлари орқали эълон қилинган мақсадли дастурларга тадбиркор аёллар томонидан тақдим этилган ва танловдан ўтган бизнес лойиҳалар “Кичик бизнес бошқармаси (SBA)” томонидан молиялаштирилади<sup>68</sup>.

Ҳукумат эълон қилган дастурларда ғолиб бўлган тадбиркор аёлларнинг бизнес режаларини молиялаштириш учун қуидаги талаблар қўйилади:

- кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича SBA ташкилотининг стандартларига тўлиқ жавоб бериш;
- корхона АҚШ худудида жойлашган бўлиши;
- ёлланма ишчиларнинг сони 500 кишидан ортмаслиги ва уларнинг камида 51,0 фоизи АҚШ фуқароси бўлган аёллардан ташкил топиши;
- корхонанинг бош директори аёл киши бўлиши лозим<sup>69</sup>.

Шунингдек, мамлакатда қарийб 7000 га яқин тижорат банклари юқори даражадаги мослашувчанлик хусусиятига эга 7(а) кредит дастури<sup>70</sup> хизматлари кўрсатиш амалиёти билан шуғулланишади. Унинг максимал миқдори 5 миллион АҚШ долларигача бўлиб, 5-25 йил муддат оралиғи учун тақдим этилади ва 6-13 фоиз ставкада берилади.

Кўшма штатлардаги тадбиркор аёлларни қўллаб-куватлашга қаратилган дастурларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, мамлакатда аёлларнинг корхона фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнидаги билим ва қўникмаларни шакллантиришга, уларни тизимли равища ривожлантириб боришга ҳам эътибор қаратилади. Жумладан, “Аёллар бизнес марказлари”<sup>71</sup>, “Тадбиркор аёллар Миллий Ассоциацияси”<sup>72</sup> каби ташкилотларда тадбиркор аёлларни ўз бизнес режасини тузиш, корхона

<sup>68</sup> U.S. Small Business Administration <https://www.sba.gov/funding-programs/>

<sup>69</sup> International experience of women's entrepreneurship management's mechanism. <https://elibrary.ru/item.asp?id=45793234>

<sup>70</sup> <https://www.sba.gov/funding-programs/loans/7a-loans>

<sup>71</sup> <https://awbc.org/>

<sup>72</sup> <https://www.nawbo.org/about>

фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш, бизнес юритиш бўйича консультатив хизматлар қўрсатиш ишлари амалга оширилади. Шу билан бир қаторда мамлакатда тадбиркор аёлларга бизнес юритиш фаолиятига оид бўлган молиявий, хукукий маслаҳатлар бериш марказлари ҳам фаолият юритади. Мамлакат иқтисодиётида тадбиркор аёллар нафакат ўзларининг, балки, бошқа тадбиркор аёлларни ҳам бизнесларини бошқариши ва ривожлантириш ҳақида қайғуришади. Хусусан, мамлакатда кўплаб тадбиркор аёлларнинг нотижорат ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу ташкилотларда тадбиркор аёллар ўзаро бирлашган ҳолда, корхона бошқаруви, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнларини янада ривожлантириш бўйича тажриба алмашишади, корхона фаолиятини кенгайтиришга қаратилган кичик турдаги грантларни ишлаб чиқишиади. Жумладан “Girl Geek Dinners”, “Coffee and Coded”, “Women 2.0”, “Financial Women's Association” каби ташкилотларда тадбиркор аёллар корхона бошқаруви бизнес юритиш усуллари ва бизнес ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ўзаро тажриба алмашадилар. Шу билан бир қаторда, ушбу ташкилотлар томонидан мамлакатга яқинда кўчиб келган ва ўз бизнесини бошлаш мақсадида бўлган аёллар учун турли маслаҳатлар бериш билан ҳам шуғулланадилар<sup>73</sup>.


**Япония** иқтисоди бутунлай бошқача тараққиёт йўлинни босиб ўтган, яъни АҚШдан фарқли ўлароқ кичик бизнесга эмас, йирик саноат корхоналарига катта эътибор қаратилган. Шундай бўлсада ҳозирда Япониядаги кичик ва ўрта тадбиркорлик мамлакат ЯИМида катта улушга эга, ушбу сектор корхоналарнинг 99,7 фоизини, бандликнинг деярли 70 фоизини ва қўшилган қийматнинг 53 фоизини ташкил қиласиди<sup>74</sup>.

Мамлакатда 2013 йилда “Womenomics”(women - аёллар, economics - иқтисодиёт) жорий этилгандан бошлаб хотин-қизларнинг иқтисодиётдаги ўрни масаласи ҳам устувор вазифалар қаторига кирди. Womenomics Японияда

<sup>73</sup> <https://www.forbes.ru/forbes-woman/366627-damskiy-koshelek-kak-v-ssha-podderzhivayutzhenshchin-predprinimateley>

<sup>74</sup> 2019年版 中小企業白書・小規模企業白書 概要 (White Paper on Small and Medium Enterprises in Japan 2019). 2019. METI. Japan. URL: <https://www.meti.go.jp/press/2018/04/20180420001/20180420001-3.pdf>

нафақат адолат ва ижтимоий инклюзивликни таъминлаш, балки иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган сиёсатлар тўпламини тақдим этади. Таъкидлаш жоизки, Япония ҳукумати ҳодимларнинг иши ва шахсий ҳаёти ўртасида мувозанат йўқлигини, меҳнат бозорининг кескин принциплари ва умрбод бандликнинг салбий таъсирини тан олади ва доимо мувозанатни тиклаш йўлларини излайди<sup>75</sup>. Узок йиллар давомида юз бериб келаётган ушбу салбий ҳолатлар мамлакатда тадбиркорликнинг ҳам бошқа ривожланган давлатлар билан солиштирганда энг паст натижага эришишига сабаб бўлган(1.6-расм).



**1.6-расм. ОЕСД(Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти)га аъзо мамлакатларда 2021-йилда аёл жинс вакилларининг ижобий жорий бизнес ҳолати<sup>76</sup>**

Юқоридаги расм маълумотлари асосида айтиш мумкинки, Японияда аёллар тадбиркорлиги ривожланишининг дастлабки босқичларининг бирида дейиш мумкин. Афсуски, ҳозирги кундаги оз бўлсада эришилган ижобий ўзгаришларда Япониянинг бозор институтлари ёки оиласи қўллаб-қувватлаш тузилмаларининг деярли хиссаси қўшилмаяпти. Аёллар иш жойларида камситиш ва босимдан қутулиш, оила ва иш ўртасидаги мувозанатни топиш, қарамоғидаги оила аъзоларини боқиш учун тадбиркорликни, жумладан,

<sup>75</sup> Address by Prime Minister Shinzo Abe, at The Sixty-Eighth Session of The General Assembly of The United Nations. URL: [https://japan.kantei.go.jp/96\\_abe/statement/201309/26generaldebate\\_e.html](https://japan.kantei.go.jp/96_abe/statement/201309/26generaldebate_e.html)

<sup>76</sup> Data extracted on 20 Aug 2022 07:56 UTC (GMT) from OECD.Stat <https://stats.oecd.org/index.aspx?queryid=83119#>

ижтимоий фойдали фаолиятни танламоқдалар. Мавжуд тўсқинликлар ва етишмаётган имкониятлар натижасида хотин-қизларнинг бизнес фаолияти эркакларга нисбатан қийинроқ шароитларда юзага келмоқда. Пировардида, аёллар ҳаётнинг турли жабҳаларида фаол бўлиш билан тезкор бошқарувчилик ва тайм менежмент қобилияtlари кучлилигини кўрсатиб, улар юритаётган бизнес эса 3 йилдан сўнг янада самарали фаолият юритиб кетишини исботлашмоқда<sup>77</sup>.

Япония Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик вазирлигига тегишли қишлоқ хўжалигида аёллар тадбиркорлигини рағбатлантириш дастурлари каби бир қатор ташабbusлар мавжуд. Шунингдек, хусусий сектордаги муваффақиятли ва нуфузли бизнесследиларнинг ташабbusлари аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. ДБЖ тажрибаси<sup>78</sup> бунга мисол бўла олади. ДБЖ Аёллар тадбиркорлик маркази таниқли япон ишбайлармон аёли, хотин-қизлар ҳукуқлари бўйича фаол Кети М. Матсуи томонидан яратилган. Марказ 2011 йилдан бери (Womenomics ишга туширилишидан 2 йил олдин) япон аёллари учун грантлар, консультация, ўқув курслари, менторлик, молиялаштириш ва тармоқ яратиш каби масалаларда кўмаклашади. ДБЖ дастурлари бўйича маълумотлар, ҳисботлар ва видеодарс кабиларни онлайн қузатиб бориш мумкин. Бироқ, хусусий ташабbusлар мамлакат кўламидаги салмоқли ўзгаришлар учун етарли бўлмаяпти.

**Хитой** модели замонавий ривожланишнинг ёрқин фенемонидир. Кейинги йиллар давомида хитойликларнинг турмуш даражаси 9 марта ошди.

Аёллар иш билан бандлигига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши юқори бўлиб, касаначилик билан уйғун тарзда ривожланишига оид зарурий шарт-шароитлар яратилган. Аёллар

<sup>77</sup> S. Rebrey “Women in Small and Medium Enterprises and Entrepreneurship in Japan” Вестник МГИМО-Университета. 2020. 13(3). С. 170-185 DOI 10.24833/2071-8160-2020-3-72-170-185

<sup>78</sup> Fujii T., Kanaoka S. 2014. Real Image and Significance of Female Entrepreneurs. Journal of the Japan Finance Corporation 23. P. 27-42. URL: www.jfc.go.jp/n/findings/pdf/ronbun1405\_02.pdf

касаначилигини ривожлантиришда давлат даражасида беш йиллик дастурлар самарали ишлайдики, бу нафақат шаҳарда балки шаҳар атрофида истиқомат қилувчи аёллар учун самарали иш билан бандликни оширишга ижобий таъсир кўрсатади<sup>79</sup>.

Дунёнинг кўплаб ривожланаётган мамлакатлари ҳам тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш ва Жаҳон банкининг “Doing Business” ташаббусига жавобан сайд-харакатларни кучайтириш бўйича муҳим ислоҳотларни амалга оширмоқдалар. Аҳоли эса қашшоқликдан қутулиш ва камбағалликни қисқартириш учун эски иқтисодий анъаналардан воз кечиб, ўз бизнесларини бошлишга киришмоқда. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда айнан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хусусан, қуи бўғингача етиб борган ҳолда уларни қўллаб-қувватлаш мавзуси ҳукумат ва жамият томонидан эътибордан четда қолиб кетмоқда эди. Мазкур мамлакатлардаги яна бир хусусият шуки, қишлоқ жойлардаги тадбиркор аёлларнинг аксарияти уюшмаган, рўйхатдан ўтмаган ва норасмий фаолият юритади ва натижада камроқ қўллаб-қувватланади ва деярли ваколатларга эга эмас. Шунга қарамай, ривожланаётган мамлакатларда охирги пайтларда кузатилаётган ижобий тенденция мавжуд тизимнинг ўрганишга арзирли жиҳатлари борлигини исботлайди.

**Малайзияда** аёллар тадбиркорлигидаги қийинчиликларни бартараф этиш бўйича бирмунча заиф қўллаб-қувватлаш дастурлари мавжуд бўлиб, ўрганишлар давомида қуи бўғингача етиб борадиган аниқ сиёsatни учратмадик.

Малайзиялик тадбиркор аёлларнинг аксарияти ўз фаолиятини чакана савдода ва оиласвий бизнес корхоналарида ҳақ тўланмайдиган ёрдамчи ёки микро фирмаларнинг операторлари сифатида бошлаганлар. Сўнгги пайтларда эса улар мода саноати, гўзаллик, косметика, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, ресторон бизнеси, ўқитиш ва консалтинг, болаларни парвариш қилиш ва

---

<sup>79</sup> <http://www.ilo.org> –Халқаро Мехнат ташкилотининг расмий сайти.

мактабгача таълим каби соҳалар ва ҳатто илгари эркаклар бошқарган тармоқларга, яъни кўчмас мулк, суғурта, қурилиш, нефт ва газ саноатига тааллуқли корхоналарга эгалик қиласидилар ёки уларни бошқармоқдалар.

Умуман олганда, ҳозирда “Хотин-қизлар, оила ва жамият тараққиёти” вазирлиги томонидан 5та асосий дастур орқали аёллар тадбиркорлик фаолияти қўллаб-куватланмоқда:

- ёлғиз оналарнинг кўникмаларини ривожлантириш инкубатори (Single Mother Skill Incubator(I-KIT));
- тадбиркор аёллар инкубатори (Women Entrepreneurs Incubators);
- аёлларнинг қобилиятларини ривожлантириш дастури (Women Capacity Development Program);
- хотин-қизлар тадбиркорлигини бошлаш учун грант (Women Entrepreneur Launching Grant) ва
- аёллар ҳайдовчилик дастури (Women Taxi Program).

Дастурларнинг бир қисми ҳар йили камида 1000 нафар аёлни тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларига жалб этиш, мослашувчан меҳнат тартибини жорий этиш ва ишлайдиган оналар учун болаларни парваришлаш муассасалари билан таъминланганлик даражаларини оширишга қаратилган. Аёллар тадбиркорлигини рағбатлантиришга оид бир қатор дастурлар 4-иловада таҳлил қилинган.

Малайзияда, шунингдек, молия институтларидан маблағ ололмаёган кичик ва ўрта корхоналарга кафолат берувчи Берхад кредит кафолат корпорацияси<sup>80</sup> (the Credit Guarantee Corporation Malaysia Berhad – CGC) фаолият юритади. Ташкилот молия институтлари тадбиркорларга хизматлар кўрсатиши учун асосий канал бўлиб, шу билан бирга кичик ва ўрта бизнесни янада кенгайтириш учун номолиявий ташкилотлар билан иттифоқ ўрнатди. Ушбу корпорация турли хил кафолатлаш хизматларидан ташқари, янги ўсиш йўналишлари учун катализатор ролини ҳам ўйнайди, стартаплар ва тадбиркор

---

<sup>80</sup> [www.cgc.com.my](http://www.cgc.com.my)

аёлларга, шунингдек, яшил технологиялар ва интеллектуал мулк билан шуғулланадиган кичик ва ўрта бизнес учун тўғридан-тўғри молиялаштириш схемаларини тақдим этади.

2015-йилда Берҳад кредит кафолат корпорацияси мақсадли гурӯхлар учун иккита янги схемани ишга туширди. Улардан бири BizWanita-i бўлиб, у тадбиркор аёлларга тегишли корхоналар, шунингдек, аёллар томонидан бошқариладиган ва юргизиладиган корхоналар ва компаниялар учун имкониятларни яқинлаштиришга қаратилган. Бир қатор ҳукумат ва ҳусусий агентликлар, жумладан Amanah Ikhtiar Malaysia (AIM) ҳам бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратади. Масалан, “1Azam” дастури иштирокчиларининг 20% мазкур агентлик орқали микро-молиялаштирилди<sup>81</sup>.

Қатор хориж мамлакатларининг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашдаги тажрибаларини кўриб чиқиб, улардан Ўзбекистонда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлари қуйидаги 1.3-жадвалда санаб ўтилди.

### **1.3-жадвал**

#### **Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича хориж тажрибаларини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари<sup>82</sup>**

<b>АҚШ</b>	<b>Япония</b>	<b>Хитой</b>	<b>Малайзия</b>
- бу борадаги қўллаб нотижорат ташкилотларнинг мавжудлиги	- муваффақият қозонган тадбиркор аёлларнинг АТни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳусусий ташабbusлари	- АТнинг касаначилик билан уйғунлиги	- ёлғиз оналар учун маҳсус тадбиркорлик дастурлари
- имтиёз беришда ҳодимларнинг гендер таркиби ҳам хисобга олинади	- онлайн консультациялар ривожланганлиги	- Ташабbusларда ҳам самарали ва инновацион ёндашув шаклланган	- АТ учун кредит олишда кафолат берувчи корпорация фаоллиги

Юқоридаги жадвалда бизнес вакиллари учун узоқ йиллардан бери либерал муҳит яратиб бера олган, келиб чиқиши, иқтисодий ҳолати турлича бўлган аҳоли яшовчи ва бозор иқтисодиёти тамойиллари амал қилувчи АҚШ тажрибасини ва мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатга бирмунча

<sup>81</sup> Matthew Fox (Jul 23, 2010). "Malaysian Microfinance Institution (MFI), Amanah Ikhtiar Malaysia (AIM), Claims "World's Highest" Microcredit Repayment Rate of 99.2 Percent". microcapital.org.

<sup>82</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди.

яқин бўлган Осиё мамлакатлари тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари ўрганилди. Европа мамлакатлари тилга олинмагани сабаб мазкур мамлакатлардаги кучли ижтимоий ҳимоя, кам фарзандлилик, муносиб меҳнат шароитлари ва тўлиқсиз бандликка кенг имкониятлар мавжудлиги каби Ўзбекистондаги ҳолатдан фарқ қилувчи жиҳатлар асос бўлди.

## **I боб бўйича қисқача хуросалар**

1. Жаҳондаги кўплаб олимлар аёлларнинг иқтисодий ўсиш ва бойлик тўплаш борасидаги миллий иқтисодиётга қўшган ҳиссасини ниҳоятда қимматли деб ҳисоблайдилар. Аёллар тадбиркорлиги жаҳон тажрибасида энг фаол қўллаб-қувватланадиган тадбиркорлик субъектларидан ҳисобланади. Бу жараён Ўзбекистонда амалдаги ижтимоийлашган бозор иқтисодиёти тамойилларига ҳам мос келади. Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги кўп тилга олинсада, афсуски, аниқ ҳуқуқий асоси ва белгиланган ягона андозаси йўқ. Шунингдек, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги мақомини бериш услугияти бўйича турли ёндашувларни унификациялаш зарурати мавжуд. Шуни ҳисобга олган ҳолда аёллар тадбиркорлиги тушунчасига аниқ кўрсаткичлар асосида таъриф берилди. Бизнингча, “Аёллар тадбиркорлиги” деганда – тадбиркор аёл ёки аёлларнинг салмоқли иштироқидаги грухи томонидан йўлга қўйилган ва ривожлантирилаётган, ҳодимларнинг камида 50 фоизи аёллардан иборат бўлган, таваккалчилик билан қиймат яратувчи бизнес фаолиятидир.

2. Аёллар тадбиркорлигига таъсир этувчи омиллар институционал, ижтимоий-маданий ва индивидуал-шахсий грухларга, шунингдек ички ва ташқи омилларга бўлиб ўрганилди. Барча омиллар бир нуқтада – мотивацияда кесишади, яъни кенг қамровли факторлар охир-оқибат аёлларнинг тадбиркорлик қилишга мотивациясини сўндириши билан тўсиққа айланади ва салбий таъсирини намоён этади. Нуфузли хорижий адабиётларни ўрганганд ҳолда аёллар тадбиркорлигининг қуидаги ўзига хосликлари борлиги аниқланди: ўз-ўзини банд қилиш шаклига мойиллик; ишчи кучига камроқ

эҳтиёж; мувозанатлашган иш вақти; турли соҳаларга оғувчанлик; нисбатан кичикроқ ҳажм; нисбатан сустроқ ўсиш; фаолият давомийлиги қисқароқ; камроқ иқтисодий фойда; аёлларга хос фаолият турларида кенг тарқалганлик.

3. Жаҳонда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратилади. Аксарият ҳолларда ривожланган мамлакатлардаги аҳолида тадбиркорлар улуши жуда кам, ижтимоий таъминот яхши йўлга қўйилгани учун аёлларнинг тадбиркорлик қилиш ҳохиши нисбатан паст, аммо ривожланаётган ва даромади паст ўлкаларда тадбиркор деярли ярим аҳолини ташкил этар экан ва айнан аёллар камбағалликдан чиқиш учун тадбиркорликка, хусусан норасмий фаолият юритишга мойил бўлар экан. Эътиборлиси аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат чора-тадбирлари барча мамлакатларда, айниқса кичик бизнес салмоқли ўрин эгаллайдиган давлатнинг устувор йўналишларида мавжуд. Одатда, аёллар кичик ва ўрта бизнес субъекти сифатида ушбу мамлакат фуқароси бўлган ҳолда ва фаолиятини мазкур ҳудудда амалга ошириши шарти билан давлатнинг фаол қўллаб-қувватлашидан фойдаланади. Бунда давлат ёрдами хусусий ташаббуслар ва жамиятнинг ижобий муносабати билан уйғунлашган ҳолдагина самара бермоқда.

**И БОБ. РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДА АЁЛЛАР  
ТАДБИРКОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**2.1. Тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини  
оширишнинг Ўзбекистон мисолидаги ижтимоий-иқтисодий таҳлили**

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида хусусий секторнинг ривожланиши миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Кейинги йилларда Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатда ўсиб бораётганлигини фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳар 1000 аҳолига нисбати ортиб бораётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. 2023- йил 1-январь ҳолатида бу кўрсаткич 17,9 бирликка тўғри келди. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф даромади 31,8 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиширилганда қарийб 9,2 трлн. сўмга ошганлиги хотин-қизларнинг тадбиркорликдаги роли ортаётганлигидан далолат бермоқда.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги давлатнинг стратегик иқтисодий сиёсати туфайли мамлакатимизда ушбу соҳа субъектлари учун кулай макроиктисодий муҳит яратилмоқда. Мавжуд имкониятларни умумий ва хусусий турларга бўлиб қўриб чиқсанда, умумий, яъни барча кичик бизнес субъектларига тегишли имкониятлардан қўйидагиларни айтиш мумкин: бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни бериш жараёнлари соддалаштирилди, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорлик субъектлари топширадиган ҳисботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин кискартирилди, солик

ставкалари унификация қилинди, биржалар орқали талаб юқори бўлган ресурслардан кенг фойдаланишга имкон берадиган бозор механизми шаклланди<sup>83</sup>. Айнан аёллар тадбиркорлиги учун яратилган имтиёзлар қаторида эса қуидагиларни айтиш мумкин:


- Хотин-қизлар учун касбий таълим олишнинг янги имкониятлари яратилди. 2022 йил 1 июндан бошлаб хотин-қизларни давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буортмаси асосида касб-хунарга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилди. Бунда ҳудудлардаги “Ишга марҳамат” мономарказлари қошидаги марказлар томонидан малака сертификатига эга бўлган хотин-қизларга ўқиши ҳаражатларига мутаносиб субсидиялар берилади.
- Тадбиркор хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратиш жараёни фаоллашди. Ўз бизнесини бошлаган аёлларга 6 ойдан 12 ойгача муддатда 300 млн. сўмгача, 2 йилгача ишлаганларга 1 млрд. сўмгача, 2 йилдан зиёд ишлаганларга 3 млрд. сўмгача кредитлар ажратилади. Шунингдек, кичик бизнес вакили бўлган тадбиркор аёлга корхона фаолиятига (тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик каби) асбоб-ускуна ҳарид қилиш учун бериладиган субсидия миқдори 7млн. сўмдан 10 млн. сўмга оширилди.
- 2022-2024 йилларда “Бизнес-леди” дастури амалга оширилмоқда. Дастур ташаббускор аёлларга иссиқхоналар қуриш, ўз томорқаларида чорвачилик, паррандачилик каби фаолиятларни йўлга қўйиш учун 35 млн. сўмгача имтиёзли кредитлар бериш ҳисобига тадбиркорлик фаолиятида аёллар улушини 25%дан 40%га етказишни мақсад қилган.
- Ҳукуматнинг 2022 йил 8 ноябрдаги 650-сон қарорида қўра ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ташкил этилади. Марказларда хотин-қизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлишига кўмаклашишга қаратилган лойиҳалар учун ҳам давлат гранти берилади.

---

<sup>83</sup> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш Файзулаев Н.Б.-2018 <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/43356>

Бу каби имтиёзлар Ўзбекистон ҳукумати томонидан мазкур йўналишда қабул қилинган 20дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатда аёллар тадбиркорлигига берилаётган эътибор банк-молия тизимида ажратилаётган кредитларда ҳам ўз аксини топмоқда. Ушбу кредитлар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ёқилғи ролини ўйнайди ва олинган қарзнинг ортиғи билан қайтиши давлат бюджетига ҳам фойдали ҳисобланади. Ўзбекистонда 2021 йил якуни бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига ҳамда ахолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган кредитлар бўйича таркибини 2.1-расмда кўриш мумкин.



\*банклар томонидан кредит ҳисобини юритишида тадбиркор аёллар дея раҳбари аёл ёки 50%дан ортиқ ҳодимлари аёл бўлган тадбиркорлик субъектлари киритилади(Марказий Банк изоҳи).

## **2.1-расм. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун ажратилган кредитлар бўйича таркиби, млрд. сўм<sup>84</sup>.**

Бунда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар жами 59552,1 млрд. сўм бўлган, жумладан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга йил давомида умумий берилган кредитларнинг қарийб 13%и яъни, 7756,8 млрд. сўм кредит ажратилган. Мазкур улуш 2010 йилда 10%ни ташкил этгани бу йўналишда майда қадамлар билан одимлаётганимиздан далолат берди.

<sup>84</sup> Markaziy Bankning Statistik byulleteni - 2021-yil. URL: <https://cbu.uz/uz/statistics/buletен/685391/>

КБХТ субъектларининг ривожланиши ҳудудий бирлик (минтақа, вилоят, шаҳар, туман) ривожланишига бевосита боғлиқ бўлади ва шу асосида мазкур тадқиқотда Ўзбекистонда мавжуд аёллар тадбиркорлиги кўрсаткичларини маъмурий-ҳудудий бирликлар кесимида статистик маълумотларга асосланиб баҳолашни мақсад қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон 14 та маъмурий-ҳудудий бирликлардан иборат. Эндиликда ушбу ҳудудлар бўйича тадбиркорлик ЯҲМда қандай ўринга эга ва бунда илмий тадқиқот обьектимиз бўлган аёллар тадбиркорлиги қанчалик муҳим роль ўйнаётганини таҳлил қиласиз(2.1-жадвал).

## **2.1-жадвал**


### **Аёллар тадбиркорлигининг республика маъмурий-ҳудудий бирликлари иқтисодиётида тутган ўрни<sup>85</sup>**

<b>Вилоятлар</b>	<b>Кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши, %</b>	<b>Умумий фирмалар сонида аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши, %</b>	<b>1-усул. Категория (медиана бўйича)</b>	<b>2-усул. Нисбат</b>	
				<b>Киймат</b>	<b>ўр ин</b>
<b>А</b>	<b>б</b>	<b>в</b>	<b>г</b>	<b>д=б*в/100</b>	<b>е</b>
Қорақалпогистон	56,4	43,8	II	24,70	III
Андижон	71,8	30,5	III	21,90	III
Бухоро	75,4	34,5	III	26,01	III
Жиззах	81,2	55,2	I	44,82	I
Қашқадарё	69	33,7	III	23,25	III
Навоий	27,1	46,9	II	12,71	IV
Наманган	73,5	55,6	I	40,87	I
Самарқанд	73,4	47,5	I	34,87	II
Сурхондарё	77,3	55,8	I	43,13	I
Сирдарё	69,2	24,4	III	16,88	IV
Тошкент	46,8	43,5	II	20,36	III
Фарғона	69,9	14,2	III	9,93	IV
Хоразм	73,9	42,7	I	31,56	II
Тошкент ш.	48,1	28,4	IV	13,66	IV

Ушбу таҳлилларда мамлакатдаги ҳар бир ҳудуднинг аёллар томонидан юритиладиган тадбиркорлик салоҳиятини кўриб чиқиш учун мавжуд омиллар ичида иккитаси танлаб олинган. Бунда “Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йилги расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

бўйича ЯҲМдаги улуши” худудда кичик бизнес қанчалик вазнга эгалигини ифодаласа ва “Аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши” эса бу вазнда аёлларнинг ўрни қандайлигини ифодалайди. Маълумот учун, 2021 йил якунида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 54,9% ни, аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши эса 38,0%ни кайд этган. Улардан фақат республикадаги аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши вилоятларни категорияларга бўлишда қатъий кўрсаткич сифатида олинди.



## 2.2-расм. Вилоятлар иқтисодиётда тадбиркор аёллар ролини баҳолаш, биринчи усул<sup>86</sup>

2.2-расмда ифодаланган натижалар асосида вилоятлар 4та тегишли ривожланганлик даражасига бўлинди. Маълум бўлдики, иқтисодиётдаги тадбиркор аёлларнинг ўрни бўйича I категорияда Жиззах, Наманган ва Сурхондарё энг илғор вилоятлар учлигини ташкил қилди. Бу ҳудудларда кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 73%+ ва аёлларнинг фирма эгалиgidаги хиссаси 55%+ ни ташкил қилди. Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳам умумий маънода ижобий натижа кўрсатиб ушбу категориядан жой олган. Яъни ушбу ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 69%дан ортиқ, Аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши эса мос равишда 47,5% ва 42,7%ни ташкил қилди.

<sup>86</sup> Муаллиф ишланмаси

Кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши бўйича илғор бўлмасада, аёллар эгалик қилаётган фирмалар улусида ўртачадан юқори натижа кўрсатган ва II категорияга кирган худудлар Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Тошкент вилоятлари бўлиб, уларда аёл тадбиркорлар фаоллиги ёмон эмас, яъни 43%дан ортиқ тадбиркорлар аёллардир. Аммо худуд иқтисодида йирик саноат ривожланиб бораётгани боис, кичик тадбиркорлик улуши жиҳатдан бошқа вилоятлардан ортда турибди. III категориядаги вилоятлар эса аксинча натижа кўрсатган: улар Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бўлиб, бу ерларда КБХТ иқтисодиётдаги ўрни 69%дан баланд бўлсада, аёл жинс вакиллари тадбиркорликда кузатилаётган йилда республика миқёсида қайд этилган кўрсаткичдан кам улушга эгалик қилишмоқда. Ҳаттоқи, Фарғона вилоятида аёллар эгалик қилаётган фирмаларнинг вилоятдаги барча фирмалар сонидаги улуши 14,2%ни ташкил қилиши билан ажралиб турибди.

## **2.2-жадвал.**

### **Вилоятлар иқтисодиётда тадбиркор аёллар ролини баҳолаш, биринчи усул натижалари<sup>87</sup>**

<b>Категория</b>	<b>Вилоят</b>	<b>Хусусият</b>
I	Жizzах, Наманган, Сурхондарё Самарқанд, Хоразм	аёлларнинг фирма эгалигидаги хиссаси юқори – 62%≤ кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги хиссаси юқори – 38%≤
II	Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Тошкент	аёлларнинг фирма эгалигидаги хиссаси юқори – 62%≤ кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги хиссаси паст – 38%≥
III	Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё ва Фарғона	аёлларнинг фирма эгалигидаги хиссаси паст – 62%≥ кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги хиссаси юқори – 38%≤
IV	Тошкент шаҳри	аёлларнинг фирма эгалигидаги хиссаси паст – 62%≤ кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги хиссаси юқори – 38%≥

Юқоридаги 2.2-жадвалда кўрсатилганидек, Тошкент шаҳри таҳлилда икки тарафлама кам хиссалар билан энг салбий натижа кўрсатди. Пойтахтда

<sup>87</sup> Муаллиф ишланмаси

тадбиркор аёллар бошчилигидаги фирмалар улуши водий кўрсаткичидан юқори бўлган бўлсада, аксарият вилоятлардан паст – 28,4%. Шунингдек ЯҲМдаги кичик бизнеснинг улуши ҳам 48,1 % бўлиб, вилоятлар ичида фақат Навоий кўрсаткичидан юқори. Тошкент шаҳри кичик тадбиркорлик субъектлари сони жиҳатидан йиллар давомида илғор ҳудуд бўлиб келган бўлсада, мазкур таҳлилда кўрсатган натижаси тадқиқотчилар учун янгилик бўлди дея оламиз. Демак, Тошкент шаҳри тадбиркор аёлларининг иқтисодиётдаги ўрни биз ўйлагандек етакчи ўринларда эмаслиги ҳудуд ўзига хосликларидан келиб чиқиб чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини исботламоқда. Келгусида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган ва минтақалар кесимида турлича ёндашувга асосланган дастурларни жорий қилишда медиана бўйича категорияларга бўлиш методи муаллиф томонидан тавсия қилинади.

2.1-жадвалда келтирилган 2-усулда эса арифметик ҳисоб-китобга асосланди. “Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича ЯҲМдаги улуши” шартли равишда 100% деб олиниб унинг таркибида “Аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши”ни фоиз кўрсаткичи қайта ҳисобланди. Яъни вилоятлардаги кичик бизнес яратиётган қийматда аёллар раҳбарлигидаги тадбиркорлик субъектларининг ўрни фоизни ҳисоблаш усулида келтириб чиқарилди ва 4та гурухга бўлинди. Бу усулда ҳам Жиззах, Сурхондарё ва Намангандар вилоятлари рақамларида юқори натижа қайд этилди. Аммо бизнингча мазкур усулнинг баъзи камчиликлари мавжуд. Масалан, “Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича ЯҲМдаги улуши” кўрсаткичи млрд. сўм билан ифодаланган кўрсаткичининг улуши бўлиб, “Аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши” эса донада ҳисобланадиган умумий фирмалар сонидаги улушни ифодалайди. Демак, юқоридаги икки кўрсаткични шартли равишда бир формулада фойдаланиш ўлчов бирлигига маълум бир хатоликларни келтириб чиқариши мумкин. Агар статистика қўмитаси томонидан аёллар тадбиркорлиги яратадиган қиймат ҳисоби вилоятлар кесимида юритилса, бу усулдан фойдаланиш мумкин бўлар эди.

Эндиликда, бевосита тадбиркор аёлларнинг фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва тенденцияларига тўхталиб ўтамиз. Бунда биз мамлакат иқтисодиёти ҳақидаги постреформ статистикалардан фойдаландик.

Маълумки, Ўзбекистон аёллар ва эркаклар ўртасида иқтисодий-сиёсий имкониятларга етишишда дисбаланс мавжуд бўлган мамлакат дея халқаро баҳо берилади. Бу ҳолат миллий-диний анъаналар натижаси бўлиб, ҳозирда гендер тенглигини таъминлашда ғарбий тушунчаларни тўғридан-тўғри кўчирмаган ҳолда гендер тенглигини таъминлаш бўйича давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши ҳақида”ги 87-І-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги 760-І-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 марта “Хотин-қизларнинг меҳнат хукуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сонли қарори, 2022 йил 7 марта “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сонли Фармони ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари ҳал қилувчи роль ўйнаяпти.

Бу каби чора-тадбирлар натижасида мамлакатдаги статистик маълумотларни юритиш тизимида ҳам ислоҳотлар бўлди ва аёлларга тегишли кўплаб кўрсаткичлар юритилиб, очиқ эълон қилина бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 марта ПҚ-4235-сонли Фармони билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика Комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлари ва бошқа маълумотлар “gender.stat.uz” веб-сайтига жойлаштириб борилиши таъминланди. Жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобини юритища 2017 йилдан бошланган статистик маълумотлар мавжудлиги боис, ЯТТ

аёлларнинг қайси йўналишларда фаолият юритаётганлари ҳақидаги маълумотларга эга бўла олдик(2.3-жадвал).


### **2.3-жадвал**

#### **Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони, фаолият турлари бўйича\***

<b>Кўрсаткичлар</b>	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
<b>Жами</b>	<b>69 756</b>	<b>75 295</b>	<b>81 703</b>	<b>85 634</b>	<b>99 307</b>	<b>102802</b>
шу жумладан, фаолият турлари бўйича: чакана савдо фаолияти юритувчилар	31 510	34 308	35 877	39 556	44 710	46 297
қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича хунармандчилик фаолияти	15 845	18 207	20 632	8 060	11 654	10 050
маиший хизмат соҳасида фаолият юритувчилар	3 235	3 717	4 212	6 736	7 754	7 335
бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчилар	7 475	9 304	9 923	31 282	35 189	39 120
шундан: ахоли учун турар ва нотурар жойларни таъмирлаш бўйича хизматлар	35	22	25	12	14	70
транспорт соҳасида фаолият юритувчилар	296	262	297	110	-	-

\* Давлат солиқ қўмитаси маълумоти, URL: gender.stat.uz

Мазкур жадвал маълумотларга кўра, 2018-2023 йиллар оралиғида жами якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони қарийб 47%га ортган. Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони 2018 йилда қарийб 70минг, 2019 йилда 75минг 295 нафар, 2022 ва 2023 йилларда эса мос равишда 99минг 307 ва 102минг 802 нафар якка тартибдаги тадбиркор аёллар фаолият юритган. Бунда чакана савдо фаолияти энг кўп сонли ЯТТларга тегишли фаолият тури бўлди. 2021 йилда деярли 40 минг нафар якка тартибдаги тадбиркор аёллар ушбу фаолият эгаси сифатида рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2021 йил давомида хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор сифатида 8060 та ва майший хизмат соҳасида 6736 та аёллар юритадиган якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти қайд этилган.



### **2.3-расм. 2021 йилда Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор аёллар сони, ҳудудлар кесимида<sup>88</sup>**

Юқоридаги расмда 2021 йилда Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор аёллар сонини ҳудудлар кесимида кўриб чиқсанда қуидагилар маълум бўлди: Таҳлил даврида Самарқанд вилояти бу шаклда иш бошлаган тадбиркор аёлларнинг 12 фоизи жойлашганлиги билан биринчиликда турибди ва улар 10464 нафардир. Тошкет вилоятида эса 2021 йилда 9440 та аёл ЯТТ ўз фаолиятини бошлаб, мамлакат бўйича 11% қамровни эгаллаган. Шунингдек, мазкур даврда Тошкент шаҳрида ҳам 8949 нафар янги якка тартибдаги тадбиркор аёллар рўйхатдан ўтиб, улар Ўзбекистон миқёсидаги кўрсаткичнинг 10дан 1 қисмини ташкил қилди. Бундан ташқари Жizzах, Навоий ва Сирдарё вилоятлари мазкур рақамларда мамлакатда энг кам улушга эга экани маълум бўлди.

Дарҳақиқат, жамиятда аёллар тадбиркорлиги турли ҳил кўринишларда намоён бўлиб келади. Шулардан бири ўзини ўзи банд қилишdir (самозанятность, self-employed). Бу шаклдаги фаолият хорижда кўп йиллик тарихга эга, аммо юртимизда 2020 йилдан жорий қилинди (Ўзини ўзи банд


<sup>88</sup> Расмий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

қилишни муаллиф квазитадбиркорлик дея баҳолаб, бу масаладаги услубий ёндашувлар 1.1 параграфда батафсил келтирилган). Бундай фаолият қисқа давр мобайнида тадбиркорлик қилишнинг энг содда шакли сифатида ахоли орасида кенг ёйилишга улгурди. Сабаби, кўпчилик даромад топиш мақсадида хонадонида турли хил майда фаолият турлари билан шуғулланар эди ва бу норасмий иқтисодиёт таркибида қолиб кетганди. Айниқса кўпчилик аёллар уй ишлари ва бола парвариши билан параллел равища кўшимча даромад манбани аллақачон яратиб бўлганлар, аммо уларнинг фаолияти расмий тус олмаганлик ҳолатлари тез-тез учрар эди. Ҳозирда ўз ўзини банд қилишни расмийлаштириш енгиллаштирилгани боис йилдан йилга бу фаолият тури вакиллари кўпайиб бормоқда. Масалан, 2021 йилнинг ўзида жами 1 млн 200 мингдан ортиқ шахслар мазкур рўйхатга кирган.

Ўзини ўзи банд қилганлар – бу хизматлар кўрсатишида мустақил равища шахсий меҳнати билан иштирок этадиган, меҳнат даромадини олиш учун иш олиб борувчи шахслар. Бунда улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмайди ва ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайди<sup>89</sup>. Ўзини ўзи банд қилиш учун давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтилади ва ўз фаолиятини қонунийлаштириш хуқуқига эга бўлинади. Ўзини ўзи банд қилган шахслар ихтиёрий равища 1 БҲМ миқдорида йиллик ижтимоий солиқни тўлаб, иш стажи ҳисобини юритиш имкониятига эга. 2022 йилнинг 1 ноябрь санасидан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари 10 тага оширилди ва улар 78 тага етди. 2020 йил якуни бўйича, 219 477 нафар, 2021 йилда 580 526 нафар, 2022 йилда 732 577 нафар, 2023 йилда эса 1млн. 105минг 366 нафар аёл ўзини-ўзи банд қилганлар сифатида рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган. Аёл ўзини-ўзи банд қилганлар кўрсаткичи 2023 йилда жами ўзини-ўзи банд қилганларнинг 43%ини ташкил қилди. 2021 йил давомида энг кўп рўйхатдан ўтилган фаолият турлари бўйича қуйидаги 2.4-расм маълумот беради.

---

<sup>89</sup> <https://soliq.uz/press-services/news/show/ozini-ozi-band-qilish-qulay-qonuniy-va-havfsiz>



## **2.4-расм. Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатаётган ўзини-ўзи банд қилган аёллар сони, фаолият турлари бўйича, киши<sup>90</sup>**

2.4-расмда кўрсатилишича, ўзини-ўзи банд қилган аёллар орасида энг кенг тарқалган фаолият тури бу тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантеряяси буюмларини таъмирлаш, аҳолининг якка тартибдаги буюртмаси бўйича тикув ва трикотаж буюмларини, бош кийимларини ва тўқимачилик галантеряяси буюмларини тикиш бўлиб, 2021 йилда 144мингдан ортиқ аёллар шу фаолият билан шуғулланувчи сифатида рўйхатга кирган. Демак, бу каби фаолият йўналишлари тарихдан мамлакат аёлларига хос бўлиб, айтиш мумкинки ҳозирда мазкур фаолиятлар бўйича аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда катта салоҳият мавжудлигини ифодалайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда аёллар нафақат энг кичик ҳажмдаги фаолият турларида балки юридик шахс ташкил қилган ҳолда бизнес юритишида ҳам бирмунча фаолдирлар. Юридик шахс ташкил қилган ҳолда тадбиркорлик қилаётган аёллар сони 2017 йилда 42443 нафар, 2018 йилда 47632 нафар, 2019 йилда 51495, шунингдек, 2020 ва 2021 йилларда мос равища 57728 ва 58466 тага етган. 2018-2020 йиллар оралиғида жами аёллар раҳбарлигидаги юридик

<sup>90</sup> Расмий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

шахслар сонида ҳам ва унинг таркибидаги кичик корхона ва микрофирма миқдорида ҳам катта ўсиш тенденцияси кузатилган. 5 йиллик даврни олганда республика бўйича бундай юридик шахслар сони 37,8 % га ошган, таҳлилдаги кичик корхона ва микрофирма эса 81,8 % га кўпайган. Статистика шундан далолат берадики, 2021- йилда аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар ҳажмидаги улуши атиги 11,3 % ни ташкил этган. Вилоятлар кесимида ўсиш суръатларига қарасак, рақамлар кичик корхона ва микрофирмаларда янада қизиқ тус олган(2.4-жадвал).


#### **2.4-жадвал**

#### **Аёллар раҳбарлигидаги юридик шахслар сони ва ўсиш суръатлари<sup>91</sup>**

	2017 й.		2021 й.		2017-2022 йилларда ўсиш, %	
	Жами	шундан кичик корхона ва микрофирмаларда	Жами	шундан кичик корхона ва микрофирмаларда	Жамида	кичик корхона ва микрофирмаларда
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>42 443</b>	<b>20 066</b>	<b>58 466</b>	<b>36 472</b>	<b>37,8</b>	<b>81,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	2 684	1 303	3 996	2 338	48,9	79,4
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	2 844	818	3 041	1 121	6,9	37,0
Бухоро	2 210	956	3 337	2 073	51,0	116,8
Жizzах	1 356	601	1 968	1 147	45,1	90,8
Қашқадарё	2 503	810	3 314	1 663	32,4	105,3
Навоий	1 618	963	3 240	2 544	100,2	164,2
Наманган	1 969	627	2 793	1 177	41,8	87,7
Самарқанд	3 454	1 299	5 223	2 974	51,2	128,9
Сурхондарё	2 059	834	3 061	2 002	48,7	140,0
Сирдарё	1 450	734	1 921	1 313	32,5	78,9
Тошкент	5 283	2 505	6 968	4 760	31,9	90,0
Фарғона	3 170	1 036	3 748	1 604	18,2	54,8
Хоразм	2 387	945	3 205	1 992	34,3	110,8
Тошкент ш.	9 456	6 635	12 651	9 764	33,8	47,2

<sup>91</sup> Расмий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвалда аёллар тадбиркорлиги бўйича худудлар кесимидағи миқдорий кўрсаткичлар ва уларнинг 5 йиллик даврдаги ўсиш суръатлари ифодаланган. 2021 йил яқунида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони 2017 йилга нисбатан Ўзбекистон бўйича 81,8 фоизга ошган бўлсада, бу кўрсаткич вилоятлар бўйича бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Масалан, Навоий вилояти 2,5 баробардан зиёд ўсиш қайд этди, Андижон ва Тошкент шаҳрида эса аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони 5 йил ичида мос равишда 37 % ва 47,2 %га ошган. Шунингдек, 2021 йилда Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида 2017 йилдагига нисбатан камида 2 карра кўп аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар фаолият юритаётганлигини кўриш мумкин. Миқдор жиҳатдан эса Тошкент шаҳри 9 минг 764 та, Тошкент вилояти 4 минг 760 та ва Самарқанд 2 минг 974 нафар аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар фаолият юритиши билан республикада етакчилик қиласди. Ҳудудлардаги аёллар эгалик қилаётган юридик шахслар сонида ҳам шу учлик олдинги сафларда турибди(2.5-расм).




**2.5-расм. 2021 йилда аёллар раҳбарлигидаги юридик шахслар сони, вилоятлар кесимида<sup>92</sup>**

<sup>92</sup> Расмий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2.5-расмда ифодаланганидек, 2021 йил ҳолатида аёллар раҳбарлигидаги юридик шахсларнинг умумий сонига нисбатан аёллар бошчилигидаги юридик шахслар ҳамда кичик корхона ва микро фирмалар сонида энг катта тафовут Андижон, Наманган, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида кузатилган. Бундан юридик шахсларнинг энг кам миқдори Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бўлиб, ҳар бирида қарийб 2мингтадан мазкур фаолият тури қайд этилган.

Бу турдаги кичик корхона ва микро фирмаларда ишлайдиган ҳодимлар сони жиҳатидан барқарор ўсиш суръатлари қайд этилмоқда. Яъни кичик тадбиркорликдаги аёл иш берувчиларда 2017дан 2021 йилгача мос равища 84минг, 93минг, 109,5 минг, 111,5 минг ва 117,7 минг нафар ҳодим мавжуд бўлган.

Тадқиқот обьектимиз бўлган аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар томонидан сўнги 5 йилда бажарилган ишлар ҳажми бўйича эса 2.6-расм шакллантирилди.



## **2.6-расм. Аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар томонидан бажарилган иш ҳажми, млрд.сўм<sup>93</sup>**

2.6-расм маълумотлари кўрсатишича, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар томонидан бажарилган бир қатор йўналишлардаги

<sup>93</sup> Расмий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

иш ҳажми 2020 йилда пандемия оқибатида секинлашганига қарамай, 2021 йилдан үсиш суръатларини тиклаган. Мазкур иадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарылған саноат маҳсулоти ҳажми 2018 йилда энг юқори күрсаткычны қайд этган – 4589 млрд.сүм. 2019 йилда эса маълум даражада тушиш қайд этилған, аммо кейинги үсиш суръатлари натижасида эришилған ҳажм 2021 йилда 3783,2 млрд.сүмга teng бўлиб, деярли 2017 йилдаги күрсаткич билан бир ҳил бўлгани маълум бўлди.

Мазкур субъектлар томонидан бажарилған қурилиш ишлари ҳажми йиллар давомида барқарор үсиш суръатларини күрсатиб келмоқда ва 2021 йилда 1571,1 млрд.сүмлик иш бажарилған.

Ишлаб чиқарылған (күрсатилған) хизматлар ҳажми 2.7-расмда келтирилған аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилған ишлар ичида энг катта улушга эга йўналиш бўлиб, айниқса 2021 йилда кескин ошган ва 5881,4 млрд.сүмлик хизматлар амалга оширилған. 2017-2021 йиллар давомида эса мазкур хизматлар ҳажми деярли 2,5 баробарга ўсди.

2020 йил аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмаларда асосий капиталга киритилған инвестициялари ҳажми 2289,4 млрд.сўмдан 831 млрд.сўмга кескин тушганига қарамай, 2021 йили пандемиягача бўлган натижаданда ошиқ инвестиция киритилған. Бу күрсаткич 5 йил давомида бажарилған қурилиш ишлари ҳажми каби қарийб 3,4 баробарга ўсган.

Шунингдек, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмаларда жорий қилинган инновациялар бўйича рақамларга мурожаат қилсан, 2017 йил 136та, 2021 йилда эса 369та қайд этилған ва 2021 йилда мазкур кичик тадбиркорлик субъектларида 2,7 баробар кўп инновациялар жорий қилинган. Юқорида келтирилған яратилған қиймат бўйича кўрсаткичлар асосида хulosha қилиш мумкинки, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги нафақат сон жиҳатдан, балки сифат жиҳатидан ҳам такомиллашиб бормоқда.

## **2.2. Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигига таъсир қилувчи омилларнинг тавсифий таҳлили**

Аёллар тадбиркорлигини таҳлил қилишда статистик маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, бирламчи маълумотларни шакллантириш мақсадида республика аёллари ўртасида мавзуга тегишли саволларни ўз ичига оловчи ижтимоий сўровнома ўтказилди. Унда асосий мақсад сифатида тадбиркор аёллар ва тадбиркор бўлиш истагидаги хотин-қизларда учраётган муаммо ва бу тўсиқларга ўзлари берәётган ечимлар ўрганилди. Анкетадан ўрин олган саволларнинг назарий асослари 1.2. параграфда ўрганилган.

Тадқиқот учун маълумот тўплаш инструменти Ўзбекистондаги хотин-қизлар билан ўтказилган онлайн сўровномадан иборат. Сўровномада умумий ҳисобда 302 нафар респондент аёллар қатнашиб, улардан 103 нафари тадбиркор аёл(ёки тадбиркорликда тажрибаси бор) ва 183 нафари тадбиркорлик қилиш истагидагилардир.

Сўровномада қатнашган респондентларнинг демографияси куйидагилардан иборат:

- Ёш бўйича 26-35 ёшдагилар 38%, 15-25 ёшдагилар 30%, 36-45 ёшдагилар 19% ва 46 ёшдан катталар 13 фоиз бўлди;
- Маълумот даражаси бўйича олий маълумотли респондентлар 66,3%, ўрта махсус маълумотлилар 21 %, илмий даражалилар 10 фоиз ва таянч ўрта маълумотлилар 2,7%;;
- Оиласиён ҳолати бўйича оиласиёнлар 63,3%, турмушга чиқмаганлар 28%, ажрашган 7% ва бевалар 1,7%
- Ҳудудий мансублик бўйича Тошкент шаҳридан 58,5 %, Сирдарё вилоятидан 10,7%, Тошкент вилоятидан 9%, Бухоро 3,3%, Қорақалпоғистон Республикасидан 3%, Қашқадарё вилоятидан 3%, Сурхондарё вилоятидан 2,7% ва Самарқанд вилоятидан 2,3%, қолган 7,5% респондентлар бошқа вилоят резидентлари бўлди.

Сўровнома давомида 1-гуруҳ респондентлар 103 нафар тадбиркор аёл/тадбиркорликда тажрибаси бўлган аёлларга ва 2-гуруҳ респондентлар 183 нафар тадбиркорлик қилиш истагидагиларга фарқли анкеталар берилди.

1-гуруҳ респондентларнинг умумий қиёфаси қуидагилардан иборат: уларнинг 24 фоизи ҳозирда фаолияти тўхтаганини айтишган, бизнес бошлаганига 3 йил тўлмаганлар эса 41% бўлган; уларнинг 30 %и 19-25ёшда бизнес бошлаганлар; 61 %и тадбиркорликка ўзлари асос солган аёллар ва 28 %и эса бизнесдаги оила аъзолари билан бирга фаолият бошлаганлар; тадбиркорлик бошлаганда респондентларнинг 50%ида фарзандлар бўлмаган ва 21%ида 1нафар фарзанди бўлган; фаолиятнинг ташкилий-хуқукий шакли бўйича 16% ЯТТ, 16% оиласвий корхона бўлса 40%и эса норасмий фаолият юритишини айтган; бизнес йўналиши бўйича 35 %и савдо ва 31 %и бошқа турдаги хизматлар бўйича экан; шунингдек, 40 % тадбиркор аёл ҳодим ёлламаганини ва 19%ининг ҳодимлари факат аёллардан иборатлигини билдирган;

Тадқиқотда тадбиркорликка қизиқиш ва фаолият бошлаш сабабларига алоҳида тўхталинган. Иккала гуруҳ респондентлар учун жавоб вариантларида берилган сабабларнинг аҳамиятлилик даражаси бир ҳил кетма-кетликда экани маълум бўлди(2.6-жадвал).

## **2.6-жадвал**

### **Нима сабабдан тадбиркорлик қилишни ҳохлайсиз?” саволига сўровнома иштирокчиларининг берган жавоблари улуши<sup>94</sup>**

<b>№</b>	<b>Сабаблар</b>	<b>1-гуруҳ респондентлар</b>	<b>2-гуруҳ респондентлар</b>
1.	Кўшимча даромадга эҳтиёж	53,3%	51,9%
2.	Эркин график асосида ишлаш	52%	38,3%
3.	Одамларга фойдам тегиши	36%	29%
4.	Ёлланиб ишлашни хохламаганим	16%	12%
5.	Бизнесдаги рискни ёқтиришим	16%	11,5%
6.	Обрў-эътибор топиш	6,7%	4,4%
7.	Чекка худудда яшайман, атрофда деярли ишхоналар йўқ	5,3%	0,5%
8.	Ишимдан мамнун эмас эдим	2,7%	3,3%
9.	Қизиқишим тўғри келгани учун	2,6%	1,5%

<sup>94</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Демак, табиий равища аксарият аёлларнинг тадбиркорликка қизиқиши ва фаолият бошлашида қўшимча даромадга эҳтиёж мавжудлиги туртки бўлар экан.

Навбатдаги саволлар тўплами 1-гурух респондентларга берилди ва тадбиркор аёллар фаолиятида дуч келинадиган муаммоларни акс эттирди. Респондентлар вариантларни таъсир этиш даражасига қараб 1-5 Ликерт шкаласи бўйича баҳолаб беришди (1-умуман дуч келмадим; 2-оз даражада таъсири бўлди; 3-ўртача таъсири қилди; 4-салмоқли таъсири бўлди; 5-жуда катта таъсири қилди).

## **2.7-жадвал**

### **Тадбиркор аёллар фаолиятида дуч келинадиган муаммоларни баҳолаш<sup>95</sup>**

<b>№</b>	<b>Тадбиркор аёллар фаолиятида дуч келинадиган муаммолар</b>	<b>Белгиланган шкала улуши,%*</b>				
		<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
1.	Оила аъзоларининг салбий муносабати	51	15	14	13	7
2.	Ноқулай транспорт имкониятлари	37	11	24	15	13
3.	Тадбиркорлик бўйича кўрсатмалар ва молиявий саводхонлик етишмаслиги	20	13	30	12	25
4.	Тегишли жамоат ташкилотлари билан алоқанинг йўқлиги	35	20	17	11	1
5.	Бизнес фаолиятини оиласвий ҳаёт билан уйғунлаштиришдаги муаммолар	28	29	19	12	12
6.	Аёлларга нисбатан камситиш, ёмон муносабатда бўлиш	47	18	12	8	15
7.	Хаддан ташқари конунчилик ва бюрократия	27	16	21	15	21
8.	Молиялаштиришдаги қийинчилик	15	16	25	15	29
9.	Мижоз билан алоқа ўрнатишдаги муаммолар	41	22	20	12	5
10.	Юқори даражадаги рақобат	20	16	28	19	17
11.	Эркакларникидек кун тартибига амал қилиш зарурати	23	22	19	15	21
12.	Ходимларни ёллаш ва бошқаришда қийинчилик	48	13	19	12	8

\*жадвалдаги фоизлар яхлитланди

Жавоблардан кўриниб турибдики, молиялаштиришдаги қийинчилик 29%, тадбиркорлик бўйича кўрсатмалар ва молиявий саводхонлик етишмаслиги 25% респондент фикрича тадбиркорлик фаолиятига жуда катта таъсири қилган муаммолар экан. Бу бирламчи маълумот кейинги бобда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун зарурый чора-тадбирлар бўйича

<sup>95</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

таклиф берадиганда асос бўлиб ҳизмат қилади. Қувонарлиси, респондентларнинг салмоқли қисми оиласдаги салбий муносабат, жамиятдаги аёлларга нисбатан дискриминация(камситиш) каби муаммоларга умуман дуч келмаганларини айтишган. Ходимларни ёллаш ва бошқаришда қийинчилик ҳам 48 % респондентда бўлмаган, аммо буни респондентларнинг кўпчилиги ҳодим ёлламай бизнес қилиши билан изоҳлаш мумкин.

Тадбиркор аёллар наздида фаолиятни ривожлантириш учун уларга қандай қўмак берилиши зарурлиги ҳақидаги фикрлар 2.8-жадвалда тасвирланган.

## **2.8-жадвал**

### **Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун сўровнома натижаларида таклиф қилинган чора-тадбирларни баҳолаш<sup>96</sup>**

Сизга қўмаклашиши мумкин бўлган қўйида келтирилган усулларнинг таъсирини 1-5 шкалада баҳоланг (1- жуда оз даражада; 2- оз даражада; 3- ўрта даражада; 4- катта даражада; 5- жуда катта даражада).		Баҳолаш шкаласини танлаган респондентлар, %				
		1	2	3	4	5
1.	Мобил илова орқали фаолиятни ривожлантириш	10,7	8	17,3	12	52
2.	Имтиёзли кредит олиш	32	8	17,3	16	26,7
3.	Масофавий бизнес юритиш имкониятларини кенгайтириш	14,7	8	24	10,7	42,7
4.	Ижтимоий тармоқларда реклама қилиш	6,7	4	17,3	17,3	54,7
5.	Тажрибали аёл тадбиркорга шогиртликка тушишга қўмаклашиш	6,7	8	13,3	17,3	54,7
6.	Молиявий саводхонликни ошириш	1,3	4	17,3	17,3	60

Респондентлар аёллар ўртасида тадбиркорликни кенг ёйишда молиявий саводхонликни ошириш ва тажрибали аёл тадбиркорга шогиртликка тушиш каби ечимларни бермоқдалар. Аммо имтиёзли кредитнинг фойдаси энг паст баҳоланган. Демак, асосий муаммолардан бири сифатида эътироф этилган фаолиятни молиялаштириш муаммоси имтиёзли кредит бериш билан тўлиқ ҳал бўлмаслиги ва тадбиркорлик бўйича билим ва кўнимкалар бериш ва тадбиркор аёлларнинг устоз-шогирдлигини, ўзаро мулоқотини йўлга қўйиш каби билвосита ёрдамлар долзарб экани маълум бўлди.

<sup>96</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2-гурух респондентлардан тадбиркорликка қизиқсаларда, фаолият бошламаганларига сабаб бўлаётган тўсиқларни баҳолаш сўралганда уларнинг 35%и бошланғич капитал етишмаслигини, 32 %и тегишли жамоат ташкилотлари билан алоқанинг йўқлигини энг катта сабаб сифатида кўрсатишган. Юқоридаги хulosага қўшимча қилиб айтиш мумкинки, жамоат ташкилотлари, ННТ, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва тадбиркорлик марказлари кабилар фаолияти аҳоли орасида тадбиркорлик қилиш истагида бўлган иқтидорли аёлларгача етиб бориши ва қамров даражасини кенгайтириши зарур. Энди эса 1-гурух респондентлар яъни тадбиркор аёллар берган жавоблар асосида, аёлларнинг эрта ёшдан бизнес бошлашига қандай омиллар таъсир қилишини эконометрик ҳисоб-китоблар билан текшириб кўрамиз. Бунда сўровномадаги саволларнинг 3 та гурухидан фойдаландик.

Фактор анализдаги мотивлар, тўсиқлар ва хусусиятлар гуруҳларидаги омиллар анкетадан ўрин олган 2.7-расмдаги саволлар орқали шакллантирилди.

№	МОТИВЛАР	ТЎСИҚЛАР	ХУСУСИЯТЛАР
Савол	<b>Нима сабабдан тадбиркорлик фаолиятини танладингиз?</b>	<b>Фаолиятингиз давомида дуч келган қўйида санаб ўтилган муаммоларни 1-5 шкалада баҳоланг.</b>	<b>Сизда қўйидаги хусусиятлардан қай бири мавжуд?</b>
1.	Бизнесдаги рискни ёқтиришим	Нокулай транспорт имкониятлари	Ижодкорлик
2.	Ёлланиб ишлашни хоҳламаганим	Тадбиркорлик бўйича кўрсатмалар ва молиявий саводхонлик етишмаслиги	Таваккалчилик
3.	Қизикишим тўғри келгани учун	Тегишли жамоат ташкилотлари билан ўзаро алокадаги муаммолар	Муаммоларни хал қилиш
4.	Одамларга фойдам тегиши	Жамияддаги аёлларга нисбатан камситиш, ёмон муносабатда бўлиш	Етакчилик ва мулоқот қилиш маҳорати
5.	Обрў-эътибор топиш	Ҳаддан ташқари қонунчилик талаблари ва бюрократия	Янги товар ва хизматлар яратা олиш
6.	Қўшимча даромадга эҳтиёж	Молиялаштиришдаги қийинчилик	Бошқарувчилик
7.	Чекка худудда яшайман, атрофда деярли иш жойи йўқ	Мижоз билан алоқа ўрнатишдаги муаммолар	
8.	Ишимдан мамнун эмас эдим	Юқори даражадаги ракобат	
9.	Эркин график асосида ишлаш	Эркакларнидек кун тартибига амал қилиш зарурати	
10.		Ходимларни ёллаш ва бошқаришда қийинчилик	
11.		Оила аъзоларининг салбий муносабати	
12.		Бизнес фаолиятини оиласвий ҳаёт билан уйғулаштиришдаги муаммолар	

## 2.7-расм. Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровноманинг эконометрик моделда фойдаланилган бандлари<sup>97</sup>

<sup>97</sup> Муаллиф ишланмаси


Шу асосда қуйидаги гипотезаларни илгари сурдик:

Гипотеза 1: тадбиркорлик қилишга сабаб бўлган омиллар – мотивлар аёлларнинг неча ёшдан тадбиркорлик фаолиятини бошлишига таъсир қиласди;

Гипотеза 2: тадбиркорлик фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган муаммолар – тўсиқлар аёлларнинг неча ёшдан тадбиркорлик фаолиятини бошлишига таъсир қиласди;

Гипотеза 3: индивидуалнинг шахсий хусусиятлари аёлларнинг неча ёшдан тадбиркорлик қилишига таъсир қиласди.

Берилган жавоблар рақамли кўринишга келтирилиб, ҳар бир гуруҳ бўйича алоҳида корреляцион анализ ўтказилди. Бунда тобе ўзгарувчи сифатида “Неччи ёшдан тадбиркорлик қилиб келасиз?” деган саволга респондентлар берган жавоби олинди. Натижаларга кўра, эконометрик модел тузишда фойдаланиш учун натижавий омилга энг яхши таъсир қўрсатувчи омилларни, яъни 1 гуруҳ омиллардан 3та, 2 гуруҳ омиллардан 4та ва 3 гуруҳ омиллардан 1та ўзгарувчи танлаб олинди ва қуйидаги концептуал чизма тузилди(2.8-расм).



**2.8-расм. Сўровнома асосида тузилган концептуал модел<sup>98</sup>**

Аслида сўровнома юқоридаги расмда ифодаланган қўрсаткичлардан ташқари қўплаб маълумотлар тақдим этди. Аммо аёлларнинг эртароқ тадбиркорлик бошлишининг илмий асослари, хусусан мамлакатимизда хотин-қизлар эртароқ тадбиркорлик бошлишларига нималар таъсир қилишини билиш учун мазкур концептуал моделни туздик.

Дастлаб омиллар ўртасида тавсифий статистика ўтказамиз (2.9-жадвал).

<sup>98</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

### Омиллар ўртасида тавсифий статистика<sup>99</sup>

	Y	X1	X2	X3	X4	X5	X6	X7	X8
Ўртача	2.3300	0.0776	0.5145	0.0582	3.3300	2.3106	3.5048	3.0388	0.4660
Медиана	2.0000	0.0000	1.0000	0.0000	3.0000	2.0000	4.0000	3.0000	0.0000
Максимум	4.0000	1.0000	1.0000	1.0000	5.0000	5.0000	5.0000	5.0000	1.0000
Минимум	1.0000	0.0000	0.0000	0.0000	1.0000	1.0000	1.0000	1.0000	0.0000
Стандарт четланиш	0.9840	0.2689	0.5022	0.2353	1.4375	1.4282	1.3853	1.3785	0.5012
Асимметрия	0.1703	3.1558	-0.0582	3.7720	-0.2336	0.7202	-0.4436	-0.1150	0.1362
Эксцесс	2.0104	10.959	1.0033	15.228	1.7990	2.1411	1.9400	1.8557	1.0185
Жак-Бера	4.7006	442.83	17.166	886.01	7.1266	12.072	8.2004	5.8463	17.168
Эҳтимоллик	0.0053	0.0000	0.0001	0.0000	0.0283	0.0023	0.0165	0.0437	0.0001
Сумма	240.00	8.0000	53.000	6.0000	343.00	238.00	361.00	313.00	48.000
Четланишлар квадратларин инг ийғиндиси	98.776	7.3786	25.728	5.6504	210.77	208.05	195.74	193.84	25.631
Кузатувлар	103	103	103	103	103	103	103	103	103

Ушбу жадвалдан энг муҳим хусусиятга эга бўлган кўрсаткичлардан бири – бу Жак-Бера мезони қиймати ва унинг эҳтимоллиги қиймати ҳисобланади. Барча омиллар бўйича ҳисобланган Жак-Бера мезони қийматлари етарли даражада юқори ҳамда уларнинг эҳтимолликлари (prob.) 0,05 дан кичик эканлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида барча омилларнинг нормал тақсимотга бўйсунишини кўрсатади.

Танланган омиллар асосида корреляцион таҳлил ўтказиб қуидаги натижаларни олдик: Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши (Y) ва обрў-эътибор топиш истаги (X1) омили ўртасида ўртачага яқин боғланиш мавжуд, яъни бу икки омил ўртасида корреляция коэффициенти  $r_{yx1} = 0,3330$ . Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши (Y) ва қўшимча даромадга эҳтиёж (X2) омили ўртасида ўртача боғланиш мавжуд, яъни бу икки омил ўртасида корреляция коэффициенти  $r_{yx2} = 0,4969$ . Шунингдек, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши (Y) ва урбанизациядан узокда яшаш (X3) омили ўртасида суст боғланиш мавжуд, яъни бу икки омил ўртасида корреляция коэффициенти  $r_{yx3} = 0,008$ . Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши (Y) ва тадбиркорлик бўйича кўрсатмалар ва молиявий саводхонлик етишмаслиги (X4) омили ўртасида ўртача боғланиш мавжуд, яъни бу икки

<sup>99</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

омил ўртасида корреляция коэффициенти  $r_{yx1} = 0,4399$ . Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши (Y) ва тегишли жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқадаги муаммолар (X5) омили ўртасида суст боғланиш мавжуд, яъни бу икки омил ўртасида корреляция коэффициенти  $r_{yx1} = 0,1216$ . Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши (Y) ва молиялаштиришдаги қийинчилик (X6) омили ўртасида ўртачага яқин боғланиш мавжуд, яъни бу икки омил ўртасида корреляция коэффициенти  $r_{yx1} = 0,3545$ . Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши (Y) ва юқори даражадаги рақобат (X7) омили ўртасида ўртачага яқин боғланиш мавжуд, яъни бу икки омил ўртасида корреляция коэффициенти  $r_{yx1} = 0,2776$ . Ҳамда аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши (Y) ва таваккалчилик хусусияти (X8) омили ўртасида ўртача боғланиш мавжуд, яъни бу икки омил ўртасида корреляция коэффициенти  $r_{yx1} = 0,4220$ .

Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши бўйича кўп омилли эконометрик модель тузишдан аввал омиллар бўйича келтирилган вақтли қаторларнинг стационарлигини Дики-Фуллер статистикаси ёрдамида текширамиз (2.10-жадвал).

## 2.10-жадвал

### Вақтли қаторларни стационарликка текшириш<sup>100</sup>

		t-статистика	Эҳтимоллик *
Кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести статистикаси		-9.798106	0.0000
Критик қийматлар тести:	1% даражা	-3.495677	
	5% даражा	-2.890037	
	10% даража	-2.582041	

\*MacKinnon (1996) one-sided p-values.

Юқоридаги жавдал маълумотларидан кўриш мумкинки, кенгайтирилган Дики-Фуллер статистикасининг қиймати -9,7981 га teng эканлиги ва эҳтимоллиги 0 га teng. Бу эса ўз навбатида вақтли қаторларнинг стационарлигини қўрсатади.

<sup>100</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисоблаб чиқилди.

Омиллар ўртасидаги жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси ва VIF коефициенти омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд эмаслигини күрсатди.

Демак, омиллар ўртасида мультиколлениарлик ҳамда натижавий омил қаторида гетероскедаслик мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлаши ( $Y$ ) ва унга таъсир этувчи омиллар ( $X_i$ ) бўйича кўп омилли эконометрик модель тузамиз. Мазкур кўп омилли эконометрик модель қўйидаги қўринишга эга:

$$y = \beta_0 + \beta_1 x_1 + \beta_2 x_2 + \dots + \beta_n x_n + \varepsilon, \quad (1)$$

бу ерда  $y$  – натижавий омил,  $x_i$  – таъсир этувчи омиллар,  $\varepsilon$  – тасодифий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (1) номаълум  $\beta_0, \beta_1, \beta_2, \dots, \beta_n$  параметрларнинг қийматларини аниқлашда "энг кичик квадратлар усули" дан фойдаландик. Натижалар қўйидаги 2.11-жадвалда келтирилган.

## 2.11-жадвал

### Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлаши ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича ҳисобланган кўп омилли эконометрик модел параметрлари<sup>101</sup>

Ўзгарувчилар	Коэффициентлар	Стандарт ҳатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
X1	0,096073	0,0156	6,158526	0,0006
X2	-0,07111	0,03305	-2,15159	0,0029
X3	0,111035	0,035155	3,158441	0,0021
X4	0,040067	0,023648	1,694308	0,0697
X5	0,05636	0,010152	5,551615	0,0011
X6	0,080665	0,034228	2,356696	0,0041
X7	0,089314	0,022819	3,914019	0,0006
X8	0,378972	0,11419	3,318784	0,0021
C	1,35836	0,382115	3,554846	0,0006
R-квадрат	0,775765	Боғлиқ ўзгарувчининг ўртааси		2,330097
Меърлаштирилган, $R^2$	0,762893	Боғлиқ ўзгарувчининг ўртача квадратик четланиши		0,984073
Регрессиянинг стандарт ҳатолиги	0,985495	Акаике мезони		2,891978
Қолдиклар квадратларининг йигиндиси	91,29290	Шварц мезони		3,122197
Логорифмик эҳтимоллик	-139,9369	Ханан-Квин мезони		2,985225
F- статистика	102,96321	Давбин-Уотсон статистикаси		1,838205
Эҳтимоллик(F- статистика)	0,000000			

<sup>101</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $Y$ ) бўйича ҳисобланган кўп омилли эконометрик моделни аналитик кўринишда ифодалаймиз:

$$Y = 1,36 + 0,096X_1 - 0,071X_2 + 0,111X_3 + 0,040X_4 + 0,056X_5 + \\ + 0,080X_6 + 0,089X_7 + +0,379X_8 . \quad (2)$$

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель натижаларини фойдаланилган 3 гурух омиллар бўйича алоҳида кўриб чиқамиз. Аввал айтганимиздек, 1-гуруҳдаги тадбиркорлик бошлаш сабабларидан  $X_1$ ,  $X_2$ ,  $X_3$  омиллар олинган. Обрў-эътибор топиш истаги ( $X_1$ ) ўртача бир даражага ошса, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) ўртача 0,096 га ортар экан. Яъни, бу ерда ёш катталашган сари тадбиркорликни бошлашда аёллар учун обрў эътибор топиш истаги муҳимлиги ортади деган хулосага келамиз. Кўшимча даромадга эҳтиёж ( $X_2$ ) ўртача бир даражага ошса, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) ўртача 0,071 га камаяр экан. Яъни, кўшимча даромадга эҳтиёж ошган сайн тадбиркорлик бошлаш ёши кичрайиб боради. Ёш катталашган сари қўшимча даромадга эҳтиёж мавжудлигининг бизнес бошлашга таъсири камаяди. Урбанизациядан узоқда яшаш ( $X_3$ ) омилиниг ўртача бир даражага ортиши, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошланинг ( $\ln Y$ ) ўртача 0,111 га ортишига олиб келар экан. Демак, чекка ҳудудларда яшайдиган аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашдаги ёши ҳам каттароқ бўлар экан.

2 гурухда муаммоли ҳолатлар ўрганилган эди ва улардан 4та омил ажратиб олинган: Аёлларга тадбиркорлик бўйича кўрсатмалар ва молиявий саводхонлик етишмаслиги ( $X_4$ ) омилиниг таъсири ўртача бир даражага ортиши, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) ўртача 0,040 га ортишига олиб келар экан. Бундан келиб чиқадики, молиявий саводхонлик етишмаслиги муаммоси тадбиркор аёлларнинг ёши ўтган сари катта таъсир қилиб боради. Тегишли жамоат ташкилотлари билан алоқа ўрнатишдаги муаммолар ( $X_5$ ) омилиниг ўртача бир даражага ортиши, аёлларнинг эрта

ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) ўртача 0,056 га ортишига олиб келар экан. Молиялаштиришдаги қийинчилик (X6) омилнинг ўртача бир даражага ортиши, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) ўртача 0,080 га ортишига олиб келар экан. Бизнес юритишдаги юқори даражадаги рақобат (X7) омилнинг ўртача бир даражага ортиши, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) ўртача 0,089 га ортишига олиб келар экан. З-гуруҳда 1та омил танлаб олинган бўлиб, тадбиркор аёлдаги таваккалчилик хусусияти (X8) омилнинг ўртача бир даражага ортиши, аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) ўртача 0,379 га ортишига олиб келиши аниқланди(2.9-расм).



## 2.9-расм. Аёлларнинг тадбиркорлик бошлиш ёшига таъсир этувчи омилларнинг ҳисобланган кўрсаткичлари<sup>102</sup>

Бизнес соҳасида аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши бўйича тузилган қўп омилли эконометрик модель (2) сифатини текшириш учун детерминация коэффициентини текширамиз. Детерминация коэффициенти натижавий омил неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Ҳисобланган детерминация коэффициенти ( $R^2$  - R-squared (2.11-жадвал)) 0,7757 га teng. Бу эса аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) 77,57 фоизи ҳисобланган (2) қўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатмоқда.

<sup>102</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Қолган 22,43 фоизи (100,0-77,57) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсири эканлигини күрсатмоқда.

Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ ) бўйича тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг (2) статистик аҳамиятлигини ёки ўрганилаётган жараёнга адекватлигини (мос келишини) текширишда Фишернинг  $F$ -мезонидан фойдаланамиз. Бунинг учун озодлик даражалари  $k_1 = m$  ва  $k_2 = n - m - 1$  ҳамда  $\alpha$  аҳамиятлик даражаси бўйича қийматларни ҳисоблаймиз. Аҳамиятлик даражаси  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражалари  $k_1 = 8$  ва  $k_2 = 103 - 8 - 1 = 94$  дан келиб чиқиб,  $F$ -мезоннинг жадвал қиймати  $F_{жадвал} = 1,15$  га тенг.  $F$ -мезоннинг ҳисобланган қиймати  $F_{хисоб} = 102,96$  ва жадвал қиймати  $F_{жадвал} = 1,15$  га тенг эканлигидан келиб чиқиб ва  $F_{хисоб} > F_{жадвал}$  шарти бажарилганлиги учун (2) кўп омилли эконометрик моделни статистик аҳамиятли дейиш мумкин.


Кўп омилли эконометрик моделнинг (2) ҳисобланган параметрлари ишончлилигини текширишда Стыюдентнинг  $t$ -мезонидан фойдаланилади. Стыюдент  $t$ -мезонининг ҳисобланган ( $t_{хисоб}$ ) ва жадвал ( $t_{жадвал}$ ) қийматларини таққослаб,  $H_0$  гипотезани қабул қиласиз ёки рад этамиз. Бунинг учун  $t$ -мезоннинг жадвал қийматини танланган ишончлилик эҳтимоли ( $\alpha$ ) ва озодлик даражаси ( $d.f. = n - m - 1$ ) шартлар асосида топамиз. Бу ерда  $n$  - кузатувлар сони,  $m$  - омиллар сони. Ишончлилик эҳтимоли  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражаси  $d.f. = 103 - 8 - 1 = 94$  бўлганда,  $t$ -мезоннинг жадвал қиймати  $t_{жадвал} = 1,9867$  га тенг.

Кўп омилли эконометрик модель тузиш бўйича олиб борилган ҳисоб-китоблардан шуни кўриш мумкинки, эконометрик моделга киритилган барча омиллар бўйича  $t$ -мезоннинг ҳисобланган қийматлари  $\alpha = 0,05$  аниқликда жадвал қийматидан катта эканлигини кўриш мумкин (2.11-жадвал). Бу эса барча омилларни ишончли эканлигини билдиради ва мазкур омилларга кўп омилли эконометрик моделда иштирок этишига имкон беради.

Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (2) бўйича натижавий омил ( $\ln Y$ ) қолдиқларида

автокорреляция мавжудлигини текшириш учун Дарбин-Уотсон ( $DW$ ) мезонидан фойдаланамиз. Ҳисобланган  $DW$  қиймати жадвалдаги  $DW_L$  ва  $DW_U$  билан таққосланади. Агар  $DW_{\text{хисоб}} < DW_L$  дан кичик бўлса, натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд дейилади.  $DW_{\text{хисоб}} > DW_U$  дан катта бўлса, натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас дейилади. Дарбин-Уотсон мезонининг пастки чегараси қиймати  $DW_L=1,56$  га teng ва юқори чегараси қиймати  $DW_U=1,78$  га teng.  $DW_{\text{хисоб}}=1,8382$  га teng. Демак,  $DW_{\text{хисоб}} > DW_U$  бўлгани учун натижавий омил (аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши ( $\ln Y$ )) қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас экан.

Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлиши бўйича ҳисобланган (2) кўп омилли эконометрик моделнинг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) қуидаги 2.10-расмда келтирилган.



**2.10-расм. Аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлишининг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) гравиги<sup>103</sup>**

2.10-расмдан кўриш мумкинки, ҳисобланган (2) кўп омилли эконометрик модель бўйича республикада аёлларнинг эрта ёшдан тадбиркорликни бошлишининг ҳисобланган қийматлар гравиги унинг ҳақиқий қийматлари гравиги билан жуда яқин жойлашган, улар ўртасидаги

<sup>103</sup> Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

фарқлар ҳам унчалик катта эмас. Бу эса ҳисобланган (2) кўп омилли эконометрик моделнинг статитик аҳамиятлилиги ва коэффициентларининг ишончлилигини кўрсатади.

Демак, анкета усулида йиғилган бирламчи маълумотлар асосида мамлакатимиздаги тадбиркор аёллар ва тадбиркорлик қилиш истагидаги аёлларга тегишли муаммо ва ечимлар бўйича атрофлича таҳлил ўтказдик ва аёллар тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига туртки берувчи омиллар, мавжуд муаммолар ва индивидуал хусусиятларнинг таъсирини ифодаловчи кўп омилли эконометрик модел туздик.

### **2.3. Ўзбекистонда аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмаларнинг ривожланиш модели**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда аёллар томонидан ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ривожланиб бормоқда. Аёллар тадбиркорлиги миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида кузатилмоқда. 2022 йил 1 январь ҳолатида иш берувчиларнинг 12,7%и аёллар экан. Аёллар раҳбарлигидаги юридик шахслар сони эса 58минг 466та бўлиб, шундан 36минг 472таси кичик корхона ва микро фирмалардир. Шунингдек, мамлакатимизда 85634 нафар якка тартибдаги тадбиркор аёллар мавжуд. Эътиборлиси, аёллар эгалик қилаётган фирмалар улуши 2018-2022 йиллар оралиғида 16,1 %га ошган.

Мазкур жараёнларни таҳлил қилиш ҳамда эконометрик моделлаштириш, ушбу соҳадаги эътибордан четда қолган жиҳатларни аниқлашга, яширин қонуниятларни топишга ҳар томонлама ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантиришга сабаб бўлади.

Шу муносабат билан мазкур илмий тадқиқотда республикамизда аёллар тадбиркорлиги ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар асосида кўп омилли

эконометрик модель тузилди. Моделда Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси тақдим этган 2017-2021 йиллардаги чораклик маълумотлардан фойдаланилди. Бунинг учун қуидаги омиллар танлаб олинди. Натижавий омил - аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ( $Y$ ). Таъсир этувчи омиллар қуидагилар: ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган қиймат, млрд. сўм ( $X_1$ ), аёл интернет фойдаланувчилари сони, минг киши ( $X_2$ ), тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш йўналтирилган кредитлар, млн. сўм ( $X_3$ ), масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони, нафар ( $X_4$ ).

Ҳисоб-китоблар аввалида, таъсир этувчи омиллар сифатида аёллар иш ҳақининг эркаклар иш ҳақига нисбати, аёллар миграцияси, олий таълим ташкилотларида битирувчи аёл талабалар сони, ер мулкига эга бўлган катта ёшли аҳолида хотин-қизлар улуши ҳамда аҳоли жон бошига умумий даромадлар каби кўрсаткичлар ҳам танланган эди. Бироқ эконометрик таҳлил қилганимизда айрим кўрсаткичлар ишончсиз бўлганлиги учун кейинчалик биз уларни кўп омилли эконометрик моделга киритмадик.

Тадқиқотда фойдаланилган омилларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги учун биз уларни логарифмладик. Логарифмланган маълумотлар маълум маънода текисланди. Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлигининг 2017-2021 йиллар чоракликлари бўйича тўпланган маълумотлар бўйича тавсифий статистика ўтказамиз. Тавсифий статистика натижалари қуидаги 2.12-жадвалда келтирилган.

## **2.12-жадвал**


### **Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлиги кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган тавсифий статистика**

	lnY	lnX <sub>1</sub>	lnX <sub>2</sub>	lnX <sub>3</sub>	lnX <sub>4</sub>
Mean	10.20349	7.795204	4.039165	6.973842	15.97575
Median	10.22251	7.676938	4.107844	7.053374	16.05580
Maximum	10.50430	8.462683	4.284517	8.113427	16.82136
Minimum	9.822874	7.332173	3.668677	5.906723	14.78705
Std. Dev.	0.250476	0.360373	0.218364	0.623802	0.579863
Skewness	-0.151999	0.637260	-0.341149	0.012554	-0.425896
Kurtosis	1.560983	2.227666	1.507874	2.030665	2.299564
Jarque-Bera	1.802655	1.850751	2.243309	0.783535	1.013467
Probability	0.406030	0.396383	0.325740	0.675861	0.602460

Sum	204.0698	155.9041	80.78330	139.4768	319.5150
Sum Sq. Dev.	1.192022	2.467505	0.905975	7.393452	6.388589
Observations	20	20	20	20	20

Жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum) қийматларини кўриш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) - стандарт четланиш коэффициенти ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилган.

Skewness – асимметрия коэффициенти бўлиб, у нолга тенг бўлса нормал тақсимот эканлиги ҳамда тақсимотнинг симметриклигини билдиради. Агар бу коэффициент 0 дан анча фарқ қиласа, у ҳолда тақсимот асимметрик ҳисобланади (яъни, симметрик эмас). Агар асимметрия коэффициенти 0 дан катта, яъни мусбат бўлса, у ҳолда ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги ўнг томонга сурилган бўлади. 0 дан кичик, яъни манфий бўлса, у ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги чап томонга сурилган бўлади. Барча омилларнинг нормал тақсимот функциялари графиклари қўйидаги 2.11-расмда келтирилган.



**2.11-расм. Омилларнинг нормал тақсимот функциялари графиклари**

2.11-расмдан шуни кўриш мумкинки, қўп омилли эконометрик моделга киритиладиган барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан.  $Y$ ,  $X_2$  ва  $X_4$  омилларнинг асимметрия коэффициентлари манфий қийматга эга бўлганлиги сабабли, уларнинг графикларида “чап дўми” “ўнг дўми” дан

узунроқ бўлиб, тақсимот функцияси графиги ўнг томонга силжиганини кўриш мумкин.  $X_1$  ва  $X_3$  омилларнинг асимметрия коэффициентлари мусбат қийматга эга бўлганлиги учун уларнинг графикларидағи “ўнг дўми” “чап дўми” дан узунроқ бўлиб, тақсимот функцияси графиги ўнг томонга силжиганини кўриш мумкин.

Ушбу сурилишлар асосан ўрганилаётган даврда Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлиги соҳасида омиллар динамикасидаги ўзгаришларни кўрсатади. Айрим йилларда баъзи омиллар кескин ортишга эга бўлган бўлса, айримларида ўзгаришлар сезиларли даражада бўлмаган. Умуман олганда, ўрганилаётган барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан.

Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлиги кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга омилларни танлаш учун улар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказиш лозим. Бунинг учун омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари ҳисобланади. Биз юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлиги кўрсаткичлари бўйича бир қатор корреляцион ва регрессион таҳлил ҳисоб-китоблар ўтказдик. Олинган натижалар бўйича бир қатор тестлар ўтказдик. Ўтказилган тестларга жавоб бермайдиган омилларни кўп омилли эконометрик моделга киритмасликка асос бўлди. Натижаларга асосланиб, Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлиги кўрсаткичлари бўйича кўп омилли эконометрик модель тузишда қуйидаги 2-жадвалда келтирилаётган натижавий омил ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи 4 та омилларни қолдирдик (Натижавий омил – аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ( $\ln Y$ ), ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган қиймат, млрд. сўм ( $\ln X_1$ ), аёл интернет фойдаланувчилари сони, % ( $\ln X_2$ ), тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш йўналишида, млн. сўм ( $X_3$ ), масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони, нафар ( $X_4$ )). Натижада кўп омилли эконометрик моделда қатнашадиган

омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрикаси қуйидаги 2.13-жадвалда көлтирилганды.

## 2.13-жадвал

### Омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрикаси

Probability	LNY	LNX1	LNX2	LNX3	LNX4
LNY	1.000000				
LNX1	0.901539	1.000000			
	15.83966	-----			
	0.0000	-----			
LNX2	0.982277	0.555256	1.000000		
	22.23419	1.002125	-----		
	0.0000	0.0754	-----		
LNX3	0.862392	0.596639	0.657867	1.000000	
	13.75126	1.154259	1.705974	-----	
	0.0015	0.0721	0.0816	-----	
LNX4	0.969185	0.406072	0.616435	0.628739	1.000000
	16.69225	0.085132	1.899241	1.514912	-----
	0.0000	0.2341	0.0834	0.0813	-----

Ушбу 2.13-жадвалдан күриш мумкинки, хусусий корреляция коэффициентлари - бу натижавий омил ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишлар зичлигини күрсатади. Демак, хусусий корреляция коэффициентлари натижавий омил – аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ( $\ln Y$ ) ва таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_i$ ) ўртасида турли хил боғланишлар мавжудлигини күрсатмоқда.

Демак, Ўзбекистон Республикасида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ( $\ln Y$ ) ва ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган қиймат ( $\ln X_1$ ) ўртасида боғланиш зичлиги 0,9015 га teng. Бу эса мазкур ўртасида зич боғланиш мавжудлигини күрсатади. Шунингдек, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ( $\ln Y$ ) билан аёл интернет фойдаланувчилари сони ( $\ln X_2$ ) ўртасида зич алоқа мавжуд экан, яъни улар ўртасидаги хусусий корреляция коэффициентининг қиймати 0,9823 teng экан. Бундан ташқари аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ( $\ln Y$ ) ва тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш йўналтирилган кредитлар ҳажми ( $\ln X_3$ ) ўртасида кучли алоқа мавжуд экан. Бунинг сабаби мазкур икки омил ўртасидаги

хусусий корреляция коэффициенти 0,8624 тенг экан. Шунингдек, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ( $\ln Y$ ) ва масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ( $\ln X_4$ ) ўртасида зич боғланиш мавжуд экан. Ушбу омиллар ўртасидаги хусусий корреляция коэффициенти 0,9692 га тенг.

Юқорида келтирилган 2.13-жадвалда жуфт корреляция коэффициентлари ҳам мавжуд бўлиб, улар таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_1$ ,  $\ln X_2$ ,  $\ln X_3$  ва  $\ln X_4$ ) ўртасида боғланиш зичликларини қўрсатади. Бу ерда энг муҳим ҳолат бўлиб, таъсир этувчи омиллар бир-бири билан зич боғланмаслиги керак. Яъни, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд бўлмаслиги лозим. Агар иккита таъсир этувчи омил ўртасида жуфт корреляция коэффициенти қиймати 0,7 дан катта бўлса, мультиколлинеарлик мавжуд дейилади. 2.13-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш зичликлари 0,7 дан катта эмас экан. Корреляцион матрицадаги жуфт корреляция коэффициентлари бўйича хулоса қиласиган бўлсак, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас экан.

Шунингдек, 2.13-жадвалда корреляция коэффициентларининг ишончлиги ва эҳтимоллигини аниқлаш бўйича коэффициентлар ҳисобланган (ҳисоблаган корреляция коэффициентларининг тагида жойлашган қаторлардаги қийматлар). Ҳар бир корреляция коэффициентининг пастки қисмида унинг Стыюдентнинг  $t$ -мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги келтирилган. Омиллар ўртасида ҳисобланган эҳтимоллик 0,05 дан катта бўлмаслик шарти қўйилади. Масалан, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ( $\ln Y$ ) ва аёл интернет фойдаланувчилари сони ( $\ln X_2$ ) ўртасида хусусий корреляция коэффициенти  $r_{Y,X_2} = 0,9823$ ,  $t = 22,2342$  ва  $prob.=0,0000$  га тенг. Бу эса мазкур икки омил ўртасида зич боғланиш борлигини, хусусий корреляция коэффициенти ишончли эканлиги ва 95 фоиз аниқликда икки омил ўртасида мусбат боғланиш мавжудлигини қўрсатади.

Жуфт корреляция коэффициенти бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аёл интернет фойдаланувчилари сони ( $\ln X_2$ ) ва тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш йўналтирилган кредитлар ( $\ln X_3$ ) ўртасида жуфт корреляция коэффициенти  $r_{\ln X_2, \ln X_3} = 0,6579$ ,  $t = 1,7059$  ва  $p_{\text{prob.}} = 0,0816$  га тенг. Бу ушбу икки омил ўртасида ўртача боғланиш мавжудлигини ҳамда жуфт корреляция коэффициенти ишончли эмас эканлигини кўрсатади.

Таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколленеарлик мавжуд эмаслигини текширишнинг яна битта усули - бу VIF (Variance Inflation Factors - мультиколлинеарлик самарасини) коэффициентларини хисоблашдир. Ҳар бир омил бўйича ҳисобланган VIF коэффициентлари қуидаги 2.14-жадвалда келтирилган.


## **2.14-жадвал**

### **Таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик самарасини ўлчаш**

Variable	Coefficient	Uncentered	Centered
	Variance	VIF	VIF
LNX1	0.003732	2955.038	5.987633
LNX2	0.021131	1495.406	2.447092
LNX3	0.000490	1312.442	2.356974
LNX4	0.005669	2183.694	3.547081
C	0.167308	2175.609	NA

Агар таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд бўлса, у ҳолда Centered  $VIF > 10$  бўлади. 2.14-жадвалдан кўриш мумкинки, барча таъсир этувчи омилларнинг VIF коэффициентлари 10 дан кичик. Демак, бу ҳам омиллар ўртасидаги корреляция таҳлили каби таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Юқорида айтилганларни текширишда, яъни омиллар ўртасида боғланиш зичликлари ва шаклларини аниқлашда ҳар бир омилнинг натижавий кўрсаткич ( $\ln Y$ ) билан боғлиқлигини аниқлаш учун уларнинг нуқтали графикларини кўриб чиқамиз (2.12-расм).



**2.12-расм. Ўзбекистон Республикасида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш шаклларининг кўриниши**

Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон Республикасида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ( $\ln Y$ ) бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга барча омилларни киритамиз.

Умумий ҳолда кўп омилли эконометрик модель қуидаги кўринишга эга:

$$y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 + \dots + a_n x_n + \varepsilon, \quad (3)$$

бу ерда  $y$  – натижавий омил,  $x_i$  – таъсир этувчи омиллар,  $\varepsilon$  – тасодифий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги(3) номаълум  $a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$  параметрларини аниqlашда "энг кичик квадратлар усули" қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар кўрсаткичлари бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделнинг номаълум параметрларини ҳисоблашда эконометрик

моделлаштириш дастури - EViews дастуридан фойдаланамиз. Ҳисоб-китоблар бўйича натижалар қўйидаги 2.15-жадвалда келтирилган.

## 2.15-жадвал

### Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель параметрлари

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNX1	0.116216	0.061092	1.902311	0.0765**
LNX2	0.761802	0.145365	5.240615	0.0001***
LNX3	0.006221	0.002143	2.902473	0.0038***
LNX4	0.083699	0.025292	3.309307	0.0016***
C	4.926739	0.409033	12.04484	0.0000***
R-squared	0.980646	Mean dependent var		10.20349
Adjusted R-squared	0.975485	S.D. dependent var		0.250476
S.E. of regression	0.039218	Akaike info criterion		-3.427055
Sum squared resid	0.023071	Schwarz criterion		-3.178122
Log likelihood	39.27055	Hannan-Quinn criter.		-3.378460
F-statistic	190.0074	Durbin-Watson stat		1.860385
Prob(F-statistic)	0.000000			

Юқоридаги 2.15-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар кўрсаткичлари бўйича кўп омилли эконометрик модельнинг аналитик кўринишда ифодалаймиз:

$$\ln \hat{Y} = 4,9267 + 0,1162 \ln X_1 + 0,7618 \ln X_2 + 0,0062 \ln X_3 + 0,0837 \ln X_4, \quad (4)$$

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель(4) шуни қўрсатадики, ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган қиймат ( $\ln X_1$ ) ўртacha бир фоизга ортса, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,1162 фоизга ортар экан. Аёл интернет фойдаланувчилари сони ( $\ln X_2$ ) ўртacha бир фоизга ортса, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,7618 фоизга ортар экан. Тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-куватлаш йўналтирилган кредитлар ( $\ln X_3$ ) нинг ўртacha бир фоизга ортиши, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сонини ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,0062 фоизга ортишига олиб келар экан. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони( $\ln X_4$ ) нинг ўртacha бир фоизга ортиши, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сонини ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,0837 фоизга ортишига олиб келар экан.

Ўзбекистон Республикасида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар кўрсаткичлари бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (4) сифатини текшириш учун детерминация коэффициентини текширамиз. Детерминация коэффициенти натижавий омил неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Ҳисобланган детерминация коэффициенти ( $R^2$  - R-squared (2.15-жадвал)) 0,9806 га teng. Бу эса республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сонининг ( $\ln Y$ ) 98,06 фоизи (4) кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатмоқда. Қолган 1,94 фоизи (100,0-98,06) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсири эканлигини кўрсатмоқда.

Республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони бўйича тузилган (4) кўп омилли эконометрик моделдаги омилларнинг стандарт хатоликларининг ҳам кичик қийматларни қабул қилганлиги ҳам моделнинг статистик аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

Республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони бўйича тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг (4) статистик аҳамиятлигини ёки ўрганилаётган жараёнга адекватлигини (мос келишини) текширишда Фишернинг  $F$ -мезони қўлланилади. Фишернинг ҳисобланган  $F$ -мезони қиймати унинг жадвалдаги қиймати билан таққосланади. Агар  $F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}}$  бўлса, у ҳолда кўп омилли эконометрик модель (4) статистик аҳамиятли дейилади ва ундан натижавий кўрсаткич – аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сонини ( $\ln Y$ ) келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади.

Демак, республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони бўйича тузилган (4) кўп омилли эконометрик моделнинг статистик аҳамиятлигини текшириш учун  $F$ -мезоннинг жадвал қийматини топамиз. Бунинг учун озодлик даражалари  $k_1 = m$  ва  $k_2 = n - m - 1$  ҳамда  $\alpha$  аҳамиятлик даражаси бўйича қийматларни ҳисоблаймиз. Аҳамиятлик даражаси  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражалари  $k_1 = 4$  ва  $k_2 = 20 - 4 - 1 = 15$  дан келиб

чиқиб,  $F$ -мезоннинг жадвал қиймати  $F_{жадвал} = 3,06$  га тенг.  $F$ -мезоннинг ҳисобланган қиймати  $F_{хисоб} = 190,0$  ва жадвал қиймати  $F_{жадвал} = 3,06$  га тенг эканлигидан келиб чиқиб ва  $F_{хисоб} > F_{жадвал}$  шарти бажарилғанлиги учун (4) кўп омилли эконометрик моделни статистик аҳамиятли дейиш мумкин ҳамда ундан республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сонини ( $\ln Y$ ) келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

Республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони бўйича тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг (4) ҳисобланган параметрлари ишончлилигини текширишда Стыюдентнинг  $t$ -мезонидан фойдаланилади. Стыюдент  $t$ -мезонининг ҳисобланган ( $t_{хисоб}$ ) ва жадвал ( $t_{жадвал}$ ) қийматларини таққослаб,  $H_0$  гипотезани қабул қиласиз ёки рад этамиз. Бунинг учун  $t$ -мезоннинг жадвал қийматини танланган ишончлилик эҳтимоли ( $\alpha$ ) ва озодлик даражаси ( $d.f. = n - m - 1$ ) шартлар асосида топамиз. Бу ерда  $n$  - кузатувлар сони,  $m$  - омиллар сони.

Ишончлилик эҳтимоли  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражаси  $d.f. = 20 - 4 - 1 = 15$  бўлганда,  $t$ -мезонинг жадвал қиймати  $t_{жадвал} = 2,1314$  га тенг.

Кўп омилли эконометрик модель тузиш бўйича олиб борилган ҳисоб-китоблардан шуни кўриш мумкинки, озод ҳад ва кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллар ( $\ln X_2, \ln X_3$  ва  $\ln X_4$ ) бўйича  $t$ -мезоннинг ҳисобланган қийматлари  $\alpha = 0,05$  аниқликда ва  $\ln X_1$  омилнинг эҳтимоллиги  $\alpha = 0,10$  аниқликда жадвал қийматидан катта эканлигини кўриш мумкин (2.15-жадвал). Бу эса барча омилларни ишончли эканлигини билдиради ва мазкур омилларга кўп омилли эконометрик моделда иштирок этишига имкон беради.

Республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (4) бўйича натижавий омил ( $\ln Y$ ) қолдиқларида автокорреляция мавжудлигини текшириш учун Дарбин-Уотсон ( $DW$ ) мезонидан фойдаланамиз.

Ҳисобланган  $DW$  қиймати жадвалдаги  $DW_L$  ва  $DW_U$  билан таққосланади. Агар  $DW_{хисоб} < DW_L$  дан кичик бўлса, натижавий омил қолдиқларида

автокорреляция мавжуд дейилади.  $DW_{\text{хисоб}} > DW_U$  дан катта бўлса, натижавий омилқолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас дейилади. Дарбин-Уотсон мезонининг пастки чегараси қиймати  $DW_L = 0,90$  га тенг ва юқори чегараси қиймати  $DW_U = 1,83$  га тенг.  $DW_{\text{хисоб}} = 1,8604$  га тенг. Демак,  $DW_{\text{хисоб}} > DW_U$  бўлгани учун натижавий омил (республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ( $\ln Y$ )) қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас экан.


Натижавий омил қолдиқларида автокорреляциянинг мавжуд эмаслиги ҳам юқорида келтирилган (4) қўп омилли эконометрик моделдан прогнозда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Бундан ташқари республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи икки омил бўйича ҳар бир кузатувлар автокорреляцион (AC) ва қисман автокорреляцион (PAC) таҳлилга текширилганда ҳам мультиколлениарлик аниқланмади (барча кузатувларда эҳтимоллик (prob)нолга тенг эканлигини кузатиш мумкин) (2.13-расм).

	Autocorrelation	Partial Correlation	AC	PAC	Q-Stat	Prob
1			1	0.883	0.883	18.036 0.000
2			2	0.752	-0.121	31.861 0.000
3			3	0.604	-0.153	41.298 0.000
4			4	0.449	-0.118	46.837 0.000
5			5	0.291	-0.113	49.327 0.000
6			6	0.139	-0.096	49.930 0.000
7			7	0.006	-0.038	49.932 0.000
8			8	-0.122	-0.116	50.477 0.000
9			9	-0.215	0.014	52.320 0.000
10			10	-0.299	-0.105	56.259 0.000
11			11	-0.368	-0.081	62.871 0.000
12			12	-0.423	-0.085	72.693 0.000

**2.13-расм. Натижавий қатор қолдиқлари даражаларини автокорреляция ва қисман автокорреляцияга текшириш**

(2) қўп омилли эконометрик моделнинг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) қўйидаги 2.14-расмда келтирилган.



**2.14-расм. Республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сонининг (Y) ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) графиги**

2.14-расмдан кўриш мумкинки (4) кўп омилли эконометрик модель бўйича республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сонининг ҳисобланган қийматлар графиги унинг ҳақиқий қийматлари графиги билан жуда яқин жойлашган, улар ўртасидаги фарқлар ҳам унчалик катта эмас. Бу эса (4) кўп омилли эконометрик моделдан республикада аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сонини келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкинлигини яна бир исботи ҳисобланади. Аммо бунда эконометрик қонуниятларга асосан прогноз йиллари қисқа даврни ташкил қиласди. 6-иловада эса Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субектлари кўрсаткичлари эконометрик моделлаштирилган ва 2028-йилгача прогноз қилинган.

Олинган хуносалар асосида бир қатор таклифлар илгари сурилган бўлиб, улардан келгусида мамлакатдаги аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирокини оширишни мақсад қилувчи чора-тадбирларни жорий қилишда фойдаланиш мумкин. Жумладан, тадбиркорликка қизиқиши бор аёлларни АКТ кўнилмаларини берувчи бепул курсларга жалб этиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, банк кредитларини олмоқчи бўлган аёлларга бизнес режа тузиш бўйича чуқур билимлар бериш, аёллар

тадбиркорлигини қўллаб-куватлаётган марказлар, бирлашмалар моддий-техник базасини яхшилаш кабилар.

Шунингдек, оммавий аҳборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали аёллар тадбиркорлиги учун яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш ҳам муваффақиятли тадбиркор аёллар салмоғи ошишига туртки беради. Айниқса камбағаллик чегарасида яшаётган ишламайдиган аёллар кичик бизнесга жалб қилиниши давлат даражасида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий аҳамиятга эга. Келгусида ижтимоий таъминотга тўлиқ суюниб қолган боқимандалик кайфиятидаги камбағал оиласлар кескин камайиши учун аёллар тадбиркорлигига қаратилган дастурларда ижтимоий таъминот олаётган аёлларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## **II боб бўйича қисқача хуносалар**

1. Мамлакатимизда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича кичик бизнеснинг улуши улкан ва барқарор. Тадбиркорлик фаолиятида аёллар улуши жадал ошаётганлиги турли статистик кўрсаткичлар орқали ҳам намоён бўлди. Ўзбекистон аёллар тадбиркорлиги фаол қўллаб-куватланаётган мамлакатлар қаторига киради. Ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил қилинганда Жizzах, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши ва аёлларнинг фирма эгалигидаги хиссаси бўйича энг илғор вилоятлар экани маълум бўлди. Аммо аёллар тадбиркорлигининг турли ҳил ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича вилоятлар турли микдор ва улуш кўрсаткичларини қайд этган. Расмий маълумотлар бўйича, республикамизда тадбиркор аёллар асосан чакана савдо, ҳунармандчилик ва майший хизмат соҳаларида фаолият юритади.

2. Тадқиқот доирасида қилинган анкета-сўровнома орқали бизга қуйидагилар маълум бўлди: Ўзбекистондаги тадбиркор аёллар асосан 19-35 ёш оралигига бўлиб, кўпинча қисқа муддат тадбиркорлик қиласди. Фаолият шакли норасмий, ЯТТ ёки оиласи тадбиркор, йўналиши эса савдо ва бошқа хизматлардир. Аёллар тадбиркорлик бошлишига сабаб қўшимча даромад ва

эркин график асосида ишлаш ҳохиши бўлиб, кўпчилиги ўзи ёки оиласи ёрдами билан иш бошлайди, шахсий хусусиятлардан таваккалчилик, бошқарувчилик ва етакчилик кабилар хосдир. Тадбиркор аёллар фикрича, тадбиркорлик бўйича кўрсатмалар ва молиявий саводхонлик етишмаслиги ва фаолиятни маблағ билан таъминлашдаги қийинчилик энг жиддий таъсир қилувчи муаммолар бўлиб, уларни ҳал қилишда тажрибали аёл тадбиркорлар билан алоқа ўрнатиш, ижтимоий тармоқларда реклама қилиш ва мобил илова орқали фаолиятни ривожлантириш катта ёрдам беради. Сўровнома натижаларидан яна шулар маълум бўлдики, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган аёллар бошланғич капиталнинг, бизнес юритиш кўникмаларининг ва тегишли жамоат ташкилотлари билан алоқанинг йўқлиги сабаб иш бошламаяптилар.

3. Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлиги кўрсаткичлари бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатдики, ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган қиймат ўртacha бир фоизга ортса, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ўртacha 0,1162 фоизга ортар экан. Аёл интернет фойдаланувчилари сони ўртacha бир фоизга ортса, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ўртacha 0,7618 фоизга ортар экан. Тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш йўналтирилган кредитларнинг ўртacha бир фоизга ортиши, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сонини ўртacha 0,0062 фоизга ортишига олиб келар экан. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўртacha бир фоизга ортиши, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сонини ўртacha 0,0837 фоизга ортишига олиб келар экан.

## **III БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар фаоллигини оширишнинг зарурй чора-тадбирлар тизими**


Тадқиқот давомида мамлакатда аёллар тадбиркорлиги учун яратилган шароит, жамиятдаги ижобий ўзгаришлар ва қулай тадбиркорлик муҳити яратилаётганига қарамай, ҳали ҳам тадбиркор аёллар етарли даражада фаол эмас ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг маълум бир қисми бошланғич нүктада фаолиятини тўхтатишини кузатдик. Демак, аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятида учраётган муаммоларни ҳал қилиш учун аввал уларни тўлиқ ўрганиб чиқиши зарур. 1 бобда олимлар қайд этган муаммоларни ёритган бўлсак, энди мамлакатда тадқиқот доирамизда ўрганиб чиқилган ва илмий асосланган муаммолар ва ечимларга тўхталамиз.

Ўрганишлар асосида айтиш мумкинки, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг асосий муаммолари қуидагилардир:

- 1) аёллар тадбиркорлиги тушунчасининг ягона таърифи йўқлиги;
- 2) аёллар тадбиркорлигининг иқтисодиётга қўшган ҳиссасини баҳолаш учун гендер бўйича ажратилган маълумотларнинг йўқлиги;
- 3) етарли даражада ривожланмаган бизнес инфратузилмаси;
- 4) хотин-қизларнинг тадбиркорлик қилиш ва молиявий ҳизматлардан фойдаланиш кўникмаларининг етарли даражада эмаслиги;
- 5) кичик бизнес сиёсатини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун расмий мувофиқлаштирувчи платформанинг йўқлиги;
- 6) тадбиркор аёлларни давлат томонидан қўшилган қиймат занжирига киришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларининг етишмаслиги;
- 7) аёллар тадбиркорлиги учун давлат томонидан жорий қилинган имтиёзларда ижтимоий ёндашувнинг устунлиги ва бошқалар.

Шу асосида мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларнинг куйидаги гурухлардан иборат тавсиявий дастури ишлаб чиқилди:

1. Тадбиркорликка оид қонунчилик базасини такомиллаштириш ва тартибга солиш чораларини оптималлаштириш;
2. Банк-молия инфратузилмасини такомиллаштириш ва тадбиркор аёлларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
3. Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик маданиятини тарғиб қилиш ва тадбиркор аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириш.



### 3.1-расм. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг мавжуд муаммолари ва зарурӣ чора-тадбирлар тизими<sup>104</sup>

<sup>104</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

3.1-расмда санаб ўтилган зарурий чора-тадбирлар қуйида санаб ўтилган бир қатор таркибий вазифаларни ўз ичига олади.

*§1. Тадбиркорликка оид қонунчилик базасини такомиллаштириши ва тартибга солиши чораларини оптималлаштириши.* Республикализнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш мамлакатнинг аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун муҳим қадам ҳисобланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши зарур:

- аёллар тадбиркорлигининг ягона таърифини қабул қилиш йўли билан гендер иқтисодиёти вазифаларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш;
- электрон ҳукумат ва давлат хизматларини кўрсатиш тизимида, шу жумладан Адлия вазирлигининг юридик шахслар реестрларида алоҳида қисмларга ажратилган статистикани жорий этиш;
- тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашни баҳолаш ва мониторинг қилиш учун алоҳида мезонларни аниқлаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиши;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари соҳасига худуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тадбиркор аёллар учун маҳсус қаратилган “давлат буюртмалар портфеллари”ни шакллантиришни назарда тутувчи ўзгартиришларни киритиши;
- банк тизимини тартибга солувчи қонунчиликда тадбиркор аёллар учун шартномавий молиялаштириш, дебиторлик қарздорлиги каби муқобил таъминот шаклларини киритиши, молиявий маҳсулотлар ва гаровсиз кредитлаш воситаларининг янги турларини жорий этиши, экспорт кредитларига хизмат кўрсатиш соҳаларига тааллукли ўзгартиришлар киритиши;

- молиялаштириш манбаларини кенгайтириш учун венчур фондлари, краудфандинг, Р2Р платформалари, чекланган шериклик институтларини ташкил этиш соҳасидаги қонун хужжатларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг гендер бўйича таъсирини таҳлил қилишни яъни гендер мейнстримингини жорий қилиш;

*§2. Банк-молия инфратузилмасини такомиллаштириши ва тадбиркор аёлларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиши имкониятларини кенгайтириши.* Лойиҳаларни кредитлаш, янги банк хизматларини яратиш ва гаров таъминотининг муқобил турларини ривожлантириш бўйича молия институтлари ва жамғармаларнинг фаолиятини такомиллаштириш аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришни асосий устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати учун муҳим йўналиш ҳисобланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Миллий банки билан биргаликда қўйидаги йўналишлар ва вазифалар бўйича ишларни жадаллаштириши зарур:

- кредит бюролари, тўлов тизимлари ва банқдан ташқари молия институтлари (сугурта, лизинг компаниялари ва бошқалар) томонидан тақдим этиладиган молиявий маблағлардан фойдаланиш соҳасида гендерга ажратилган статистикани тўплаш тизимини яратиш ва гендерга асосланган статистикани ривожлантириш орқали аёллар тадбиркорлигини молиялаштириш мониторингини амалга ошириш;
- аёлларнинг бизнес стартаплари учун молия институтлари томонидан маҳсус дастурларни жорий этиш орқали номолиявий хизматларни ривожлантиришни рағбатлантириш;
- банк хизматларини кўрсатишда ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш;
- кичик тадбиркорликда экспортни кредитлаш ва рискни сугурталаш инструментларини яратиш;

- кичик корхоналарни асосий фондлар (бинолар, иншоотлар) билан таъминлаш, шунингдек тугалланмаган қурилиш обектларини сотиб олиш учун “Бизнес-ипотека” механизмини жорий этиш;
- ҳар йили вилоятлар бўйича “аёллар бизнесига хизмат қўрсатиш бўйича энг яхши молия институти” маҳсус танловни йўлга қўйиш;
- аёллар тадбиркорлигини молиялаштириш учун имтиёзли давлат ресурсларини олишда молия институтлари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш;
- аёллар тадбиркорлигини молиялаштиришнинг маҳсус кредит линиялари сифатида донорлик маблағларини жалб қилиш.

*§3. Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириши ва тадбиркорлик маданиятини тарғиб қилиши ва тадбиркор аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириши.* Аёллар ўртасида тадбиркорликни оммалаштириш, бизнес лойихаларини молиявий режалаштириш асосларини ўргатиш, малакасини ошириш, шунингдек, тадбиркор аёллардаги психологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида хукумат қуидаги ташабbusларни қўллаб-қувватланиши даркор:

- ахборот-коммуникация технологиялари орқали менторлик (мураббийлик)ни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- қонунчилик, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа зарурий йўналишларда кичик тадбиркорлик субектларини номолиявий қўллаб-қувватлаш (бепул онлайн маслаҳат хизмати, ишонч телефонлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) тизимини шакллантириш;
- ўқув, консультатив ва психологик кўмак қўрсатиш;
- муваффақиятли аёллар билан бизнес мулоқотлар ташкил қилиш ва тажриба алмашиш учун мўлжалланган платформа яратиш;
- оммавий ахборот воситаларида кичик бизнесда аёллар иштироки тенденциларини ёритиш;

- аёллар тадбиркорлигининг ижобий образларини мунтазам равишда тарғиб қилиш ва тадбиркор аёлларнинг давлат ва жамият ривожига қўшган ҳиссасини намойиш этиш;
- рўйхатдан ўтказиш ва назорат қилиш, солик солиш, кредитлаш, консалтинг масалалари, кичик бизнес билан ишлайдиган тузилмалар ва ташкилотлар ва айниқса аёллар тадбиркорлиги учун маҳсус ташкил қилинган инфратузилмалар тўғрисида маълумотнома яратиб бориш ва тарқатиш;
- республика бўйича тадбиркор аёллар учун бепул ИТ-тадбирлар, семинарлар, воркшоплар ва хакатонларни ташкил этиш учун биноларни бепул ёки имтиёзли асосда тақдим этиш;
- онлайн маълумотлар базасини доимий тўлдириб бориш орқали, бизнесга таалуқли маълумотлардан ўзаро фойдаланиш шаффошлиги ва тезкорлигини таъминлаш;
- аёллар бизнес уюшмаларини ривожлантириш ва уларнинг эксперт-таҳлилий салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича интерактив марказларни ташкил этиш.

Юқорида батафсил ёритилган тавсиявий давлат дастури, шунингдек, аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда қўйидаги учта ҳозирда эътибордан четда қолаётган йўналишларда чора-тадбирларни амалга оширишни ҳам назарда тутиши зарур:

- 1) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган, аёл киши раҳбарлигига иш бошлаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш;
- 2) аёллар раҳбарлик қилаётган корхоналарни диверсификация қилиш ва модернизация қилиш учун ёрдам қўрсатиш;
- 3) аёллар раҳбарлик қилаётган кичик корхоналарни экспортга йўналтирилганлигини рағбатлантириш.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар ва чора-тадбирларнинг амалга оширилиши қўйидаги натижаларга олиб келади:

- 1) бизнес ассоциациялари ва бошқа уюшган гурӯҳлар фаолиятига жалб қилинган аёллар сони ва ушбу нодавлат ташкилотларнинг қатор хизматларидан фойдаланиш даражаси ортиши;
- 2) аёллар тадбиркорлиги учун етарли даражада ресурслар ва маълумотларга эга бўлган экотизимни ривожлантириш таъминлаш;
- 3) аёлларнинг молиялаштириш манбааларидан фойдаланиш имкониятини чеклайдиган, ҳам банк ҳам тадбиркорлик субъекти томонида учраётган тўсиқларни бартараф этиш;
- 4) гаров таъминотининг муқобил турларини жорий этиш;
- 5) аёлларнинг молиявий саводхонлигини, ишбилармонлик кўникмаларини ва тадбиркорлигини комплекс қўллаб-куватлаш;
- 6) аёлларнинг иқтисодий қарамлик даражасини пасайтириш, гендер дискриминациясини бартараф этиш имкон беради.

Маълумки, тадбиркорликнинг ҳар қандай тури бир қатор ҳаётий босқичларни босиб ўтади: оёққа туриш, ўсиш, комиллик, пастга тушиш. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни жорий қилишда албатта бу циклни ҳисобга олиш зарур. 1- оёққа туриш босқичи ғоянинг юзага келиши, фаолиятни бошланиши ва расмийлаштирилиши, шунингдек, дастлабки товар ёки хизматларни сотилиши, товар айланмаси юзага келишини ўз ичига олади. 2-босқич эса ўсиш босқичи бўлиб, фаолият интенсив/жадал ривожланишини назарда тутади.

Дастлабки бу икки фаза тадбиркорлик фаолиятини инқирозга юз тутмаслигига муҳим бўлиб, айнан шу босқичларда фаолият ўсиб боради ва бошқа ташкилий-хуқуқий шаклларга ўтиши мумкин. Шу сабабли бизнес оёққа туроётганда ва ўсаётганда энг кўп ташки ёрдамларга муҳтоҷ бўлади. Бу эҳтиёж аёллар тадбиркорлигига яққол намоён бўлади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг ҳажм жихатдан кенгайиши ва барқарорликка эришишида ҳам айнан шу поғона муҳим аҳамият касб этади. Мазкур

тадқиқотда айнан биринчи фазадаги аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятига урғу берилган.

Бу босқичдаги аёллар тадбиркорлигининг турли ташкилий-хуқуқий шаклларида зарур бўлган чора-тадбирлар 3.1-жадвалда келтирилган.

### 3.1-жадвал

#### **Дастлабки ҳаётий босқичдаги аёллар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлашда турли ташкилий-хуқуқий шакллар бўйича зарурий чора-тадбирлар<sup>105</sup>**

Ташкилий-хуқуқий шакл	Давлат қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари		
	солик	кредит	бошқалар
Ўз-ўзини банд қилиш	Дастлабки йил учун соликдан озод қилиш	Паст фоиз ставкали маҳсус таклиф	Онлайн инфратузилма
ЯТТ	Дастлабки йил учун соликларни 50%га тушириш	Фоиз ставкаларини субсидиялаш	Бизнесни ривожлантириш бўйича доимий консультация
МЧЖ	Дастлабки йил учун соликларни 50%га тушириш	Фоиз ставкаларини пасайтириш	Информатив дастаклар орқали қўллаб-кувватлаш
АЖ	Соликка тортиш воситалари орқали аҳолининг акцияга эга бўлишини рағбатлантириш	Фоиз ставкаларини пасайтириш	Аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириб акциядорликни тарғиб қилиш

3.1-жадвалда Ўз-ўзини банд қилганлар ҳам қамраб олинди. Улар қонунчиликка кўра кичик тадбиркорлик субъекти бўлмасалар ҳам, мазкур фаолият муваффақиятли кенгайиб бориши уларнинг кейинчалик хуқуқий жиҳатдан тадбиркорга айланишига асос бўлади. Яъни ўз-ўзини банд қилганлар потенциал тадбиркорлардир. Чора-тадбирлар акс этган жадвалдан кўриниб турибдики, аёллар тадбиркорлиги барча ташкилий-хуқуқий шакллар бўйича турли ҳил чора-тадбирлар орқали қўллаб-кувватланишга эҳтиёжи мавжуд бўлади. Айниқса, молиявий дастаклар ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Фаолиятни маблағ билан таъминлаш ва молиявий етишмовчиликни олдини олиш аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг

<sup>105</sup> Муаллиф ишланмаси

асосий омили экани, тадқиқот доирасида ўтказилган анкета сўровномаси орқали ҳам исботланган. Анкета тўлдирган 102та респондент аёллар тадбиркорлик фаолиятига уни молиялаштиришдаги муаммолар жуда катта таъсир қиласи деб ҳисоблайди ва вариантлар ичидаги молиялаштириш энг жиддий таъсирли омил дея баҳоланган. Бизнесни моддий қўллаб қувватлаш нафақат давлатнинг солиқ ва пул-кредит сиёсати билан, балки молиялаштиришнинг мамлакатдан ташқаридаги янги манбааларини ҳаракатга келтириш билан ҳам амалга ошиши мумкин. Бироқ тадбиркор аёллар тўғридан тўғри хориждан маблағ жалб қила олмагани сабабли бунда ҳам ҳукумат ёрдам берган ҳолда лойиҳалар ташкил қилиши ва халқаро ташкилотларнинг грантларида иштирок этишда тадбиркорларга кўмаклашиши зарур.


### **3.2. Мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш**

Эндиликда Ўзбекистондаги аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш механизмини батафсил ўрганиб, ундаги камчиликларни аниқлаб, истиқболда ижобий натижаларга эришиш учун мазкур механизмни такомиллаштириш йўлларини тақдим этишни лозим топдик.

Ўзбекистон давлати нисбатан ёш мамлакатлардаги каби аксарият ислоҳотларда доминант сифатида намоён бўлади. Жумладан, мамлакатдаги аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва тадбиркорликка жалб қилиш ҳам ҳукуматнинг эътибори орқали ривожланишга қодир бўлган истиқболли йўналишдир. Бу борада юртимизда ўзига хос тажриба мавжуд бўлиб, йиллар давомида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда давлатнинг муҳим иштирокини ифодаловчи механизм шаклланган.

Умуман олганда, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда давлат иштирокининг асосий мақсади кичик бизнесда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашувчи ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, техник-технологик ва инновацион шарт-шароитларни шакллантириш бўлиб, бу ўз

навбатида мазкур ҳудуддаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва аҳоли фароволигини оширишга ёрдам беради. Ўзбекистон ҳолатида давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳозирда шаклланган механизми қўйидаги 3.2-расмда батафсил ифодаланган.



### 3.2-расм. Ўзбекистонда давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизми<sup>106</sup>

Мазкур механизм КБХТда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат сиёсатини ишлаб чиқади, бу борадаги устувор йўналишларни белгилайди ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга оширади. Иқтисодчи олим А.Ю. Чаленко таъкидлаганидек, жараёнсиз механизм мавжуд бўлмайди, яъни механизм фақат жараённинг вазифаларини бажариш учун юзага келтирилади<sup>107</sup>.

Ўзбекистонда давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизмидан ўрин олган услубларга тўхталиб ўтсак, уларнинг бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишини айтиш мумкин. Асосий услублар эса

<sup>106</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>107</sup> Чаленко А.Ю. О неопределенности термина «механизм» в экономических исследованиях // Капитал страны. – 2010. – 25 марта. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.kapital-rus.ru/articles/article/176697>

маъмурий, молиявий ва солиқ сиёсати орқали бўлади. Табиийки давлат кўпроқ иқтисодий услубларга, яъни молиялаштириш ва кредитлашга устуворлик беради. Иқтисодчи олим У.В.Фафуров ҳам докторлик диссертация ишида КБХТни ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг энг кенг тарқалган турлари сифатида имтиёзли кредитлар ва субсидиялар билан таъминлаш, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, солиқ имтиёзлари белгилаш кабиларни келтириб ўтади<sup>108</sup>. Ўзбекистонда амалда жорий қилинган аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш методларига 2.1-параграфда бир қатор мисоллар келтирилган.

Аслида ҳам, олимлар исботлаганидек, аёллар молиялаштириш манбааларига нисбатан қийинчилик билан эришишларини инобатга олсак, бу ёндашувнинг ҳозирги ҳолатда мақбул ечим эканлигини айтиш мумкин. Молиялаштириш услубининг дастакларидан энг кенг тарқалгани субсидиялаш бўлиб, асосан, кам таъминланган, ишсиз ёки ногиронлиги бор хотин-қизлар учун тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш каби йўналишларга қаратилган. Ундан ташқари, инновацион тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш учун грантлар ажратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган темир дафтарга тушган аёллар учун устувор йўналишларга кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш, лизингни ривожлантириш, бизнес-инкубаторлар, технопарклар яратиш ва қўллаб-қувватлаш ва бошқалар ҳам мамлакатимизда қўлланилаётган аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш услубларига киради.

Шунга алоҳида тўхталиб ўтишимиз зарурки, Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи кўплаб институционал бирликлар мавжуд. Хусусан, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, Хотин-

---

<sup>108</sup> Фофуров У.В. “Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини тақомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасни олиш учун диссертацияси. Тошкент, 2016, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. Б.53.

қизлар тадбиркорлик марказлари каби ташкилий тузилма элементлари сўнгги йилларда жадал такомиллашиб бормоқда. Мазкур тизим таркибига кирувчи ташкилий тузилмалар 3.3-расмда санаб ўтилган.



### **3.3-расм. Ўзбекистондаги аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи тузилмалар<sup>109</sup>**

Расмда санаб ўтилган давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан тадбиркор аёлларга ташкилий, ижтимоий-хукукий, молиявий, психологик ва бошқа турдаги кўмаклашишлар бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижрога қаратилмоқда.

Бизнингча, ҳозирги аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш механизмининг қуидаги такомиллашириш зарур бўлган жиҳатлари мавжуд:

Биринчидан, Ўзбекистондаги аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи тузилмалар таркибида давлат ва нодавлат ташкилотлар, бирлашмалар, агентлик кабилар мавжуд. Аммо ўз-ўзини тартибга солувчи тузилма функционал жиҳатдан тўлақонли ишламаяпти. Ҳозирда дунё мамлакатларида хусусий ташабbusлар орқали тузилаётган маълум бир

<sup>109</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ижтимоий мақсадни олдига қўйган ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар катта муваффақият қозонмоқда. Ўзбекистонда ҳам бир қатор шу каби тузилмалар мавжуд. Масалан, “Тадбиркор аёл” ишбилиармон аёллар ассоциацияси, “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” кабиларни санаб ўтиш мумкин. Ушбу ташкилотларни ташкил этишда тадбиркор аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқув-семинарлар ўtkазиш, тадбиркор аёллар йиғилишларини ташкил этиш ва ўtkазиш, мамлакатда тадбиркор аёлларнинг ижобий имиджини шакллантириш, шунингдек, давлат миқёсида тадбиркор аёллар манфаатларини ифодалаш каби мақсадлар қўйилган. Шунга қарамай, улар ўз функцияларини тўлиқ бажармаяпдилар, чунки улар ўrtасида умумий мақсадга эришишга қаратилган алоқа ва ўзаро уйғунлик деярли йўқ. Демак, аёллар раҳбарлигидаги кичик бизнес субъектларининг ўзини ўзи тартибга солиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим шарт бўлиб, бу нафақат бизнес учун, балки давлат учун ҳам манфаатлидир. Сабаби бу тизим ишлаб кетиши натижасида давлатнинг тармоқ назорати бўйича баъзи масъулиятларини ва ваколатларини хусусий ташабbusларга, яъни тадбиркорлик субъектларига ўtkазилиши мумкин.

Иккинчидан, давлатнинг кичик бизнес субъектларини назорат қилувчи тузилмаларининг меёридан ортиклиги, шунингдек, иккиласми функцияси аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўлган давлат идораларининг кўплиги. Давлатнинг бизнес субъектларини назорат қилувчи кўплаб тузилмалари фаолиятини қайта кўриб чиқиб, КБХТни назорат қилишни комплекс ёндашувчи тор доирадаги тузилмалар ваколати сифатида жорий қилиш зарур. Иккиласми функцияси аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўлган давлат идоралари эса бу масалага етарлича эътибор қилолмаслигини ҳисобга олиш зарур. Чунки ҳар қандай йўналишда юклатилган вазифаларга масъул ташкилотнинг аниқлиги ва кам сонлилиги уларнинг янада чуқур ва масъулият билан вазифа бажаришини таъминлайди. Бу муаммони ҳал қилишда юқорида айтилган аёллар тадбиркорлиги бўйича ўз-ўзини назорат қилувчи тузилмани қайта кўриб чиқиб, комплекс тарзда

жорий қилиниши муаммоларни ҳал этишда давлат томонидан кўмакка муҳтожликни камайтиради.

Учинчидан, Ўзбекистонда давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш механизми таркибидаги дастакларнинг самарадорлигини баҳолаш назарда тутилмаган, субсидия ёки имтиёзли кредит каби дастаклар олдиндан белгиланган қамров бўйича марказий буйруқ асосида анализ қилинмасдан жорий этилади. Шу ўринда имтиёзларни ўринли жорий қилишнинг аҳамиятини ҳам айтиб ўтиш зарур. Иқтисодиётда “Текинга ҳеч нарса йўқ”(No free lunch) деган ғоя бўлиб, у қайсиdir нарсага имтиёз бериш, бошқа бир нарсанинг қийинлашишига, ёки ниманидир субсидиялаб арzonлаштириш бошқа бирликни нархини қимматлашишига олиб келади. Имтиёзли кредитлар сиёсати эса ҳамма учун пулни нархини қиммат қилиб қўйиши мумкин, яъни муҳтож қатламга кредит беришни рағбатлантириш ва уларнинг бир қисмини давлат субсидияси хисобидан қопланишининг оғирлиги аслида бутун аҳолига, жумладан нарх-наво ўзгаришларига сезгир бўлган паст даромадлиларга бориб тақалади. Шунингдек, кредит беришга давлат аралашуви молия институтларининг ҳар бир кредит бўйича рискларни баҳолаш натижасида эмас, маълум бир дастур асосида қарор қабул қилишига ва натижада маблағларнинг самарали фойдаланилмай, давлат ҳам кредитор ҳам заар қилишига олиб келиши мумкин. Демак, давлатнинг имтиёз сиёсати чуқур ўйлаб, хисоб-китоб қилинган ҳолда эҳтиёткорлик билан жорий қилишни талаб этади.

Аввал айтганимиздек, мамлакат иқтисодиётида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар доимо маълум миқдорда қўллаб-куватлашга муҳтож бўлади. Бу қўллаб-куватлаш нафақат давлат балки нодавлат ташкилотлар ёки бирлашмалар томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш механизмининг ҳозирги ҳолатини 1.7-расмда кўриб чиқдик. Мазкур меҳанизмдаги биз такомиллаштироқчи бўлган қисми ўзини ўзи тартибга солувчи бўғинларни фаолиятини такомиллаштириш ва давлат

назорати билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаштиришдир. Бу ислоҳот децентрализация принципининг бир кўринишини ҳам ифодалайди.

Аслида ўзини ўзи тартибга солувчи бўғинлар ўзига хос ривожланиш динамикасига ва юқори самарадорликка эга бўлиб, ўзини ўзи тартибга солувчи тизимнинг ўз ўрнида жорий қилиниши, тадбиркорликни қўллаб қувватловчи умумий механизмнинг янада яхши натижа беришига кўмаклашади.

Бизнингча, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда давлат ва ўзини ўзи тартибга солувчи тизим ўртасида ўзаро яқин алоқа ўрнатилиши керак. Умумий механизм тамойиллар, ресурслар, услублар ва дастаклар каби элементлардан иборатлигини ҳисобга олсак, давлат тартибга солиши ва ўзини ўзи тартибга солиш тизимида улар умумий ва фарқли элементларга бўлиниши мумкин(3.4-расм).

ДАВЛАТ ТАРТИБГА СОЛИШИ	ўзаро таъсир	ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ(ЎТС)
maxsus	урумий ТАМОЙИЛ	maxsus
<b>Гендер тенглигини таъминлаш;</b> Ваколатларнинг чекланганлиги; Масъулиятлилик;		
Самарали қўллаб-куватлаш Очиқлик	Долзарблик Ташаббускорлик Ижтимоий масъуллик Мустақиллик Ўз-ўзини назорат қилиш	
<b>РЕСУРС</b>		
Табиий-ҳомашё; Илмий-техник	Ишлаб чиқариш; Мехнат р; Молиявий	Информацион
<b>УСЛУБ</b>		
Маъмурий Солик	Молиявий; Кредитлаш Сугурталаш	Ташкилий;
<b>ДАСТАКЛАР</b>		
Субсидия, субвения; Грант; Имтиёзли кредит; Лизинг; Давлат харидлари	Акция Фючерс Сугурта риски	Компенсация фонди Ташкилий қоидалар ва нормативлар Информатив дастаклар

**3.4-расм. КБХТда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлашнинг давлат ва ўзини ўзи тартибга солувчи тизим ўртасидаги ҳамкорлик схемаси<sup>110</sup>**

<sup>110</sup> Муаллиф ишланмаси

3.4-расмда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг давлат тартибга солиши ва ўзини ўзи тартибга солиш тизимлари ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар келтирилган.

Россиялик олим айтганидек, ўзини ўзи тартибга солиш деганда бир гурух тадбиркор ёки мутахассис томонидан амалга оширилган мустақил ва ташаббускор фаолият тушунилади<sup>111</sup>. Иқтисодиётда ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар кўпинча ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш)нинг маълум бир йўналишида бирлашган тадбиркорлар томонидан тузилади. Бундай бирликлар вужудга келишининг асосий ғояси – бу тадбиркорлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича муайян функцияларни давлатдан бозор иштирокчиларига ўтказишидир. Натижада, жаҳонда кузатилаётганидек, бюджет харажатлари камаяди ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш каби баъзи ташкилий оворагарчиликлар оптималлашади ёки босқичма-босқич бекор қилинади.

Эндиликда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда ўзини ўзи тартибга солиш тизимиning аҳамиятига ва таркибий элементларига батафсил тўхталиб ўтамиз. Аввал кўриб чиққанимиздек давлат аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда гендер тенглигини таъминлаш, ваколатларнинг чекланганлиги, масъулиятилик, самарали қўллаб-қувватлаш(бунда минимал сарф эмас оптимал сарфлаш самарадорликни таъминлашини айтиб ўтиш зарур) ва очиқлик тамойилларига амал қиласи. Фикримизча, самарали қўллаб-қувватлаш ва очиқлик тамойиллари ўзини ўзи тартибга солишга ҳам тегишли бўлиб, бундан ташқари, тадбиркорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришга асос бўлувчи ташаббускорлик, ижтимоий масъуллик, мустақиллик ва ўз-ўзини назорат қилиш тамойилларини ҳам хос тамойиллар сифатида киритиш мумкин. Ўзини ўзи тартибга солишка долзарблик принципи унинг замонавий бозор талабларига жавоб берса олишини билдиради. Ташаббускорлик тамойили эса тадбиркор аёлларни тегишли

---

<sup>111</sup> Мартенс Анна Андреевна. Перспективы развития саморегулирования на финансовом рынке России. Журнал “Проблемы учета и финансов” 2015

нотижорат ташкилотларга ўз ташаббуслари билан мурожаат қилиш имконияти мавжудлигини англатади. Шунингдек, ўзини ўзи тартибга солиш жамият олдида масъуллик билан бирга давлатдан мустақиллик ва ўзини-ўзи назорат қилиш тамойилларига ҳам амал қилишини белгилаб қўйиш зарур.

Ресурслар бўйича ҳам давлат тартибга солиши ва ўз-ўзини тартибга солиш умумий ва хусусий ресурсларга эга. Бунда ўзини ўзи тартибга солиш тизими информацион ресурсларга эгалиги билан ажралиб туради. Мазкур тизим турли ҳил интернет сайтлари ёки блоглар яратиш, аёллар раҳбарлигидаги кичик бизнесни ривожлантириш бўйича ўз газета ва журналларини чоп этиш ва ҳоказолар орқали тадбиркор аёлларни ахборот билан таъминлаш тизимини самарали ташкил эта олади. Ҳозирги ахборот иқтисодиёти даврида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, айниқса хотин-қизларда молиявий ва хуқуқий онгни ўстириш долзарблиги ўз-ўзини тартибга солишга заруратни янада оширади. Шунингдек, ишлаб чиқариш ресурслари, меҳнат ресурслари ва молиявий ресурсларни ҳар икки механизм орқали тасарруф қилишга teng имконият мавжуд.

Ўз-ўзини тартибга солища қўлланиладиган методларнинг давлат томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда қўлланиладиган методлардан асосий фарқи ташкилий метод мавжудлигига бўлиб, у асосан кичик бизнес субъектларининг хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлаш, ташкилотларда бизнес жараёнларини тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ташкилий алоқаларни ўрнатишга кўмаклашади. Мазкур усулнинг дастаклари ўзини-ўзи тартибга солувчи ташкилотларга аъзолик, аъзоларнинг жавобгарликлари, ўзаро муносабатлар тартиби каби ташкилий регламентларни ишлаб чиқиш бўлиши мумкин. Умумий методлардан молиявий метод асосан давлатнинг банк-молия тизими орқали қўлланилади, шу билан бирга нодавлат тузилмалар ҳам аёллар тадбиркорлигини молиялаштиришда кўмаклашишни йўлга қўйиши мумкин. Бунда турли ҳил инструментлардан фойдаланилади. Масалан, Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар қонун хужжатларига мувофиқ хусусий ва

жамоавий сугурта тизимларини яратиш, шунингдек, бизнес юритиш билан боғлиқ таваккалчиликни сезиларли даражада камайтирадиган компенсация фондини шакллантириш имкониятларини айтиш мумкин. Бу каби фондлар айниқса инновациялар жорий қилаётган тадбиркорлик субъектларига қўл келиб, молиявий рискларни камайтиради ва натижада инновацион фаолият ривожланишига туртки бўлади. Акция, фючерс каби ҳам давлат ҳам ўз-ўзини тартибга соловчи ташкилотлар қўллаши мумкин бўлган дастаклар бизнесга молиявий ресурсларни жалб қилишга ҳамда фаолият жадаллашишига кўмаклашади.

Ўзбекистонда ўзини ўзи тартибга соловчи ташкилотлар тузишнинг баъзи бир жиҳатлари қонунчиликда мавжуд бўлиб, улар асосан нотижорат ташкилотлар тузиш ҳақидаги қонунларда акс этган. Фуқаролик кодекси ва “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун<sup>112</sup> бу масаладаги фундаментал қонунчиликка мисол бўлади. 1999 йилда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ЎзР қонуни<sup>113</sup> нотижорат ташкилотларининг ташкилий-хукуқий шаклларини, жумладан ўзини ўзи тартибга соловчи ташкилотларни ташкил этиш тартибини белгилаган бўлса, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун эса ННТлар фаолиятининг кафолатлари, уларнинг хукуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган. Афсуски, мавжуд қонунчилик ЎТС тизимини тўлақонли ривожлантиришини таъминлай олмайди. Ҳозирда бу борада алоҳида қонунга эҳтиёж мавжуд.

Шундай қилиб, кичик бизнесда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда ўз ўзини тартибга солиш тизимининг аҳамияти очиб берилди ва мазкур тизимнинг давлат тартибга соловчи тизими билан узвий алоқаси таҳлил қилинди. Энди эса мамлақатимизда бир неча йилдан бери фаолият юритаётган аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда ўз ўзини тартибга солиш тизими элементи сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган Хотин-қизлар

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.02.1991 йилдаги 223-XII-сон

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.04.1999 йилдаги 763-I-сон

тадбиркорлик марказларининг ишлаш механизми ва эришаётган натижалари, шунингдек, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларга тўхталиб ўтиш лозим.

### **3.3. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ўрнини ошириш йўллари**

Ўзбекистонда мамлакат сиёсатида ижтимоий ёндашув мавжуд бўлиб, бунинг натижасида кўплаб тоифаларни, жумладан, тадбиркор аёллар учун ҳам давлат қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд. Мазкур механизмда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёлларга амалий ёрдам берувчи хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг ўрни катта. Жаҳон тажрибасида ҳам аёллар бизнес марказлари (Women’s Business Centers – WBCs) ҳодимлар етишмовчилиги ёки молиялаштиришдаги қийинчиликларга доимий дуч келишига қарамай, хотин-қизларга бизнес бошлашларига кўмаклашища ҳайратланарли муваффақият қозониб келмоқда<sup>114</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сон қарорига 3-иловада келтирилган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича” чора-тадбирлар режасининг 7-бандига мувофиқ мазкур параграф таҳлилларини амалга оширамиз.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази(ТШХҚТМ) Республика хотин-қизлар тадбиркорлик марказининг ҳудудий тузилмаси бўлиб, Тошкент шаҳар адлия бошқармасидан 2019 йил 27 августда 858-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган муассасадир. Ҳудудий марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Конуни, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи


---

<sup>114</sup> Mary Godwyn, Jody Hoffer Gittell . Sociology of Organizations: Structures and Relationships. SAGE Publications, 2011

бошқа норматив-хукукий хужжатлар асосида юритади. Марказнинг фаолият юритиш тамойиллари ихтиёрийлик, конунийлик, ошкоралик ва ўзини-ўзи бошқариш кабилардир.

Мазкур муассаса фаолиятининг асосий мақсадлари хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда иштирокини янада фаоллаштириш, хотин-қизларда тадбиркорлик кўнимкаларини шакллантиришга қўмаклашишдан иборат. У бизнес-инкубатор шаклида хотин-қизларнинг тадбиркорлик, хунармандчилик фаолиятини, шу жумладан, оиласвий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида ўз фаолиятини юритади<sup>115</sup>.

Муассаса фаолият бошлаганига Зийлдан ошиди ва маълум бир натижаларга эришиб бошлади. Қуйидаги расмда 4 йил бўйича йил якунида қайд этилган Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик марказида ўқитилган хотин-қизлар тўғрисида қиёсий таҳлиллар келтирилган.



**3.5-расм. Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик марказида тадбиркорлик ва касб-хунарга тайёрлаш ўқув курсларида жами ўқитилган хотин-қизлар сони<sup>116</sup>**

<sup>115</sup> Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази Низоми. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2021 йил 9 ноабрьда 858(п)-сон билан давлат рўйхатига олинган. Республика хотин-қизлар тадбиркорлик маркази Бошқарувининг 2021йил 28 июльдаги 3-сон карори билан тасдиқланган.

<sup>116</sup> Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази хисобот материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Таъкидлаш жоизки 2019-2020 йилларда турли сабабларга кўра марказ тўлақонли фаолият юрита олмаган. 2022 йилда эса Юнусобод ва Чилонзор туманларидан ташқари барча ҳудудларда кескин ўсиш суръатлари қайд этилган. Марказда 4 йил давомида ўқитилган хотин-қизларнинг яшаш ҳудуди бўйича қараганда Сирғали ва Чилонзор туманлари етакчилик қилади. Шунингдек, Учтепа туманида 617, Олмазор туманида 544, Юнусобод туманида 519, Яккасарой туманида 516, Яшнобод туманида 418, Бектемир туманида 388, Мирбод туманида 369, Шайхонтохур туманида 365, Мирзо Улуғбек туманида 309, Янги ҳаёт туманида 215 нафар аёллар марказнинг қисқа курсларини битиришган. Шаҳар бўйича жами ўқитилган хотин-қизлар сони 2019 йилда 560 нафар бўлган бўлса, 2022 йилга келиб йил давомида 3031та аёлга тадбиркорлик кўникмаларини беришга эришилди.

2023 йил 1-чорак ҳолатида ТШХҚТМида 3 нафар доимий ҳодим ва 10та тренер мавжуд бўлиб, курслар бевосита марказ биносида ёки туманлардаги белгиланган жойларда ташкил қилинган сайёр ўқитишлар орқали олиб борилади. Юқорида айтганимиздек марказда аёлларга тадбиркорлик сабоқлари берилиши билан бирга тадбиркорлик бошлиш учун имтиёзли кредит олишга ҳам кўмаклашилади.

2020 йил жиддий тус олган пандемиядан кейин кўплаб оиласлар даромади пасайди ёки оила боқувчилар, шунингдек аёллар ишсиз қолди ва натижада 2021 йилда бир қатор хотин-қизларда ҳам даромад топиш истаги кучайди. Натижада Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан имтиёзли кредит олиш учун бериладиган тавсияномага талаб кескин ошди ва мазкур йилда Тошкент шаҳри бўйича жами 926 нафар аёл Халқ банкидан имтиёзли кредит олиб ўз бизнес фаолиятларини бошладилар.

Куйидаги жадвалда Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази берган тавсиянома асосида имтиёз кредит олган хотин-қизлар сони қайд этилган.

### 3.2-жадвал

#### **Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази берган тавсиянома асосида имтиёз кредит олган хотин-қизлар<sup>117</sup>**

Худуд	Давр	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Олмазор	4	1	45	18	
Бектемир	6	0	38	43	
Миробод	6	1	21	36	
Мирзо Улуғбек	1	6	65	68	
Сирғали	7	4	111	49	
Учтепа	11	0	78	56	
Чилонзор	2	0	165	55	
Шайхонтохур	8	0	71	38	
Юнусобод	2	1	85	12	
Яккасарой	2	0	17	30	
Яшнобод	11	2	66	69	
Янги ҳаёт	5	0	164	28	
Жами	65	15	926	502	

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Чилонзор туманидан 165 нафар, Янги ҳаёт туманидан 164 нафар ва Сирғали туманидан 111нафар хотин-қизлар марказ тавсияномаси асосида имтиёз кредит олган. Демак, тадбиркорлик қилиш истаги бор аёлларнинг салмоқли қисми мазкур худудларда истиқомат қиласи. 2022 йилда эса дастлабки ҳисоб-китоб бўйича 500дан ошиқ хотин-қизлар бундай тавсияномага лойик кўрилгани қуонарли ҳолат. 4 йил давомида шаҳар бўйича имтиёз кредит олган хотин-қизлар сони бир ярим мингдан ошди.


Шунингдек, туман ҳокимлари кўмаги билан Яшнобод, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Юнусобод ва Шайхонтохур туманларида марказ филиаллари очилган бўлиб, бу туманлардаги аёлларнинг ўқиш имкониятларини оширмоқда.

2021йилда имтиёзли кредит бериш бўйича энг юқори кўрсаткич қайд этилган бўлиб, мазкур йилда жами ўқитилган хотин-қизлар сони 2028та ва ажратилган кредит суммаси 26млрд.дан ошиқни ташкил этган, бунда тадбиркорлик истаги бўлганлар 996 нафар аёл бўлган, улардан 926таси

<sup>117</sup> Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

тавсиянома билан имтиёзли кредит олган. Кредит олганлар ичидаги 820таси марказнинг тадбиркорлик қисқа ўкув курсларини битириб сертификат олган хотин-қизларни ташкил этди.

Дарвоқэ, 2021 йил давомида ажратилган кредитларни ҳар бир туманга тўғри келадиган миқдори ва улушкини қуидаги диаграммада кўриш мумкин.



**3.6-расм. 2021 йил давомида марказ тавсияномаси асосида хотин-қизлар томонидан олинган имтиёзли кредитларнинг туманлар кесимида тақсимоти(млн. сўм)<sup>118</sup>**

Демак, Тошкент шаҳри бўйича ажратилган кредитлар миқдорининг қарийб 50 фоизи Чилонзор, Янгиҳаёт ва Сирғали туманларига тўғри келмоқда. Яккасарой туманида яшовчи аёллар томонидан 411,9 млн.сўм, Миробод туманидан эса 516,2 млн.сўмлик имтиёзли кредит олинганлиги билан шаҳар бўйича энг кам улушкин эгалламоқда. Кўшимча сифатида айтиш жоизки, мазкур кредитлар Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади. Курслар республика маркази рўйҳати асосида тикувчилик ва каштачилик, пазандачилик ва қандолатчилик, сартарошлиқ, миллий ҳунармандчилик, психология, ахборот технологиялари ва бошқа йўналишларда олиб борилади.

<sup>118</sup> Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Марказ берган тавсиянома асосида имтиёз кредит олган хотин-қизлар сонининг умумий салмоқдаги ўрнини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар Давлат Солиқ Бошқармаси тақдим этган 2022 йилда ташкил қилинган директори аёл бўлган кичик бизнес субъектлари сони бўйича маълумотлар билан солиштирамиз (3.3-жадвал).

### **3.3-жадвал**

#### **Марказ берган тавсиянома асосида имтиёзли кредит олган хотин-қизларнинг янги ташкил қилинган кичик бизнес субъектлари сонидаги улуши, туманлар кесимида<sup>119</sup>**

Туманлар	2022 йилда кичик бизнесда ташкил қилинган директори аёл бўлган корхоналар сони	Марказ берган тавсиянома асосида 2022 йилда имтиёзли кредит олган хотин-қизлар (тадбиркорлик субъектлари)	Нисбати*
Олмазор	257	18	7,0
Бектемир	51	43	84,3
Миробод	225	36	16,0
Мирзо Улугбек	325	68	20,9
Сирғали	144	49	34,0
Учтепа	214	56	26,2
Чилонзор	256	55	21,5
Шайхонтоҳур	360	38	10,6
Юнусобод	301	12	4,0
Яққасарой	207	30	14,5
Яшнобод	213	69	32,4
Янги ҳаёт	110	28	25,5
<b>Жами</b>	<b>2663</b>	<b>502</b>	<b>18,9</b>

\*Солиширувлар нисбий бўлиб, тегишили маълумотлар етарли эмаслиги натижасида мўжобил кўрсаткичлардан фойдаланилди

Юқоридаги жадвалдан аён бўлдики, Тошкент шаҳридаги туманлар кесимида тадбиркор аёлларга имтиёзли кредит берилиши ва уларнинг янги очилган директори аёл бўлган кичик бизнес субъектлари умумий сонидаги улуши турличадир. Масалан, Юнусобод тумани 2022 йилда ташкил қилинган директори аёл бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича етакчи учталика кирсада, афсуски мазкур йилда марказ берган тавсиянома асосида имтиёз кредит олган хотин-қизлар сони бўйича энг охирги ўринда турибди.

<sup>119</sup> Тошкент шаҳар Давлат Солиқ Бошқармаси ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази хисобот материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бошқа туманлар билан таққослаганда Сирғали ва Бектемир туманлари эса 2022 йилда ташкил қилингандай директори аёл бўлган корхоналар сони юқори бўлмасада, уларнинг таркибида Марказ берган тавсиянома асосида имтиёзли кредит олган хотин-қизлар томонидан очилган тадбиркорлик субъектлари салмоқли улушга эга. Демак, туманлардаги имтиёз асосида тадбиркор аёллар фаолиятига асос солинишини таҳлил қилганда туманда очилаётган умумий кичик бизнес субъектлари таркибидаги аёллар тадбиркорлигига нисбатини ўрганиш ҳам ўринли бўлади ва тумандаги реал ҳолатни акс эттиради.

2022 йил марказ сермаҳсул фаолият юритди. Марказ асосий фаолияти бўйича йиллик натижалари қуидаги 3.4-жадвалда келтирилди.

### **3.4-жадвал**

#### **Тошкент шаҳар Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида 2022 йил давомида кўрсатилган натижалар<sup>120</sup>**

№	Худудлар	Ўқитилиши режалаштирилган хотин-қизлар	Ўқитилгани хотин-қизлар 1-2-3-4 чорак	Яратилган иш ўрни (бандлиги таъминланган ) 1-2-3-4 чорак	Шундан		Кўрсатилган натижа, %да*
					Ўзини ўзи банд килганлар	Кредит олиб фаолият бошлаганлар	
1	Олмазор тумани	250	<b>214</b>	<b>44</b>	26	18	<b>20,56</b>
2	Бектемир тумани	250	<b>114</b>	<b>94</b>	51	43	<b>82,46</b>
3	Миробод тумани	250	<b>141</b>	<b>59</b>	23	36	<b>41,84</b>
4	Мирзо Улугбек тумани	250	<b>109</b>	<b>100</b>	32	68	<b>91,74</b>
5	Сирғали тумани	250	<b>579</b>	<b>133</b>	84	49	<b>22,97</b>
6	Учтепа тумани	250	<b>276</b>	<b>83</b>	27	56	<b>30,07</b>
7	Чилонзор тумани	250	<b>188</b>	<b>78</b>	23	55	<b>41,49</b>
8	Шайхонтохур тумани	250	<b>158</b>	<b>65</b>	27	38	<b>41,14</b>
9	Юнусобод тумани	250	<b>117</b>	<b>42</b>	30	12	<b>35,90</b>
10	Яккасарой тумани	250	<b>193</b>	<b>74</b>	44	30	<b>38,34</b>
11	Яшнаобод тумани	250	<b>140</b>	<b>72</b>	3	69	<b>51,43</b>
12	Янги ҳаёт	250	<b>129</b>	<b>59</b>	31	28	<b>45,74</b>
13	Ўз.Респ.ИИВ хузуридаги жазони ижро этиш колониялари		649	0			
14	Ўзб.ногирон ишбилиармон аёллар ассоциацияси		24	0			
	<b>Жами</b>	<b>3000</b>	<b>3031</b>	<b>903</b>	<b>401</b>	<b>502</b>	<b>37,9</b>

\*муаллиф ҳисоб-китоблари


<sup>120</sup> Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳисобот материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

3.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2022 йилда умумий ҳисобда 3000та аёл қамраб олиниши режалаштирилган ва бу режа ошиғи билан бажарилган, аммо дастлабки ҳисоб китобларга кўра, улардан 502нафаригина кредит олиб иш бошлаган. Туманлар кесимида Сирғали ва Учтепа марказ билан ҳамкорлик қилинда иштирокчилар сони жиҳатидан етакчи экани маълум бўлди. Мирзо Улуғбек, Бектемир ва Юнусобод каби туманлардан марказ курсларида ўқиганлар бирмунча кам бўлган, бунда Марказ биносининг узоқлиги сабаб бўлганлиги масъуллар томонидан таъкидланди. Шунингдек, Марказ ҳисоботлари кўрсатишича, 2022 йил аввалида 1500та аёлларнинг бандлиги таъминланиши режалаштирилган аммо йил якунида афсуски 903та хотин-қизлар банд бўлишига эришилди. Бошқа томондан, жазони ижро этиш колонияларида ҳам ўқишлиар ташкил этилгани ва йил давомида у ердаги 649та озодликка чиқиш арафасидаги аёллар жалб қилингани эътирофга сазовор.

Туманлар кесимида марказда ўқитилган хотин-қизлар орасида ўзини ўзи банд қилган ёки кредит олиб фаолият бошлаган хотин-қизлар сони бўйича натижалар кескин фарқ қилди. Масалан, Мирзо Улуғбек ва Бектемир туманларидан марказ курсларида ўқиганлар сони энг кам бўлган бўлсада, битирувчиларнинг келгуси фаолияти натижалари мос равища 91,74 ва 82,46 фоизни ташкил этиб, энг ижобий кўрсаткични қайд этган. Сирғали туманида эса бутунлай буни аксини кўриш мумкин. Бутун шаҳар бўйича 2022 йилдаги марказ фаолияти натижадорлиги ўртacha 37,9%ни ташкил этди. Мазкур ҳисоб-китобда Ўз.Респ.ИИВ хузуридаги жазони ижро этиш колонияларида ўқилиган аёллар сони улардан тезкор натижа кутилмагани боис ҳисобга олинмади. Ўрта арифметик кўрсаткичдан паст натижа олинган туманлар Олмазор, Сирғали, Учтепа ва Юнусобод туманлари бўлиб, йил давомида мос равища 20,56, 22,97, 30,07 ва 35,90 фоизлик натижа олинган. Умумий ҳисобда 2019-2022 йилларда 7019та аёл ўқитилган бўлса, келгуси режаларга кўра 2023 йилда 3500та, 2024 йил 4000та, 2025 йилда эса 4500 нафар аёллар ўқитилиши кўзда тутилган.

Шундай қилиб, ТШХҚТМ фаолиятида туманлар кесимида тадбиркорлик ва касб-хунарга тайёрлаш ўкув курсларида жами ўқитилган хотин-қизлар, марказ берган тавсиянома асосида имтиёз кредит олган хотин-қизлар ва улар томонидан янги ташкил қилингандык кичик бизнес субъектлари сони ва улуси бўйича таҳлил қилинди ва 2022 йил якуни бўйича марказ эришган асосий кўрсаткичлар натижадорлиги баҳоланди.

Марказ ўзига хос ишлаш механизмига эга бўлиб, тадқиқот давомида ўрганилди ва муаллиф томонидан қуидаги расмда ифодаланди:



### 3.7-расм. Тошкент шаҳар Хотин-қизлар тадбиркорлик

#### марказининг фуқаролар билан ишлаш механизми<sup>121</sup>

3.7-расмга изоҳ сифатида айтиш мумкинки, аксарият ҳолларда тадбиркорлик қилиш истагидаги аёл МФЙга мурожаат қиласи ва у ердаги хотин-қизлар масаласи бўйича маҳалла раиси маслаҳатчисига учрашади. Масъул ҳодим фуқарони ТШХҚТМга йўналтиради ва у марказни ўзида ёки яшаш жойига яқин марказ филиалида 2 ҳафталик қисқа курсни ўтайди. Курсни тамомлагач имтиёзли кредитга эҳтиёж бўлса, марказ берган тавсиянома ва курс давомида шакллантирилган бизнес режа билан Халқ банкига мурожаат қиласи, ёки кредит зарур бўлмаса ўз-ўзини банд қилган шахс сифатида фаолият бошлиши ҳам мумкин.

ТШХҚТМнинг тадбиркорлик қилиш истагидаги хотин-қизлар билан ишлаш тизимида қуидаги камчиликлар кузатилди:

- марказ низомида ўз олдига қўйилган вазифаларини тўлиқ бажармаяпти, масалан, ҳозирда МФЙга тадбиркорлик қилиш истаги билан борган хотин-

<sup>121</sup> Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази хисобот материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

қизлар билангина ишланади. Аслида кўплаб аёллар бундай имконият борлигини билмайди. Бу ўринда фаол тарғибот ишлари ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан фойдаланиш зарур. Бу каби ишлар билан шуғулланувчи матбуот ҳодими штати фақат республика марказида 1 нафар мавжуд. Диссертация тадқиқоти учун ўтказилган сўровномада ҳам 76 фоиз респондент аёллар тадбиркорлиги учун яратилаётган имкониятлар ҳақида интернет сайtlари ва ижтимоий тармоқлардан маълумот олишларини айтишган.

- Ҳамкор ташкилот, муассасалар билан ўзаро алоқанинг йўлга қўйилмаганлиги. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимияти билан узвий алоқа ўрнатиш марказ фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир қилиши шубҳасиз. Ҳокимиятдаги хотин-қизлар фаоли ёрдами билан худуддаги “Аёллар дафтари”га кирган ва иқтисодий аҳволини яхшилашга муҳтоҷ хотин-қизларни марказ курсларига жалб қилиб уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишиларига қўмаклашиш янада осонлашади.
- Республика бўгинига юқори даражада боғлиқлик. Бу ТШХҚТМнинг Низомида ваколатлари ва ҳуқуқлари ҳақидаги бандларда белгилаб берилган.
- Марказда хотин-қизларни тадбиркорлик қўнималарига ўқитиш бўйича йиллик режанинг мавжудлиги баъзи ҳолларда амалда бўлмаган рақамлар тақдим этилишига олиб келмоқда.
- Курс сифати қониқарли даражада эмас. Бунда тренерларнинг кам иш ҳақи олиши бирламчи таъсир қиласи. Марказ иш фаолиятига 4 йил бўлганига қарамай тренерлар соатбай ишлайдилар. Аксар ҳолларда марказ ўқитувчиларнинг асосий иш ўрни бошқа жойдалиги, курсга етарли эътибор қаратмасликка олиб келиши мумкин.
- Яна бир муаммо – марказдаги курслар давомийлиги жуда қисқа. Психологик тадқиқотлар натижасига кўра, инсон маълум бир қўникмани эгаллаши учун камида 21 кун керак, 2ҳафта 10 иш кунида эса бирор қўникмани етарли даражада ўрганиш қийин.

Шу каби жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ТШХҚТМнинг СВОТ таҳлилини амалга оширидик(5-илова).

Умуман олганда давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлашдаги бир манбай сифатида Марказ кўплаб аёлларга кўмак бериб келмоқда. Аммо фаолият натижасини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан яхшилаш учун бир қатор ишлар амалга оширилиши зарур.

Биринчидан, факат МФЙга мурожаат қилган аёллар билангина чекланиб қолмай потенсиал тадбиркор аёллар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориб, маълум маънода марказ брендини яратиш ва фаолиятининг ўзига хос рекламасини ҳам йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун марказдаги доимий З нафар ҳодимдан ташқари бир нафар СММ ва тарғибот ишлари билан шуғулланувчи ҳодим штатини жорий қилиш лозим, назаримизда.


Иккинчидан, ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларда юритиладиган тегишли рўйхат асосида тадбиркорлик қилиш истагидаги аёлларни янада кенгроқ жалб қилиш.

Учинчидан, имтиёзли кредит олиб тадбиркор сифатида фаолият юритмоқчи бўлган хотин-қизлар учун марказдаги курс давомийлигини молиявий менежмент билимларини чукурроқ ўргатиш орқали узайтириш мақсадга мувофиқ. Мазкур маҳсус курслардан мақсад бўлажак тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини янада ошириш ва олинадиган кредитни тўғри сарфлаш бўйича чукурроқ билим беришдир. Ҳозирги муаммо Марказ курсларида кредит оладиганлар ҳам, бунга эҳтиёжи йўқлар ҳам бир оқимда ўқитилиди.

Тўртинчидан, имтиёзли кредит олишга тавсиянома олган аёлларни якуний имтиҳондан ўтказишни банк таркибий муассасаси ваколатига топшириш зарур. Жамғарма маблағ ажратадиган битирувчиларни уларни ўқитган марказдан бошқа тегишли муассаса баҳолаши мантиқа ҳам тўғри келади. Бунда, банк таркибий муассасасида ишлаётган ҳодимни жалб қилиб унинг функционал вазифаларини мураккаблаштириш эмас, балки бунинг учун янги штат очишга эътибор қаратиш зарур. Марказ битирувчиси имтиёздан

фойдаланишга лойик кўрилмаса, марказ курсларида қайта ўқишига юборилади. Шунингдек, мазкур ҳодим орқали банк ва марказ ҳамкорлиги кенгаяди.

Шундай қилиб, Марказнинг жорий даврдаги ишлаш меҳанизми имтиёздан фойдаланмоқчи бўлган хотин-қизларга тегишли янги бўғинлар ва қайта ўқишига юбориш жараёни қўшилиб қуидагича тус олади(3.8-расм).



**3.8-расм. Тошкент шаҳар Хотин-қизлар тадбиркорлик марказининг хотин-қизларга имтиёзли кредит олишга кўмаклашишнинг таклиф этилаётган меҳанизми<sup>122</sup>**

Юқорида расмда келтирилган меҳанизмнинг янги бўғини бўлмиш маҳсус курслар бирор касб-хунарга қаратилмай бизнес фаолиятини молиявий таъминотини тўғри ташкил қилиш ва фойдани максималлаштириш каби кўникумаларни тақдим этади (Мазкур таклифга асос сифатида диссертация иши доирасида ўтказилган сўровномада “Қандай ёрдам энг самарали деб ҳисоблайсиз” деган саволга 75та респондент тадбиркор аёлдан 60нафари молиявий саводхонликни оширишни энг юқори баҳолашганини келтириш мумкин). Битирувчилар келажакда фақат ўзини қоплаб ишлаши ёки банкдан олинган қарзни қайтара олмаслик эҳтимоли бирмунча камаяди. Шунингдек, таклиф этилаётган меҳанизмда банк экспертизасидан салбий хулоса олган

<sup>122</sup> Муаллиф ишланмаси

хотин-қизларни махсус курсда қайта ўқитиш жорий қилиниши назарда тутилган. Натижада марказ тавсияномасини олган хотин-қизларнинг барчаси имтиёзли кредит олиши каби шубҳали ҳолат бартараф этилади. Мазкур принцип асосида ишлаш мамлақатимиздаги барча тадбиркорлик марказларида жорий қилиниши керак.

Юқорида таҳлил қилинган ТШХҚТМ ҳисобот материаллари асосида марказ фаолияти қониқарли ва жадал ўсиш суръатларига эга дейишимиз мумкин. Аммо уларнинг самарали фаолияти ҳисоботларда ургу бериладиган аёлларга ажратилган имтиёзли кредитлар ҳажми ва ўқитишлар сони билан эмас, битиравчиларнинг тадбиркорлик қўнималарини қанчалик эгаллаганлари ва амалиётда қўллаб, қанчалик муваффақият қозонаётгандарни билан ҳам ўлчаниши зарур. Бу масала юзасидан марказлар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари таклиф қилинмоқда(3.5-жадвал).

### **3.5-жадвал**

#### **Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг таклиф этилаётган кўрсаткичлари<sup>123</sup>**

<b>Кўрсаткич гурӯҳи</b>	<b>т/р</b>	<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Ижобий / салбий</b>
1.Потенциал тадбиркорларга оид кўрсаткичлар	1.1.	Марказда ўқиган умумий хотин-қизлар сони	киши	+
	1.2.	Тадбиркор сифатида давлат рўйхатдан ўтган марказ битиравчилари сони	киши	+
	1.3.	Ўз-ўзини банд қилган марказ битиравчилари сони	киши	+
	1.4.	Ҳисобот даврида натижа кўрсатмаган битиравчилар=1.1.-1.2.-1.3.	киши	-
	1.5.	Банк комиссияси томонидан марказ махсус курсида қайта ўқишига юборилганлар улуши	фоиз	-
2.Кредитга доир кўрсаткичлар	2.1.	Марказ битиравчиларига ажратилган имтиёзли кредитлар ҳажми	млн. сўм	+
	2.2.	Олинган кредитларнинг қопланганлик даражаси	фоиз	+
3.Марказ фаолиятига доир кўрсаткичлар	3.1.	Марказда ташкил қилинган курслар ҳажми	соат	+
	3.2.	Тренерларнинг БТОМдаги қайта тайёрлаш курсларида иштироки	киши/йил	+
	3.3.	Йил бошидаги эркин қолдик (агар йиллик режа бажарилмай, ноўрин ортиб қолган бўлса)	млн. сўм	-
	3.4.	Йил бошидаги эркин қолдик (агар йиллик режа тўлиқ бажарилган бўлса)	млн. сўм	+

Ушбу кўрсаткичлардан 1.1., 1.2., 1.3., 2.1., 3.1., 3.4. пунктлар аввалдан марказ ҳисобот материалларида юритиладиган кўрсаткичлардир. Салбий

<sup>123</sup> Муаллиф ишланмаси

кўрсаткичларга алоҳида изоҳ бериб ўтсак, ҳисобот даврида натижа кўрсатмаган битирувчилар ҳисоби албатта юритилиши зарур. Бу кўрсаткич ўрганилаётган даврда Марказда ўқиган умумий хотин-қизлар сонидан тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган марказ битирувчилари сонини ва ўз-ўзини банд қилган марказ битирувчилари сонини айирган ҳолда топилади. 1.5. кўрсаткич эса марказ маҳсус курсларида умумий ўқитилган аёллар сонида банк комиссияси томонидан қайта ўқишига юборилганлар сони неча фоиз эканини ҳисоблаш йўли билан топилади.

Марказ фаолияти билан танишиш жараёнида 2022 йил 1 январь ҳолатига эркин қолдик(иктисод қилинган маблаг) бир неча ўн миллион сўмлиги гувоҳи бўлинди. Ажратилган маблағларнинг тўлиқ фойдаланилмагани кутилгандек, бошқача қилиб айтганда, тўлиқ қувват билан ишланмаганини билдиради. Фикримизча, ажратилаётган маблағлардан максимал равишда самарали ва тўлиқ фойдаланилиши йиллик фаолиятнинг нақадар қизғин ва сермаҳсул кечганидан дарак беради. Бунда қолдиқнинг тежаб қолингани ёки режадаги ишлар бажарилмай ортиб қолганини фарқлаб олиш керак(3.3. ва 3.4. кўрсаткичлар). Шунингдек, қайта ўқишига юборилганлар сони кўрсаткичи марказ курсларининг берган билим савиясини салбий жиҳатдан кўрсатиб беради.

Яна бир вазифа марказ тренерларини моддий рағбатлантиришни йўлга кўйишидир. Моддий рағбат уларнинг машғулотларга масъулиятини кучайтиради ва Марказдаги дарсларга, айниқса маҳсус курсларга, янада юқори малакали тренерлар жалб қилинишини таъминлайди. Ҳозирда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тренерларни қайта тайёрлаш билан бу тизимда иштирок этади. Таклиф этилаётган трансформация жараёнларида тренерларни қайта тайёрлаш частотасини кўпайтиришни ҳам назарда тутиш зарур.

Ҳозирда юритилаётган ҳисоб-китобларнинг бу каби такомиллашуви марказни янада самарали ишлашига ва мамлакатдаги аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига сифатли кўмак берилишига туртки беради. Шунингдек, мазкур 9та кўрсаткичлар орқали нафақат Тошкент

шахридаги, балки республикадаги барча хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини баҳолаш ва худудлар бўйича уларнинг рейтингини тузиш мумкин. Бунда аввало ҳар бир кўрсаткич бўйича уларнинг ижобий ва салбий кўрсаткич эканлигидан келиб чиқсан ҳолда рейтинг тузиш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳисоб юритилиши Республика бўғини томонидан худудий марказларни баҳолаш ва шу асосда ўринли рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини жадаллаштиришга катта ҳисса қўшади.

### **III боб бўйича қисқача хulosалар**

1. Мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожланишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммолар мавжуд. Диссертацияда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни куйидаги гурухларга бўлиб батафсил тўхталиб ўтилди:

- a) Тадбиркорликка оид қонунчилик базасини такомиллаштириш ва тартибга солиш чораларини оптималлаштириш;
- b) Банк-молия инфратузилмасини такомиллаштириш ва тадбиркор аёлларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- c) Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик маданиятини тарғиб қилиш ва тадбиркор аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириш.

2. Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ўзига хос меҳанизми, жумладан, унинг ўзига хос тамойиллари, услублари ва дастаклари мавжуд. Келгусида мазкур меҳанизмни такомиллаштириш учун унга ўз ўзини тартибга солиш тизимини киритиш таклифи берилди ва тизимнинг ҳар бир элементи бўйича қиёсий таҳлил қилинди. Кичик бизнесда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда ўз ўзини тартибга солиш тизимининг аҳамияти катта бўлиб, мазкур тизимнинг давлат тартибга солувчи тизими билан узвий алоқасини йўлга қўйиш зарур. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда давлат, хусусий, молиявий, халқаро ва нотижорат

институтларнинг кенг қамровли ҳамкорлигини йўлга қўйиш асосий ёндашув бўлиши лозим.

3. Ўзбекистонда узоқ йиллардан бери тадбиркор аёлларни давлат қўллаб-куватлаш тизими шаклланган. Шу билан бирга сўнгти йилларда ўз ўзини тартибга солиш тизими элементлари ҳам ривожланиб, бир қатор натижаларга эришиб бормоқда. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёлларга амалий ёрдам беришда хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг ўрни катта. Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази фаолиятини ўрганиш натижасида, тизимдаги камчилик ва имкониятлар ўрганилди ва тадбиркорлик марказлари бўйича қатор ислоҳотларни амалга ошириш орқали уларнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлашдаги ўрнини ошириш йўллари тақдим қилинди. Марказлар ишлаш механизмига зарурӣ ўзгартиришлар киритиш билан биргаликда, уларнинг фаолиятини муносиб баҳолаб бориш зарур, бунда биз томонимиздан таклиф этилган З гуруҳдан иборат баҳолаш қўрсаткичларини амалиётга жорий қилиш ва худудий марказлар кесимида доимий мониторинг қилиб бориш зарур.

## **ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР**

Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишларига бағишлиб ўтказилган тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни миллий қонунчилик доирасида, натижадор халқаро тажрибалар ва ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб шакллантирилган тавсиялар асосида янада такомиллаштириш ва ижтимоий тараққиёт кафолатларига асосланган кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган бир қатор натижаларга эришилди. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари қуйидаги хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Жаҳондаги кўплаб олимлар аёлларнинг иқтисодий ўсиш ва бойлик тўплаш борасидаги миллий иқтисодиётга қўшган ҳиссасини нихоятда қимматли деб ҳисоблайдилар. Аёллар тадбиркорлиги жаҳон тажрибасида энг фаол қўллаб-қувватланадиган тадбиркорлик субъектларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги кўп тилга олинсада, афсуски, аниқ ҳуқуқий асоси ва белгиланган ягона андозаси йўқ. Шунингдек, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги мақомини бериш услубияти бўйича турли ёндашувларни унификациялаш зарурати мавжуд. Шуни ҳисобга олган ҳолда аёллар тадбиркорлиги тушунчасига муаллифлик таърифи берилди.

2. Аёллар тадбиркорлигига таъсир этувчи омиллар институционал, ижтимоий-маданий ва индивидуал-шахсий груптарга, шунингдек ички ва ташқи омилларга бўлиб ўрганилди. Барча омиллар бир нуктада – мотивацияда кесишади, яъни кенг қамровли факторлар охир-оқибат аёлларнинг тадбиркорлик қилишга мотивациясини сўндириши билан тўсиққа айланади ва салбий таъсирини намоён этади. Нуфузли хорижий адабиётларни ўрганган ҳолда аёллар тадбиркорлигининг қуйидаги ўзига хосликлари борлиги аниқланди: ўз-ўзини банд қилиш шаклига мойиллик; ишчи кучига камроқ эҳтиёж; мувозанатлашган иш вақти; турли соҳаларга оғувчанлик; нисбатан кичикроқ ҳажм; нисбатан сустрок ўсиш; фаолият давомийлиги қисқароқ; камроқ иқтисодий фойда; аёлларга хос фаолият турларида кенг тарқалганлик.

3. Жаҳонда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлашга жуда катта эътибор қаратилади. Аксарият ҳолларда ривожланган мамлакатлардаги аҳолида тадбиркорлар улуши жуда кам, ижтимоий таъминот яхши йўлга кўйилгани учун аёлларнинг тадбиркорлик қилиш ҳохиши нисбатан паст, аммо ривожланаётган ва даромади паст ўлкаларда тадбиркор деярли ярим аҳолини ташкил этар экан ва айнан аёллар камбағалликдан чиқиш учун тадбиркорликка, хусусан норасмий фаолият юритишга мойил бўлар экан. Одатда, аёллар кичик ва ўрта бизнес субъекти сифатида ушбу мамлакат фуқароси бўлган ҳолда ва фаолиятини мазкур ҳудудда амалга ошириши шарти билан давлатнинг фаол қўллаб-куватлашидан фойдаланади. Бунда давлат ёрдами хусусий ташабbusлар ва жамиятнинг ижобий муносабати билан уйғунлашган ҳолдагина самара бермоқда.

4. Тадбиркорлик фаолиятида аёллар улуши жадал ошаётганлиги турли статистик кўрсаткичлар орқали намоён бўлди. Ўзбекистон аёллар тадбиркорлиги фаол қўллаб-куватланаётган мамлакатлар қаторига киради. Ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил қилинганда Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши ва аёлларнинг фирма эгалигидаги хиссаси бўйича энг илғор вилоятлар экани маълум бўлди. Аммо аёллар тадбиркорлигининг турли ҳил ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича вилоятлар турли миқдор ва улуш кўрсаткичларини қайд этган. Расмий маълумотлар бўйича, республикамизда тадбиркор аёллар асосан чакана савдо, ҳунармандчилик ва майший хизмат соҳаларида фаолият юритади.

5. Тадқиқот доирасида қилинган анкета-сўровнома орқали бизга қуйидагилар маълум бўлди: Ўзбекистондаги тадбиркор аёллар асосан 19-35 ёш оралиғида бўлиб, қўпинча қисқа муддат тадбиркорлик қиласи. Фаолият шакли норасмий, ЯТТ ёки оилавий тадбиркор, йўналиши эса савдо ва бошқа ҳизматлардир. Аёллар тадбиркорлик бошлишига сабаб қўшимча даромад ва эркин график асосида ишлаш ҳохиши бўлиб, кўпчилиги ўзи ёки оиласи ёрдами билан иш бошлайди. Тадбиркор аёллар фикрича, тадбиркорлик бўйича кўрсатмалар ва молиявий саводхонлик етишмаслиги ва фаолиятни маблағ

билин таъминлашдаги қийинчилик энг жиддий таъсир қилувчи муаммолар бўлиб, уларни ҳал қилишда тажрибали аёл тадбиркорлар билан алоқа ўрнатиш, ижтимоий тармоқларда реклама қилиш ва мобил илова орқали фаолиятни ривожлантириш катта ёрдам беради. Сўровнома натижаларидан яна шулар маълум бўлдики, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган аёллар бошланғич капиталнинг, бизнес юритиш кўникмаларининг ва тегишли жамоат ташкилотлари билан алоқанинг йўқлиги сабаб иш бошламаяптилар.

6. Ўзбекистон Республикасида аёллар тадбиркорлиги қўрсаткичлари бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель шуни қўрсатдики, ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган қиймат ўртacha бир фоизга ортса, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ўртacha 0,1162 фоизга ортар экан. Аёл интернет фойдаланувчилари сони ўртacha бир фоизга ортса, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сони ўртacha 0,7618 фоизга ортар экан. Тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш йўналтирилган кредитларнинг ўртacha бир фоизга ортиши, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сонини ўртacha 0,0062 фоизга ортишига олиб келар экан. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўртacha бир фоизга ортиши, аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микро фирмалар сонини ўртacha 0,0837 фоизга ортишига олиб келар экан.

7. Мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожланишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммолар мавжуд. Диссертацияда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни қуидаги гурухларга бўлиб батафсил тўхталиб ўтилди:

- Тадбиркорликка оид қонунчилик базасини такомиллаштириш ва тартибга солиш чораларини оптималлаштириш;
- Банк-молия инфратузилмасини такомиллаштириш ва тадбиркор аёлларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик маданиятини тарғиб қилиш ва тадбиркор аёлларнинг молиявий саводхонлигини ошириш.

8. Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ўзига хос механизми, жумладан, унинг ўзига хос тамойиллари, услублари ва дастаклари мавжуд. Келгусида мазкур меҳанизмни такомиллаштириш учун унга ўз ўзини тартибга солиш тизимини киритиш таклифи берилди ва тизимнинг ҳар бир элементи бўйича қиёсий таҳлил қилинди. Кичик бизнесда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда ўз ўзини тартибга солиш тизимининг аҳамияти катта бўлиб, мазкур тизимнинг давлат тартибга солувчи тизими билан узвий алоқасини йўлга қўйиш зарур. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда давлат, хусусий, молиявий, халқаро ва нотижорат институтларнинг кенг қамровли ҳамкорлигини йўлга қўйиш асосий ёндашув бўлиши лозим.

9. Ўзбекистонда сўнгги йилларда ўз ўзини тартибга солиш тизими элементлари шаклланиб ривожланиб, бир қатор натижаларга эришиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёлларга амалий ёрдам беришда хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг ўрни катта. Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази фаолиятини ўрганиш натижасида, тизимдаги камчилик ва имкониятлар ўрганилди ва тадбиркорлик марказлари бўйича қатор ислоҳотларни амалга ошириш орқали уларнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашдаги ўрнини ошириш йўллари тақдим қилинди. Марказлар ишлаш меҳанизмига зарурий ўзгартиришлар киритиш билан биргаликда, уларнинг фаолиятини муносиб баҳолаб бориш зарур, бунда биз томонимиздан таклиф этилган З гуруҳдан иборат баҳолаш кўрсаткичларини амалиётга жорий қилиш ва ҳудудий марказлар кесимида доимий мониторинг қилиб бориш зарур.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Норматив-хукуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.Т.: lex.uz-Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2022-йил.
2. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.04.1999 йилдаги 763-І-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сон “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил, 7 феврал.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60 фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.03.2022 даги ПФ-87-сонли ”Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ 101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ 244-сон “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - <https://www.lex.uz>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ПҚ-3756-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.03.2019 йилдаги

“Хотин-қизларнинг меҳнат хуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сонли қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 сентябрдаги 488-сон “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

13. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Палаталарининг Кўшма Мажлисидаги нутқи. – Тошкент, Халқ сўзи газетаси, 2016, 14 декабрь.

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Меҳнат, 2010. - 349 б.
2. Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Гойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.
3. Parker, S. C. (2009). The economics of entrepreneurship. Cambridge, MA: Cambridge University Press
4. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. Т.: Noshirlik yogdusi. 2018. -520 б.
5. Ишназаров А., Нуруллаева Ш., Муминова М., Рўзметова Н. Эконометрика асослари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Иқтисодиёт, 2019, 258 б.
6. Мустафакулов Sh.I., Негматов J.B., Муродуллаев N.N., Жўраев B.R. Эконометрика: ўқув қўлланма. – Тошкент, 2017. - 155 б.

7. S.S. Khanka. Entrepreneurial Development. S. Chand Limited, 2006. 237p.
8. N.V.R. Naidu(2013) Management and Entrepreneurship. I.K. International Publishing House Pvt. Limited, 171p.
9. Эшов М.Р. Ўзбекистонда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: Монография Тошкент 2017. -114 б.;  
<file:///C:/Users/Teacher/Downloads/3898>
10. Абдурахманова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Iqtisodiyot, 2014. -216 б.;
11. И.Е.; Римашевская Н.М. Гендерные стереотипы в меняющемся обществе: опыт комплексного социального исследования. Монография.- М.: Наука. 2009. -76 с. ;
12. Хоткина З.А. Позитивные изменения жизни россиянок в XXI веке. Женщины России XXI век: Коллективная монография. - М.: Экон-Информ, 2016–119 с.;
13. Бобаназарова Ж.Х. Аёлларнинг иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иктисодий механизмлари. Монография -Т.: Fan va texnologiya, 2017.- 228 б.
14. Имаева Г. Р. Теоретико-методологические аспекты изучения социальной роли малого и среднего предпринимательства // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. №4. С.141-153.
15. Рахимова Н.Х. Ўзбекистон хотин-қизлари рақобатбардошлигини ошириш механизми. -Т.: Konsauditinform nashr, 2006. - 381-390 б.
16. Митякова О.И. Концепция устойчивого развития малых и средних предприятий //Наука. - <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1628>
17. Современный экономический словарь. 2-е изд. -  
<https://vocabulary.ru/slovari/sovremennoyi-ekonomiceskii-slovar-2-e-izd-.html>
18. Энциклопедический словарь терминов по менеджменту маркетингу экономике предпринимательству. Зубарев Ю.А., Шамардин А.И. -

<https://vocable.ru/slovari/enciklopedicheskii-slovar-terminov-pomenedzhmentumarketingu-ekonomike-predprinimatelstvu.html>

19. Уткина Н.Ю. Объективные и субъективные факторы развития женского предпринимательства в России // Женщина в российском обществе. 2017. № 1 (82). С. 18
20. J. Viner. “Adam Smith an Laissez Faire” (Scottish Journal of Political Economy. 1927.)// манба: Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Пер. с. Англ., 4-изд. М.:Дело ЛТД. 1994
21. О.Д. Хамракулова. (2022). Малое предпринимательство и активизация роли женщин в бизнесе. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2099>
22. Cardella GM, Hernández-Sánchez BR and Sánchez-García JC (2020) Women Entrepreneurship: A Systematic Review to Outline the Boundaries of Scientific Literature. *Front. Psychol.* 11:1557. doi: 10.3389/fpsyg.2020.01557
23. Шастало А.В. Трудовая занятость женщины-матери в современном мире: проблемы и зарубежный опыт их решения. Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире. 2017. № 20-1. С. 151-161.
24. Van Stel, A. (2004), "COMPENDIA: mamlakatlar va vaqt o'tishi bilan biznesga egalik ma'lumotlarini uyg'unlashtirish", Scales Research Reports N200413, EIM Business and Policy Research.
25. Allen, E., Langowitz, N. and Minniti, M. (2007) The 2006 Global Entrepreneurship Monitor Special Topic Report: Women in Entrepreneurship. Center for Women Leadership, Babson College. Babson Park, MA
26. Жумаева М.А. Тадбиркорликда аёллар иш билан бандлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. “Бизнес эксперт” илмий журнал, 5-сон, 2022 йил. 1216.
27. Liñán F., Fayolle A. A systematic literature review on entrepreneurial intentions: Citation, thematic analyses, and research agenda // The International Entrepreneurship and Management Journal. – 2015. – № 114. – p. 907-933. – doi: 10.1007/s11365-015-0356-5.

28. Criaco G., Sieger P., Wennberg K., Chirico F., Minola T. Parents' performance in entrepreneurship as a "double-edged sword" for the intergenerational transmission of entrepreneurship // Small Business Economics. – 2017. – № 4. – p. 841-864. – doi: 10.1007/S11187-017-9854-X.
29. Giménez D., Calabró A. The salient role of institutions in women's entrepreneurship: a critical review and agenda for future research // International Entrepreneurship and Management Journal. – 2018. – № 14. – p. 857-882.
30. Baughn C.C., Chua B.L., Neupert K.E. The normative context for women's participation in entrepreneurship: a multicountry study // Entrepreneurship Theory and Practice. – 2006. – № 5. – p. 687-708
31. Dohse D., Walter S.G. Knowledge context and entrepreneurial intentions among students // Small Business Economics. – 2012. – p. 87
32. Thébaud S. Passing up the job: the role of gendered organizations and families in the entrepreneurial career process // Entrepreneurship Theory and Practice. – 2016. – № 2. – p. 269-287.
33. Minniti M., Naudé W. 2010. Introduction: What do We Know about the Patterns and Determinants of Female Entrepreneurship across countries? European Journal of Development Research. 22(3). P. 277–293. DOI: 10.1057/ejdr.2010.17.
34. Хусанова З.Р. Аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмини ҳориж тажрибаси. Иқтисод ва молия 2021. 3(139) 35-6.
35. Fujii T., Kanaoka S. 2014. Real Image and Significance of Female Entrepreneurs. Journal of the Japan Finance Corporation 23. P. 27-42. URL: [www.jfc.go.jp/n/findings/pdf/ronbun1405\\_02.pdf](http://www.jfc.go.jp/n/findings/pdf/ronbun1405_02.pdf)
36. Matthew Fox (Jul 23, 2010). "Malaysian Microfinance Institution (MFI), Amanah Ikhtiar Malaysia (AIM), Claims "World's Highest" Microcredit Repayment Rate of 99.2 Percent". [microcapital.org](http://microcapital.org).
37. Мартенс А.А. Перспективы развития саморегулирования на финансовом рынке России. Журнал “Проблемы учета и финансов” 2015

38. Henry, C., Foss, L., & Ahl, H. (2016). Gender and entrepreneurship research: A review of methodological approaches. *International Small Business Journal*, 34(3), 217–241;
39. Brush, C. G., Greene, P. G., & Welter, F. (2020). The Diana project: a legacy for research on gender in entrepreneurship. *International journal of Gender and Entrepreneurship*, 12(1), 7-25.;
40. Yadav, V., & Unni, J. (2016). Women entrepreneurship: research review and future directions. *Journal of Global Entrepreneurship Research*, 6, 1-18.;
41. Neumeyer, X., Santos, S. C., Caetano, A., & Kalbfleisch, P. (2019). Entrepreneurship ecosystems and women entrepreneurs: A social capital and network approach. *Small Business Economics*, 53, 475-489.;
42. Foss, L., Henry, C., Ahl, H., & Mikalsen, G. H. (2019). Women's entrepreneurship policy research: a 30-year review of the evidence. *Small Business Economics*, 53, 409-429.;
43. Ogundana, O. M., Simba, A., Dana, L. P., & Liguori, E. (2021). Women entrepreneurship in developing economies: A gender-based growth model. *Journal of Small Business Management*, 59(sup1), S42-S72.
44. Рейнерт Э. Как богатые страны стали богатыми, и почему бедные страны остаются бедными. - М.: Изд. дом Гос. Ун-т - Высшая школа экономики, 2011.
45. Sen, A. "Poor, relatively speaking", *Oxford economic papers*, 1983. No. 35.
46. Shumpeter D. Marie Esprit Leon Walras. — Zeitschrift für Volkswirtschaft, Sozialpolitik und Verwaltung, 1910. - Bd. 19. - S. 397-402
47. Viju Mathew. Women entrepreneurship in Middle East: Understanding barriers and use of ICT for entrepreneurship development. *International Entrepreneurship and Management Journal*, 2015
48. Leyla Sarfaraz, Nezameddin Faghih & Armaghan Asadi Majd// The relationship between women entrepreneurship and gender equality. *Journal of Global Entrepreneurship Research*, 4 volume, 2014

49. Зарубина Т.А. Управление женской занятостью на муниципальном уровне // Вестник. – М: 2007. №16(2). – С.61-63.

50. Джаббарова Ш.Г. Ўзбекистонда жаҳон молиявийиқтисодий инқирози оқибатлари ва таъсирини бартараф этишнинг минтақавий хусусиятлари: Ўзбекистон олий ўқув юртлароро илмий амалий анжуманинг материаллари. 2009. 25-26 май, – С. 72-73.

51. Токсанбаева М.С. Структурные аспекты занятости в малом бизнесе разного статуса // Проблемы и перспективы развития социально-экономического потенциала российских регионов. - Чебоксары: ООО Издательский дом Пегас, 2016. – 134-141 с.

52. Б. Д. Хажиев, Янги ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш – муҳим йўналиш/ Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy innovatsion yo‘nalishlari. Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami (2021-yil 25-noyabr). – Т.: “IQTISODIYOT”, 2021. – 160 b

53. Jackman, R. (2002). Determinants of unemployment in western Europe and possible policy responses. Paper presented at UNECE’s 5 th Spring Seminar Geneva, 1-38.

54. Жумаева М.А. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда молия-банк тизими. "Moliya bozorini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to’plami. Т.: TDIU 2022. 196 b.

55. S. Rebrey “Women in Small and Medium Enterprises and Entrepreneurship in Japan” Вестник МГИМО-Университета. 2020. 13(3). С. 170-185 DOI 10.24833/2071-8160-2020-3-72-170-185

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

1. Абдурахманова Г. К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамоиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Авт....иқт.фан.док. –Т.: 2016. 77 б.

2. Faufurov U.V. Kichik biznesni davlat tomoniidan tarbiiga solishning ikhtisodiy mechanismlariini takomillashтириш. Avt..ikht. fan. dok. –T.: 2017 й. 97 б.
3. Aripov O.A. Kichik biznesni davlat tomoniidan tarbiiga solish va iishbilarmonlik muhitinini rivojlanтириш. Avt.ikht.fan.dok. –T.: 2020 й. 72б.
4. Muradova N.K. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг назарий асосларини takomillashтириш. Avt....ikht.fan.dok. –T.: 2016 й. 107 б.
5. Xolmurodov A.Sh. Ўзбекистон Республикаси ikhtisodiётининг nodavlat sektorini rivojlanтиришда tashkilij-ikhtisodiy mechanismlarни kuchayтириш. I.f.n. ilmий daражасини olish учун диссертация. – T.: 2009.;
6. Rahimova N.X. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. Авт.дис.док.экон.наук. -T.: 2007 г. 13-14 с.
7. Irmatova A.B. Innovatsion ikhtisodiётda aёllar mehnatini tashkil etishi metodologiyasini takomillashтириш. 08.00.10-Демография. Mehnat ikhtisodiёti ixtisosligi bўyicha DSc ilmий daражаси диссертацияси/ Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали Т; 2021
8. Shedenova N.U. Женский труд в условиях рыночных отношений: социальные аспекты.: Автореф.дис.канд.экон.наук. — Алматы.: 1998. — С.21.;
9. Tuxliyev N. Osiё taraққиёт modelli. T.: Ўзбекистон, 2015. - 29 б.
10. Bobanazarova J.X. Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане источник обеспечения занятости женщин Общество и экономика. – Россия, 2016. № 12. С.36-45.
11. Ponomareva O. Роль государственной поддержки развития малого и среднего предпринимательства: опыт экономик АТЕС//Вестник АТЕС. Издание Российского центра исследований АТЕС. 2017. № 5. С. 16–21.
12. Женское предпринимательство: новые направления, мотивация, барьеры / Информационный бюллетень “Мы –Женщины”, – Ташкент: 2004. № 17/1.

13. Женщины в сфере труда: тенденции. Резюме. Международное бюро труда. Женева, 2016. - С.4.
14. Одра Шаллал. Мир стереотипов. Что мешает женскому предпринимательству? (Электрон ресурс). URL: <https://www.forbes.ru>
15. GEM Report. Women's Entrepreneurship 2020/21: Thriving Through Crisis. 15p.
16. 2019年版 中小企業白書・小規模企業白書 概要 (White Paper on Small and Medium Enterprises in Japan 2019). 2019. METI. Japan. URL: <https://www.meti.go.jp/press/2018/04/20180420001/20180420001-3.pdf>
17. Address by Prime Minister Shinzo Abe, at The Sixty-Eighth Session of The General Assembly of The United Nations. URL: [https://japan.kantei.go.jp/96\\_abe/statement/201309/26generaldebate\\_e.html](https://japan.kantei.go.jp/96_abe/statement/201309/26generaldebate_e.html)
18. OECD Multilingual Summaries OECD Employment Outlook 2017. - [Электрон ресурс]. – Режим доступа: <http://www.oecd.org/els/oecd-employment-outlook-19991266.html>.
19. Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини амалга ошириш. Таҳлилий маъзуза/ ўзбекча таҳрири. URL: [https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/IJN-Publications/PB\\_gender\\_employment/un\\_uzb\\_PB\\_gender\\_employment\\_uzb.pdf](https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/IJN-Publications/PB_gender_employment/un_uzb_PB_gender_employment_uzb.pdf)
20. U.S. Small Business Administration <https://www.sba.gov/funding-programs/>
21. McKinsey Global Institute The power of parity: How advancing women's equality can add \$12 trillion to global growth. McKinsey.com. [Электрон ресурс]. URL: <https://www.mckinsey.com/featured-insights/employment-and-growth/how-advancing-womens-equality-can-add-12-trillion-to-global-growth>
22. World Bank. 2020. Women, Business and the Law 2020. Washington, DC: World Bank. © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/32639> Lic.:CCBY3.0 IGO.
23. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали)
24. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти)

25. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси)
26. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти)
27. <http://www.aza.uz> (Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги)
28. <http://www.soliq.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси)
29. <http://www.norma.uz> (Ахборот маркази)
30. <https://uzbekistan.un.org> (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистондаги ваколатхонаси расмий сайти).
31. <https://www.sore.org> (Free Small Business Advice)
32. [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) (Халқаро илмий мақолалар платформаси)
33. [www.scopus.com](http://www.scopus.com) (Халқаро илмий мақолалар платформаси)
34. [https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/entrepreneur\\_aag-2012-4-en.pdf?Expires=1668583930&id=id&accname=guest&checksum=32DC9E49A260E0B1A2BC0CB46CA89E11](https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/entrepreneur_aag-2012-4-en.pdf?Expires=1668583930&id=id&accname=guest&checksum=32DC9E49A260E0B1A2BC0CB46CA89E11)
35. <https://www.sba.gov/funding-programs/loans/7a-loans>
36. Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик маркази ҳисобот материаллари

## ИЛОВАЛАР

**1-илова**

### **Аёллар тадбиркорлиги бўйича турли тадқиқотлар илк намуналарининг хронологик қисқача мазмуни<sup>124</sup>**

<b>Йил</b>	<b>Тадқиқот тури</b>	<b>Муаллиф</b>	<b>Таърифи</b>
1976	Мақола	Э.Швартс,	“Тадбиркорлик: аёлларнинг янги сарҳадлари”. Замонавий бизнес журнали 5-сон, 47–76 бетлар
1979	Сиёсий ҳисобот	Президент хузуридаги тадбиркор аёллар масалалари бўйича идоралараро ишчи гурухи	“Америкадаги нотенг тадбиркорлик” номли якуний ҳисобот. Вашингтон, Колумбия оқруги: ҳукумат матбуоти.
1983	Коференциядаги тақдимот	Р.Д.Хисрич, К.Г. Бруш. & Г.А. Хомадай, Г.А. Тиммонс ва К. Веспер	“Тадбиркор аёл: оила, таълим ва касбнинг таъсири” ва “Тадбиркорлик тадқиқотлари чегаралари” - Тадбиркорлик бўйича конференция материаллари (255–270-бетлар) Уэллсли, Массачусетс: Бебсон коллежи.
1985	Академик китоб	Р.Гоффи ва Р.Скэйс	“Масъулиятли аёллар: тадбиркор аёллар тажрибаси” Лондон: Жорж Аллен ва Аниви
1998	Сиёсий конференция	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСД)	Тадбиркор аёллар конференцияси <sup>125</sup>
2003	Глобал тадқиқот	“Диана” халқаро тадқиқот институти	Аёллар тадбиркорлигини тадқиқ қилиш бўйича конференцияси, Стокголм, Швеция <sup>126</sup>
2006	Аёллар ва тадбиркорлик бўйича ГЕМ ҳисботи	Глобал тадбиркорлик мониторинги (Global Entrepreneurship Monitor)	Аёллар ва тадбиркорлик бўйича маҳсус тематик ҳисботи
2009	Маҳсус журнал	“Emerald Publishing Limited” нашриёти	“Гендер ва тадбиркорлик” халқаро журнали
2015	“Аёллар тадбиркорлиги индекси”	Глобал тадбиркорликни ривожлантириш институти(GEDI)	Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш шарт-шароитлари таҳлили. Тадбиркор аёл концепцияси шакллантирилган биринчи ўнталиктаги давлатлар аниқланган.

<sup>124</sup> Адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилди

<sup>125</sup> <http://www.oecd.org/cfe/smes/womenentrepreneurskeymessages.htm>

<sup>126</sup> <http://www.babson.edu/Academics/centers/blankcenter/global-research/diana/Pages/home.aspx>

**“Аёллар тадбиркорлиги” мавзусида чоп этилган адабиётлар шарҳининг  
қисқача мазмуни**

<b>№</b>	<b>Muallif (yil)</b>	<b>Jurnal</b>	<b>Asosiy xulosalar</b>	<b>Ilgari surilgan nazariya</b>
1	Bowen va Hisrich (1986)	Academy of Management Review (Boshqaruv Akademiyasi Sharhi)	Ayollar tadbirkorligi bo`yicha ilk adabiyotlar sharhi keltirilgan. Tadbirkorlik faoliyati nuqtai nazaridan adabiyotlar ko`rib chiqilgan va ayollarning tadbirkorlik xulq-atvorini belgilovchi omillarni o`z ichiga olgan martaba(karyera) modelini taklif qilindi.	Karyera nazariysi
2	Birley (1989)	Journal of Small Business Management (Kichik biznesni boshqarish jurnali)	Ayol va erkak tadbirkorlar o`rtasidagi asosiy farq ularning bozorga kirish tanlovini amalga oshirishlarida ba keyingi tadqiqotlarda madaniy shart-sharoit va tajribalilik kabi nozik omillarni o`rganish zarur.	Taklif etilayotgan yangi nazariya - tadbirkorlar taklifi vaziyat va madaniyat jihatidan chegaralangan
3	Moore (1990)	Journal of Business Ethics (Biznes etikasi jurnali)	Mavjud tadqiqotlar cheklangan, tarqoq va bir-biriga bog`liq emas. Fanda statistik tadqiqotlar asosini, tipologiya va modellarni hamda nazariyalarni ishlab chiqish zarurati mavjud. Mazkur soha Paradigma rivojlanishining dastlabki bosqichida turibdi.	
4	Brush (1992)	Entrepreneurship Theory and Practice (Tadbirkorlik nazariyasi va amaliyoti)	So`ngi o`n yillikdagi tadqiqotlar erkak va ayol biznes egalari o`rtasidagi ba`zi o`xshash va farqi jihatlarni ko`rsata oldi. Jumladan, demografik xususiyatlar, ba`zi psixologik qirralar va biznes ko`nikmalari bo`yicha o`xshashliklar qayd etilgan. Farqli jihatlar esa ta`lim darajasi, kasbi, biznesni boshlashdagi motivatsiyasi va biznesni yaratish va rivojlantirishga yondashuv kabilarda namoyon bo`lgan.	Gender farqlarini tushuntirish uchun psixologik va sotsiologik nazariyalar integratsiyasiga asoslangan kompleks yondashuv taklif qilindi
5	Fischer va boshqalar. (1993)	Journal of Business Venturing (Vençur biznesi jurnali)	Erkak va ayol tadbirkorlar o`rtasidagi farqlar haqida turli ilmiy mulohazalar mavjud. Ammo, ayol rahbarlik qiladigan korxonalarda ularning ma'lumoti pastligi yoki tajribasi yo'qligi to'sqinlik qilgani haqida hech qanday kuchli dalil topilmadi. Qo`shimcha sifatida, tadbirkor ayollar uchun	Liberal feministik nazariya va ijtimoiy feministik nazariya nima uchun erkaklar va ayollar o`z bizneslarini

			maqsadli tarmoqda shogirdlikka tushish ham foydali bo'lishi aniqlandi.	turli xil, ammo teng darajada samarali usullarda boshqarishlarini tushuntirib bera oladi.
6	Baker va boshqalar. (1997)	Entrepreneurship and Regional Development (Tadbirkorlik va mintaqaviy rivojlantirish)	AQSHda ayollarning biznesga egalik qilishi sezilarli darajada oshgan bo'lsa-da, yetakchi matbuot va akademik jurnallar suket saqlayotgani tanqid qilingan. Ijtimoiy xulq-atvor va liderlik bo`yicha tadqiqotlar biznesga egalik qilishdagi gender farqlarini birmuncha tushuntirib berishi mumkin.	Ijtimoiy xulq-atvor nazariyasi
7	Mirchandani (1999)	Gender, Work and Organization (Gender, Mehnat va Tashkilot)	Ayollar tadbirkorligi bo'yicha tadqiqotlar ikkita muammoni aks ettirish orqali mukammallashtirilishi mumkin: (i) asosan genderga urg'u berilgan "tadbirkor ayol" kategoriyasini shakllantirish; (ii) jins, kasb va tashkiliy tuzilma o'rtasidagi bog`liqlikni va ularning ayol va erkak tadbirkorlarga ta'sirini o'rganish.	Feministik nazariya
8	Gundry va boshqalar. (2002)	Journal of Enterprising Culture (Tadbirkorlik madaniyati jurnalı)	Tarmoqlar o'rtasida taqqoslama tadqiqot o'tkazish va rivojlanayotgan mamlakatlar misolida ayollar asos solgan korxonalarda sanoat, oila, madaniyat va maqsadga yo'naltirilganlik kabi omillarning ta'sirini o'rganish zarurligini ta`kidlaydi.	
9	Ahl (2006)	Entrepreneurship Theory and Practice (Tadbirkorlik nazariyasi va amaliyoti)	Tadqiqot ob'ektini kengaytirish: tadbirkor ayolni o'rganishda individual fokusdan chiqib ko'p omilli tadqiqotlarni (masalan, favqulodda vaziyatlarni yoki qiyosiy tadqiqotlarni) qamrab olish lozim. There is also a need to make a shift in epistemological position from how gender is done to how social orders are gendered.	Feministik nazariya turlarini taqdim etdi (Liberal, ijtimoiy, psixoanalitik, radikal, Ijtimoiy konstruktivlik va Post-strukturaviy feministik nazariya)
10	de Bruin va boshqalar. (2007)	Entrepreneurship Theory and Practice (Tadbirkorlik nazariyasi va amaliyoti)	Ayollar tadbirkorligining o'ziga xosligini yaxshiroq tushuntirish uchun mavjud nazariy tushunchalarni kengaytirish kerak. Ushbu sohani rivojlantirish uchun bir nechta tahlil birliklarini o'z ichiga olgan ko'p	Tadbirkorlik nazariyalari (jarayon, qiymat yaratish, institutsiyonal

			bosqichli tadqiqotlar talab qilinadi.	nazariya va boshqalar)ni kengaytirish uchun feministik nazariyalardan foydalanishni taklif qilgan
11	Brush va boshqalar. (2009)	International Journal of Gender and Entrepreneurship (Gender va tadbirkorlik xalqaro jurnalı)	Ayollar tadbirkorligini yaxlit tushunish uchun gender-aware framework taklif etilgan: Institutsional nazariyada taklif etilgan 3 Mlarga (bozorlar, pul va menejment) yana ikkita o'zgaruvchi (onalik va mezo/makro muhit) qo'shishni taklif etadilar.	Institutsional nazariya. Ijtimoiy qurilish nazariyasi sifatida genderni taklif qilgan. Propose Gender as a Social construct theory
12	Ahl va Nelson (2010)	International Journal of Gender and Entrepreneurship (Gender va tadbirkorlik xalqaro jurnalı)	Tadbirkorlik ilmida gender (biologik jinsdan farqli o'laroq) yondashuvlarini qayta shakllangan. "Gender" so'zini ijtimoiy hodisa sifatida ishlatgan. Ayollar va erkaklar bajaradigan ishi nuqtai nazaridan "tadbirkorlikni yuritish" jarayonini farqlarini tushunishga e'tibor qaratgan.	Institutsional nazariya
13	Saul Estrin • Tomasz Mickiewicz(2011)	Small Business Economics "Institutions and female entrepreneurship"	Ularning fikricha, davlat sektori ustunlik qiladigan mamlakatlarda ayollar tadbirkorlik faoliyati bilan shug`ullanish ehtimoli erkaklarga nisbatan kamroq, qonun ustuvorligi esa odatda gender effektlariga ega emas deb topildi. Biroq, ayollarga nisbatan diskriminatsiya, ular tadbirkorlikni boshlagan taqdirda ham, ish bilan bandlikni oshirish kabi natijalarga erishish ehtimolini kamaytiradi, o'z-o'zini band qilish bundan mustasno	Institutsional yondashuv
14	Jennings va Brush (2013)	The Academy of Management Annals (Boshqaruv Akademiyasi yilnomalari)	30 yil davomida ayollar tadbirkorligi bo'yicha qilingan tadqiqot ishlarining evolyutsiyasini kichik sohalargacha batafsil har tomonlama ko'rib chiqqan. Axborotli plyuralizm ob'ektividan foydalandi va tadbirkorlikning gender hodisasi va oilalarning ajralmas qismi ekanligini, tadbirkorlik ehtiyoj va imkoniyatlar natijasida yuzaga kelishini va	Feministik nazariya, Jarayon nazariyasi, Motivatsiya va maqsadlar nazariyasi

			tadbirkorlarda iqtisodiy foydadan tashqari boshqa maqsadlarga ham intilishini ta`kidlaydi.	
15	Goyal va Yadav (2014)	Psychosociological Issues in Human Resource Management (Inson resurslarini boshqarishda psixosotsiologik muammolar)	Ushbu maqolada rivojlanayotgan mamlakatlarda tadbirkor ayollar duch keladigan muammolar ko'rib chiqilgan. Bu mamlakatlarga institutsional bo'shliqlar va tadbirkorlikka o`qitishning past darajasi xosdir. Ayollar moliyalashtirish manbaalari uchun kurashadilar, ijtimoiy-madaniy qarashlar to`sig`iga duch kelishadi va o'zlarini past baholaydilar. Rivojlanayotgan mamlakatlardagi ayollar tadbirkorligiga doir tadqiqot va bu yo`nalishdagagi siyosatga yordam berish uchun ushbu murakkab muammolarga kompleks tarzda yechim topish zarur.	
16	Ilhaamie et. al(2014) <sup>127</sup>	International Journal of Innovation, Management and Technology	Бу мақолада Малайзиядаги, шунингдек, бошқа мусулмон мамлакатларидағы мусулмон тадбиркор аёллар дуч келадиган муаммолар ўрганилган. 150 нафар респондент қатнашған тадқиқот улар дуч келадиган молиявий етишмовчилик, талабнинг етишмовчилігі ва жойлашув манзили билан боғлиқ муаммоларни аниклади. Таклиф сифатида мижозлар, ишбилармен аёллар ташкилотлари, етказиб берувчилар, рақобатчилар ва ишчилар билан динга мувоғиқ равишида муносабатларни йўлга қўйиш хамда бизнесни такомиллаштириш ва шахсий ривожланиш ҳақида кўпроқ билим бериш зарурлиги таъкидланди	Diniy-madaniy yondashuv
17	Henry va boshqalar. (2016)	International Small Business Journal (Xalqaro kichik biznes jurnalı)	30 yil davomida nashr etilgan gender va tadbirkorlik bo'yicha adabiyotlar ko'rib chiqilgan. Asosan erkaklar va ayollar tadbirkorligini taqqoslashga qaratilgan keng ko'lamlı empirik tadqiqotlar mavjudligi, ammo sanoat sektori va tanlash metodlari haqida kamroq ma'lumot berilgani	Post tuzilmaviy feministik nazariya

<sup>127</sup> Ilhamamie, A. G. A., Siti Arni, B., Rosmawani, C. H., & Hassan Al-Banna, M., (2014). Challenges of Muslim Women Entrepreneurs in Malaysian SMEs. International Journal of Innovation, Management and Technology, Vol. 5, No. 6.

			ta`kidlangan. Shuningdek, ayollarga nisbatan tanqidning kamligi va kelajakda olimlar post- tuzilmaviy feministik yondashuvlardan foydalanishlari kerakligi aytilgan.	
18	Algada X. (2021)	Вестник Волжского университета им. Б.Н. Татищева (V.N. Tatisheva nomidagi Voljsk universiteti bulleteni)	Zamonaviy iqtisodiyot sharoitida ayollar tadbirkorligi o`rganilgan. Ayollar tadbirkorligining paydo bo'lishi, mavjudligi va yanada rivojlanishining ham an'anaviy, ham noan'anaviy jihatlarini o'rganishda turli nuqtai nazarlarni kiritish va konstruktorlik yondashuvlarini joriy etish zarur. Xususan, ayollar tadbirkorligining ilmiy metodologiyasini shakllantirishda butun jamiyat rivojlanishining feministik nazariyalarini hisobga olish, natijada mavjud tadbirkorlik nazariyalarini kengaytirish lozim.	Yangi feministik nazariya

**“Аёллар тадбиркорлиги” мавзуси кўтарилиган маҳаллий адабиётлар шархи ва уларнинг муаллиф диссертацияси билан фарқли жиҳатлари<sup>128</sup>**

Муаллиф	Илмий иш номи, тури, йили	Мазкур ишнинг асосий фарқи
Юлдашев Д.Т.	“Оиласвий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” дисс. 2019	Тадбиркорликнинг муайян шакли бўйича ёндашилган. Аёлларнинг тадбиркорликдаги иштироки “Оиласвий тадбиркорлик” атамаси таркибидагина ўрганилган
Бобоназарова Ж.Х.	“Қишлоқ жойларда аёллар иш билан бандлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иктисодий механизмлари” дисс. 2019	Худудий ёндашув. Фақат кишлоқ худудида яшовчи аёлларга йўналтирилган илмий иш
Джаббарова Ш.Г.	“Гендерные особенности формирования занятости в Республике Узбекистан” дисс. 2011	Гендер ёндашуви. Тадқиқот доирасида аёллар ва эркаклар иқтисодий фаоллиги солиштирилган
Рахимова Н.Х.	“Женщина и предпринимательство в Узбекистане” Мониторинг. 2006	Социологик ёндашув устунлик қилган
Ирматова А.Б.	“Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш методологиясини такомиллаштириш” дисс. 2021	Мехнат иқтисодиёти бўйича илмий иш. Аёлларнинг интеллектуал фаолиятига эътибор қаратилган.
Хамракулова О.Д.	“Малое предпринимательство и активизация роли женщин в бизнесе” мақола 2022	Мақола миқёсидаги илмий иш. Чуқур тадқиқотлар ёритилмаган.
Махмудова Г.Ғ.	“Женское предпринимательство в Узбекистане” мақола. 2023	Публистиック ёндашув. Мавжуд трендлар ўрганилган, илмий иш қилинмаган.
Мурадова Х.М.	“Поддержка женского предпринимательства в мире” мақола. 2023	Хориж тажрибаси ўрганилган. Тор доирадаги илмий таҳлиллар амалга оширилган.

<sup>128</sup> Адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилди

#### 4-илова

#### Малайзияда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи дастурлар<sup>129</sup>

№	Дастур	Мақсад	Грант(РМ)	Изоҳлар
1.	Inkubator Kemahiran Ibu Tunggal (I-KIT) (Single Parent)	Кам таъминланган ёлгиз оналарга ўз бизнесини бошлашлари учун интенсив малака ошириш ва тадбиркорлик бўйича ёрдам кўrsatiш.	750,000	290 нафар иштирокчи тикувчилик, гўзаллик терапияси, пазандалик, хунармандчилик, болалар парвариши ва туризм йўналишлари бўйича 15 та ўкув машғулотларида иштирок этди.
2.	Women Entrepreneurs StartUp Grants	Тренингда қатнашгандан сўнг бизнес бошлашга тайёр бўлган аёлларни стартап грантлари билан таъминлаш. Муайян гурӯхларга мўлжалланган 31 та дастурни амалга ошириш ва тадбиркорликни рағбатлантириш.	3.8 миллиард (Relevant Ministries)	Саралаш ўтказилмаган ҳолда, ҳар бир кишига 500РМ дан 5000РМгача маблағ ажратилди.
3.	Tabung Projek Usahawan Bumiputera-i (TPUB-i)	Лойиҳасини молия институтлари томонидан молиялаштиришда муваффақ бўлмаган 200 та малайзиялик тадбиркорларни молиялаштириш.	220 Миллион	Кичик ва ўрта бизнеснинг узлуксизлигини таъминлашга эътибор қаравтилди
4.	Skim Anjakan Usahawan. SME Bank	Тадбиркорларга, хусусан, камида икки йилдан бери фаолият юритаётган малайзиялик кичик компанияларга ўз бизнесини кенгайтиришда ёрдам бериш.	20 миллион	80 нафар тадбиркорга мўлжалланган.
5.	Rural Economy Funding Scheme (SPED ).	Хизмат кўrsatiш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ туризми соҳаларида қишлоқ тадбиркорларини молиялаштиришни таъминлаш.	15 миллион	300 нафар тадбиркорга мўлжалланган.
6.	DanaNITA, under Majlis Amanah Rakyat (MARA)	Мақсад –аёл тадбиркорларни рағбатлантириш, мавқеини ошириш ва ваколатларини кенгайтириш, уй хўжаликларининг умумий даромадини оширишга ёрдам бериш ва тадбиркор аёлларнинг бизнес кўrsatkiчларини юқори даражага кўтариш учун капитал оқими билан таъминлаш.	35 миллион	Аввалига ўқитиш ва маслаҳат беришга ва кейинчалик маҳсус молиялаштиришга ёналтирилган. 5000 нафар тадбиркорга мўлжалланган.

<sup>129</sup> Малайзия расмий веб саҳифалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

## 5-илова

### ТШХҚТМнинг кучли, кучсиз томонлари, имконият ва таҳдидларни ифодаловчи кўрсаткичлар<sup>130</sup>

Кучли томонлар		Кучсиз томонлар	
1	Мамлакат стратегик йўналишларидан бирини амалга ошириши	1	Моддий-техник база ва жой билан тўлиқ таъминланмаганлиги
2	Ҷамров жиҳатдан ҳудуддаги барча туман ва маҳаллаларга кириб бора олиши	2	Фаолият ҳақида ахборот тарқатиш(реклама) тўғри йўлга қўйилмаганлиги
3	ОҲҚҚҚ жамғармасига бириктирилгани ва имтиёзли кредит учун тавсиянома бериш ваколати	3	Тренерлар учун моддий рағбатлантириш тизими йўқлиги
4	Сайёр ўқишилар ташкил қилингани	4	Марказ ҳодимлари штатининг камлиги
5	Қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ва ташаббускорлик, лойиҳа ва тадбирлар ўтказиш ҳукуки	5	Марказ фаолияти функционал тўғри тақсимланмаганлиги
Имкониятлар		Таҳдидлар	
1	Аёл фуқаролардаги юқори тадбиркорлик салоҳияти	1	Марказ ва унинг филиалларидан узокдагилар учун транспорт муаммолари
2	Фойдаланилмаётган ресурсларни эксплуатация қилиш	2	Тавсиянома олган аёлларга берилган кредитлар ўзини оқламаслиги эҳтимоли
3	Оила ва жамиятнинг маслаҳатлари ва қўллаб-куvvatлаши	3	Туман филиаллари жамоатчилик асосида фаолият олиб бориши
4	Пандемиядан сўнг янада кенг ёйилган ахборот технологиялари ва дастурий таъминотлар	4	Мавжуд имкониятлардан ҳабари йўқ, аммо тадбиркорлик қобилияти бор аёлларнинг кўплиги

<sup>130</sup> ТШХҚТМ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

**Таҳлил ва истиқбол (Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш)**

Тадқиқотимиз давомида Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар асосида кўп омилли эконометрик модель тузамиз. Бунинг учун қуидаги омиллар танлаб олинди. Натижавий омил - фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик ( $Y$ ). Таъсир этувчи омиллар қуидагилар: иқтисодий фаол аёллар сони, минг киши ( $X_1$ ), аҳоли умумий даромадлари, млрд. сўм ( $X_2$ ), жорий қилингандай инновациялар сони, дона ( $X_3$ ) ва ултуржига савдо товар айланмаси жами, млрд. сўм ( $X_4$ ). Юқорида келтирилган омилларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги учун биз уларни логарифмладик. Логарифмланган маълумотлар маълум маънода текисланди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг 2005-2022 йиллар бўйича тўпланган маълумотлар бўйича тавсифий статистика ўtkazamiz. Тавсифий статистика натижалари қуидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


**Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича ҳисобланган тавсифий статистика**

	lnY	lnX <sub>1</sub>	lnX <sub>2</sub>	lnX <sub>3</sub>	lnX <sub>4</sub>
Mean	12.15106	8.683487	11.54748	7.173629	10.07916
Median	12.12146	8.712228	11.82011	7.242774	10.07290
Maximum	13.04512	8.788182	13.36106	8.452975	12.19826
Minimum	11.51072	8.494477	9.182825	6.042633	7.944457
Std. Dev.	0.441001	0.092965	1.312514	0.854616	1.277305
Skewness	0.457973	-0.642055	-0.440093	0.137913	0.097536
Kurtosis	2.564437	2.191407	1.972658	1.579522	2.093868

Jarque-Bera	0.771505	1.727069	1.372620	1.570378	0.644346
Probability	0.679939	0.421669	0.503430	0.456034	0.724573
Sum	218.7190	156.3028	207.8546	129.1253	181.4248
Sum Sq. Dev.	3.306194	0.146924	29.28576	12.41626	27.73562
Observations	18	18	18	18	18

Жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum) қийматларини кўриш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) - стандарт четланиш коэффициенти ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилган.

Skewness – асимметрия коэффициенти бўлиб, у нолга teng бўлса нормал тақсимот эканлиги ҳамда тақсимотнинг симметриклигини билдиради. Агар бу коэффициент 0 дан анча фарқ қиласа, у ҳолда тақсимот асимметрик ҳисобланади (яъни, симметрик эмас). Агар асимметрия коэффициенти 0 дан катта, яъни мусбат бўлса, у ҳолда ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги ўнг томонга сурилган бўлади. 0 дан кичик, яъни манфий бўлса, у ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги чап томонга сурилган бўлади. Барча омилларнинг нормал тақсимот функциялари графиклари қўйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Омилларнинг нормал тақсимот функциялари графиклари

1-расмдан шуни кўриш мумкинки, кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан.  $X_1$  ва  $X_2$  омилларнинг асимметрия коэффициентлари манфий қийматга эга бўлганлиги сабабли, уларнинг графикларидаи “чап дўми” “ўнг дўми” дан узунроқ бўлиб, тақсимот функцияси графиги ўнг томонга силжиганини кўриш мумкин.  $Y$ ,  $X_3$  ва  $X_4$  омилларнинг асимметрия коэффициентлари мусбат қийматга эга бўлганлиги учун уларнинг графикларидаи “ўнг дўми” “чап дўми” дан узунроқ бўлиб, тақсимот функцияси графиги ўнг томонга силжиганини кўриш мумкин.

Ушбу сурилишлар асосан ўрганилаётган даврда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони динамикасидаги ўзгаришларни кўрсатади. Айрим йилларда баъзи омиллар кескин ортишга эга бўлган бўлса, айримларида ўзгаришлар сезиларли даражада бўлмаган. Умуман олгандан ўрганилаётган барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонига таъсир этувчи омиллар бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга омилларни танлаш учун улар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказиш лозим. Бунинг учун омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари ҳисобланади. Кўп омилли эконометрик моделда қатнашадиган омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси куйидаги 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

Омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси

Covariance Analysis: Ordinary

Date: 02/16/23 Time: 22:57

Sample: 2005 2022

Included observations: 18

Correlation

t-Statistic

Probability	LNY	LNX1	LNX2	LNX3	LNX4
LNY	1.000000				
LNX1	0.878111	1.000000			

	7.341178	-----			
	0.0000	-----			
LNX2	0.947726	0.655256	1.000000		
	11.88054	0.002125	-----		
	0.0000	0.3754	-----		
LNX3	0.820562	0.696639	0.557112	1.000000	
	9.427272	1.174751	1.102547	-----	
	0.0000	0.0721	0.0924	-----	
LNX4	0.988012	0.596077	0.6758741	0.628739	1.000000
	25.59945	0.985132	1.142417	1.514912	-----
	0.0000	0.1347	0.0727	0.0813	-----

Ушбу 2-жадвалдан кўриш мумкинки, хусусий корреляция коэффициентлари - бу натижавий омил ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишлар зичлигини кўрсатади. Демак, хусусий корреляция коэффициентлари натижавий омил – фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ва таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_i$ ) ўртасида турли хил боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Демак, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ва иқтисодий фаол аёллар сони ( $\ln X_1$ ) ўртасида боғланиш зичлиги 0,8781 га тенг. Бу эса мазкур ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) билан ахоли умумий даромадлари ( $\ln X_2$ ) ўртасида зич алоқа мавжуд экан, яъни улар ўртасидаги хусусий корреляция коэффициентининг қиймати 0,9477 тенг экан. Бундан ташқари Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ва жорий қилинган инновациялар сони ( $\ln X_3$ ) ўртасида кучли алоқа мавжуд экан. Бунинг сабаби мазкур икки омил ўртасидаги хусусий корреляция коэффициенти 0,8205 тенг экан. Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ва улгуржи савдо товар айланмаси жами ( $\ln X_4$ ) ўртасида зич боғланиш мавжуд экан. Ушбу омиллар ўртасидаги хусусий корреляция коэффициенти 0,9880 га тенг.

Юқорида келтирилган 2-жадвалда жуфт корреляция коэффициентлари ҳам мавжуд бўлиб, улар таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_1$ ,  $\ln X_2$ ,  $\ln X_3$  ва  $\ln X_4$ ) ўртасида боғланиш зичликларини қўрсатади. Бу ерда энг муҳим ҳолат бўлиб, таъсир этувчи омиллар бир-бири билан зич боғланмаслиги керак. Яъни, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд бўлмаслиги лозим. Агар иккита таъсир этувчи омил ўртасида жуфт корреляция коэффициенти қиймати 0,7 дан катта бўлса, мультиколлинеарлик мавжуд дейилади. 2-жадвал маълумотларидан қўриш мумкинки, таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш зичликлари 0,7 дан катта эмас экан. Корреляцион матрицадаги жуфт корреляция коэффициентлари бўйича хулоса қиласиган бўлсак, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас экан.

Шунингдек, 2-жадвалда корреляция коэффициентларининг ишончлиги ва эҳтимоллигини аниқлаш бўйича коэффициентлар ҳисобланган (ҳисоблаган корреляция коэффициентларининг тагида жойлашган қаторлардаги қийматлар). Ҳар бир корреляция коэффициентининг пастки қисмида унинг Стьюидентнинг  $t$ -мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги келтирилган. Омиллар ўртасида ҳисобланган эҳтимоллик 0,05 дан катта бўлмаслик шарти қўйилади. Масалан, фаолият қўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ва аҳоли умумий даромадлари ( $\ln X_2$ ) ўртасида хусусий корреляция коэффициенти  $r_{\ln Y, \ln X_2} = 0,9477$ ,  $t = 11,8805$  ва  $\text{prob.} = 0,0000$  га teng. Бу эса мазкур икки омил ўртасида зич боғланиш борлигини, хусусий корреляция коэффициенти ишончли эканлиги ва 95 фоиз аниқликда икки омил ўртасида мусбат боғланиш мавжудлигини қўрсатади.

Жуфт корреляция коэффициенти бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, иқтисодий фаол аёллар сони ( $\ln X_1$ ) ва жорий қилинган инновациялар сони ( $\ln X_3$ ) ўртасида жуфт корреляция коэффициенти  $r_{\ln X_1, \ln X_3} = 0,6966$ ,  $t = 1,1747$  ва  $\text{prob.} = 0,0721$  га teng. Бу ушбу икки омил ўртасида ўртача боғланиш

мавжудлигини ҳамда жуфт корреляция коэффициенти ишончли эмас эканлигини кўрсатади.

Таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколленеарлик мавжуд эмаслигини текширишнинг яна битта усули - бу VIF (Variance Inflation Factors - мультиколлинеарлик самарасини) коэффициентларини ҳисоблашдир. Ҳар бир омил бўйича ҳисобланган VIF коэффициентлари қуидаги 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал


#### Таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик самарасини ўлчаш

Variance Inflation Factors  
Date: 02/16/23 Time: 23:01  
Sample: 2005 2022  
Included observations: 18

Variable	Coefficient	Uncentered	Centered
	Variance	VIF	VIF
LNX1	0.380686	201698.8	1.83171
LNX2	0.005814	5513.222	6.45814
LNX3	0.002681	982.4132	2.99427
LNX4	0.004123	2987.735	4.63972
C	23.40959	164473.2	NA

Агар таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд бўлса, у ҳолда Centered VIF>10 бўлади. 3-жадвалдан кўриш мумкинки, барча таъсир этувчи омилларнинг VIF коэффициентлари 10 дан кичик. Демак, бу ҳам омиллар ўртасидаги корреляция таҳлили каби таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Юқорида айтилганларни текширишда, яъни омиллар ўртасида боғланиш зичликлари ва шаклларини аниқлашда ҳар бир омилнинг натижавий кўрсаткич ( $\ln Y$ ) билан боғлиқлигини аниқлаш учун уларнинг нуқтали графикларини кўриб чиқамиз (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш шаклларининг кўриниши

Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга барча омилларни киритамиз.

Умумий ҳолда кўп омилли эконометрик модель қўйидаги кўринишга эга:

$$\ln y = \ln a_0 + a_1 \ln x_1 + a_2 \ln x_2 + \dots + a_n \ln x_n + \varepsilon, \quad (1)$$

бу ерда  $\ln y$  – натижавий омил,  $\ln x_i$  – таъсир этувчи омиллар,  $\varepsilon$  – тасодифий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (1) номаълум  $a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$  параметрларини аниqlашда "энг кичик квадратлар усули" қўлланилади.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони кўрсаткичлари бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделнинг номаълум параметрларини ҳисоблашда эконометрик моделлаштириш дастури - EViews дастуридан фойдаланамиз. Ҳисоб-китоблар бўйича натижалар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

##### Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель параметрлари

Dependent Variable: LNY

Method: Least Squares

Date: 02/16/23 Time: 22:59

Sample: 2005 2022

Included observations: 18

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNX1	0,49794	0,203997	2,4409182	0,0342***
LNX2	0,07775	0,016249	4,7846637	0,0065***
LNX3	0,13316	0,051780	2,5716686	0,0232***
LNX4	0,537782	0,064214	8,3748403	0,0000***
C	12,90753	4,838346	2,6677567	0,0193***
R-squared	0.989926	Mean dependent var		12.15106
Adjusted R-squared	0.986827	S.D. dependent var		0.441001
S.E. of regression	0.050616	Akaike info criterion		-2.898975
Sum squared resid	0.033305	Schwarz criterion		-2.651649
Log likelihood	31.09077	Hannan-Quinn criter.		-2.864872
F-statistic	319.3742	Durbin-Watson stat		1.913541
Prob(F-statistic)	0.000000			

Юқоридаги 4-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича кўп омилли эконометрик моделнинг аналитик кўринишда ифодалаймиз:

$$\ln \hat{Y} = 12,907 + 0,4979 \ln X_1 + 0,0777 \ln X_2 + 0,1332 \ln X_3 + 0,5378 \ln X_4, \quad (2)$$

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатадики, иқтисодий фаол аёллар сони ( $\ln X_1$ ) ўртacha бир фоизга ортса, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,4979 фоизга ортар экан. Республикада аҳоли умумий даромадлари ( $\ln X_2$ ) ўртacha бир фоизга ортса, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,0777 фоизга ортар экан. Республикада жорий қилинган инновациялар сони ( $\ln X_3$ ) нинг ўртacha бир фоизга ортиши, фаолият кўрсатаётган кичик

тадбиркорлик субъектлари сонини ( $\ln Y$ ) ўртача 0,1332 фоизга ортишига олиб келар экан. Улгуржи савдо товар айланмаси жами ( $\ln X_4$ ) нинг ўртача бир фоизга ортиши, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонини ( $\ln Y$ ) ўртача 0,5378 фоизга ортишига олиб келар экан.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (2) сифатини текшириш учун детерминация коэффициентини текширамиз. Детерминация коэффициенти натижавий омил неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Хисобланган детерминация коэффициенти ( $R^2$  - R-squared (4-жадвал)) 0,9899 га teng. Бу эса республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ( $\ln Y$ ) 98,99 фоизи (2) кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатмоқда. Қолган 1,01 фоизи (100,0-98,99) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсири эканлигини кўрсатмоқда.

Республикада республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича тузилган (2) кўп омилли эконометрик моделдаги омилларнинг стандарт хатоликларининг ҳам кичик қийматларни қабул қилганлиги ҳам моделнинг статистик аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

Республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг (2) статистик аҳамиятлигини ёки ўрганилаётган жараёнга адекватлигини (мос келишини) текширишда Фишернинг  $F$ -мезони қўлланилади. Фишернинг ҳисобланган  $F$ -мезони қиймати унинг жадвалдаги қиймати билан таққосланади. Агар  $F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}}$  бўлса, у ҳолда кўп омилли эконометрик модель (2) статистик аҳамиятли дейилади ва ундан натижавий кўрсаткич – республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонини ( $\ln Y$ ) келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади.

Демак, республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича тузилган (2) кўп омилли эконометрик моделнинг статистик аҳамиятлигини текшириш учун  $F$ -мезоннинг жадвал қийматини топамиз. Бунинг учун озодлик даражалари  $k_1 = m$  ва  $k_2 = n - m - 1$  ҳамда  $\alpha$  аҳамиятлик даражаси бўйича қийматларни ҳисоблаймиз. Аҳамиятлик даражаси  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражалари  $k_1 = 4$  ва  $k_2 = 18 - 4 - 1 = 13$  дан келиб чиқиб,  $F$ -мезоннинг жадвал қиймати  $F_{жадвал} = 3,18$  га teng.  $F$ -мезоннинг ҳисобланган қиймати  $F_{ҳисоб} = 319,37$  ва жадвал қиймати  $F_{жадвал} = 3,18$  га teng эканлигидан келиб чиқиб ва  $F_{ҳисоб} > F_{жадвал}$  шарти бажарилганлиги учун (2) кўп омилли эконометрик моделни статистик аҳамиятли дейиш мумкин ҳамда ундан республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонини ( $\ln Y$ ) келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

Республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг (2) ҳисобланган параметрлари ишончлилигини текширишда Стыюдентнинг  $t$ -мезонидан фойдаланилади. Стыюдент  $t$ -мезонининг ҳисобланган ( $t_{ҳисоб}$ ) ва жадвал ( $t_{жадвал}$ ) қийматларини таққослаб,  $H_0$  гипотезани қабул қиласиз ёки рад этамиз. Бунинг учун  $t$ -мезоннинг жадвал қийматини танланган ишончлилик эҳтимоли ( $\alpha$ ) ва озодлик даражаси ( $d.f. = n - m - 1$ ) шартлар асосида топамиз. Бу ерда  $n$  - кузатувлар сони,  $m$  - омиллар сони.

Ишончлилик эҳтимоли  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражаси  $d.f. = 18 - 4 - 1 = 13$  бўлганда,  $t$ -мезоннинг жадвал қиймати  $t_{жадвал} = 2,1604$  га teng.

Кўп омилли эконометрик модель тузиш бўйича олиб борилган ҳисоб-китоблардан шуни кўриш мумкинки, кўп омилли эконометрик моделга киритилган барча омиллар бўйича  $t$ -мезоннинг ҳисобланган қийматлари  $\alpha = 0,05$  аниқликда жадвал қийматидан катта эканлигини кўриш мумкин (4-жадвал). Бу эса барча

омилларни ишончли эканлигини билдиради ва мазкур омилларга қўп омили эконометрик моделда иштирок этишига имкон беради.

Республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича тузилган қўп омили эконометрик модель (2) бўйича натижавий омил ( $\ln Y$ ) қолдиқларида автокорреляция мавжудлигини текшириш учун Дарбин-Уотсон ( $DW$ ) мезонидан фойдаланамиз.


Хисобланган  $DW$  қиймати жадвалдаги  $DW_L$  ва  $DW_U$  билан таққосланади. Агар  $DW_{хисоб} < DW_L$  дан кичик бўлса, натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд дейилади.  $DW_{хисоб} > DW_U$  дан катта бўлса, натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас дейилади. Дарбин-Уотсон мезонининг пастки чегараси қиймати  $DW_L = 0,82$  га teng ва юқори чегараси қиймати  $DW_U = 1,87$  га teng.  $DW_{хисоб} = 1,9135$  га teng. Демак,  $DW_{хисоб} > DW_U$  бўлгани учун натижавий омил (республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ )) қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас экан. Натижавий омил қолдиқларида автокорреляциянинг мавжуд эмаслиги ҳам юқорида келтирилган (2) қўп омили эконометрик моделдан прогнозда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Бундан ташқари республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи икки омил бўйича ҳар бир кузатувлар автокорреляцион (AC) ва қисман автокорреляцион (PAC) таҳлилга текширилганда ҳам мультиколлениарлик аниқланмади (барча кузатувларда эҳтимоллик (prob) нолга teng эканлигини кузатиш мумкин) (3-расм).

	Autocorrelation	Partial Correlation	AC	PAC	Q-Stat	Prob
1			1	0.786	0.786	13.067 0.000
2			2	0.554	-0.164	19.978 0.000
3			3	0.360	-0.047	23.093 0.000
4			4	0.233	0.030	24.495 0.000
5			5	0.131	-0.057	24.968 0.000
6			6	0.058	-0.009	25.070 0.000
7			7	-0.012	-0.067	25.074 0.001
8			8	-0.067	-0.032	25.235 0.001
9			9	-0.132	-0.096	25.927 0.002
10			10	-0.184	-0.051	27.454 0.002
11			11	-0.254	-0.133	30.763 0.001
12			12	-0.313	-0.086	36.624 0.000

3-расм. Натижавий қатор қолдиқлари дарежаларини автокорреляция ва қисман автокорреляцияга текшириш


(2) күп омилии эконометрик моделнинг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) қуйидаги 4-расмда келтирилган.



4-расм. Республикада фаолият қўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг (Y) ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) графиги

4-расмдан кўриш мумкинки (2) кўп омилли эконометрик модель бўйича республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг ҳисобланган қийматлар графиги унинг ҳақиқий қийматлари графиги билан жуда яқин жойлашган, улар ўртасидаги фарқлар ҳам унчалик катта эмас. Бу эса (2) кўп омилли эконометрик моделдан республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонини келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкинлигини яна бир исботи ҳисобланади.

Ҳисобланган (2) кўп омилли эконометрик моделдан келгуси даврларга натижавий кўрсаткични прогнозлашда MAPE (Mean absolute percent error – фоизлардаги ўртача абсолют хатолик) коэффициенти ҳисобланади. Агар ҳисобланган MAPE коэффициенти қиймати 15,0 фоиздан кичик бўлса, моделдан натижавий омилни прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади, акс ҳолда фойдаланиб бўлмайди. Республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича MAPE коэффициентининг қиймати 0,2762 фоизни ташкил этмоқда (5-расм).



5-расм. Ҳисобланган моделдан прогнозда фойдаланиш кўрсаткичлари

Бу эса 15,0 фоиздан кичик ( $MAPE=0,2762$ ), яъни у 0,27 фоизни ташкил этмоқда. Тейлнинг фарқланиш коэффициенти (Theil inequality coefficient) прогнозлар сифатининг ўлчови сифатида таклиф қилинган фарқланиш

коэффициенти) ҳам 1 дан кичик ( $T=0,0017$ ). Шунинг учун ҳам (2) кўп омилли эконометрик моделдан Республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонини прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

Республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонини кейинги даврларга прогноз қилиш учун аввало 4 та таъсир этувчи омилларни келгуси даврларга прогноз қилишимиз керак, булар – иқтисодий фаол аёллар сони, минг киши ( $\ln X_1$ ), аҳоли умумий даромадлари, млрд. сўм ( $\ln X_2$ ), жорий қилинган инновациялар сони, дона ( $\ln X_3$ ) ва улгуржи савдо товар айланмаси жами, млрд. сўм ( $\ln X_4$ ).

Бунинг учун барча келтирилган омиллар бўйича тренд моделларини тузамиз. Тренд модель – бу таъсир этувчи омилнинг вақтга боғлиқ функциясиdir ҳамда у умумий ҳолда қуйидаги кўринишга эга:

$$X_i = \beta_0 + \beta_1 \cdot t + \varepsilon \quad (3)$$

Республикада иқтисодий фаол аёллар сони ( $\ln X_1$ ) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$\ln \hat{X}_1 = 8,5268 + 0,0165 \cdot t \quad (4)$$

$$R^2 = 0,8974, F_{\text{хисоб}} = 139,8792, t_{\text{хисоб}} = 11,8271$$

Республикада аҳоли умумий даромадлари ( $\ln X_2$ ) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$\ln \hat{X}_2 = 9,2525 + 0,2416 \cdot t \quad (5)$$

$$R^2 = 0,9655, F_{\text{хисоб}} = 447,4789, t_{\text{хисоб}} = 21,1537$$

Республикада жорий қилинган инновациялар сони ( $\ln X_3$ ) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$\ln \hat{X}_3 = 5,7025 + 0,1548 \cdot t \quad (6)$$

$$R^2 = 0,9357, F_{\text{хисоб}} = 232,7906, t_{\text{хисоб}} = 15,2575$$

Республикада улгуржи савдо товар айланмаси жами ( $\ln X_4$ ) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$\ln \hat{X}_4 = 7,8228 + 0,2375 \cdot t \quad (7)$$

$$R^2 = 0,9854, F_{\text{хисоб}} = 1081,7981, t_{\text{хисоб}} = 32,8907$$

Республикада иқтисодий фаол аёллар сони ( $\ln X_1$ ), аҳоли умумий даромадлари ( $\ln X_2$ ), жорий қилинган инновациялар сони ( $\ln X_3$ ) ва улгуржи савдо товар айланмаси жами ( $\ln X_4$ ) ва вақт омили ўртасида тузилган тренд моделлар (4-7) таҳлили шуни кўрсатадики, тренд моделлардаги барча ҳисобланган коэффициентларнинг статистик аҳамиятлилиги, параметрлари ишончлилиги аниқланди. Демак, (4) – (7) тренд моделлари ёрдамида республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи омилларнинг прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширамиз. Натижада (4) – (7) тренд моделлари бўйича ўзгарувчиларининг прогноз давридаги қийматларига эга бўламиз. Омилларнинг логарифмлаб олинган барча қийматларни потенцирлаш орқали натурал кўринишга келтирамиз (5-жадвал).


## 5-жадвал

### Республикада фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ва унга таъсир этувчи омилларнинг 2023-2030 йилларга прогноз қийматлари\*


Йиллар	Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик, $Y$	Иқтисодий фаол аёллар сони, минг киши ( $X_1$ )	Аҳоли умумий даромадлари, млрд. сўм ( $X_2$ )	Жорий қилинган инновациялар сони, дона ( $X_3$ )	Улгуржи савдо товар айланмаси жами, млрд. сўм ( $X_4$ )
2005	99780,0	4887,7	9728,6	445,0	2819,9
2006	100751,0	5019,4	12954,9	421,0	3753,2
2007	112260,0	5332,6	16872,7	538,0	5497,4
2008	129211,0	5362,2	22894,8	683,0	7176,4
2009	135561,0	5523,5	30862,2	527,0	8634,0
2010	152246,0	5648,5	62631,6	500,0	11774,1
2011	164052,0	5691,3	85933,5	842,0	15476,7
2012	177876,0	5829,5	104263,0	699,0	18019,0
2013	177551,0	6004,8	126268,0	1334,0	22001,6
2014	189867,0	6149,6	146392,9	1465,0	25512,6
2016	207104,0	6391,1	197962,4	1906,0	35396,5
2017	210594,0	6556,3	236893,1	2046,0	38799,7
2018	229666,0	6246,0	300842,7	2558,0	57482,0
2019	262930,0	6434,7	365735,6	4689,0	86538,3

2020	334767,0	6383,8	414968,7	4290,0	128741,7
2021	411203,0	6451,8	519181,4	4148,0	183112,3
2022	462834,0	6520,5	634797,0	3792,0	198444,0
<b>2023</b>	<b>504161,0</b>	<b>6906,9</b>	<b>865904,6</b>	<b>5679,0</b>	<b>227633,0</b>
<b>2024</b>	<b>548658,0</b>	<b>7021,8</b>	<b>1092642,9</b>	<b>6631,0</b>	<b>288658,6</b>
<b>2025</b>	<b>597082,0</b>	<b>7138,6</b>	<b>1378753,0</b>	<b>7741,0</b>	<b>366044,4</b>
<b>2026</b>	<b>649781,0</b>	<b>7257,3</b>	<b>1739781,3</b>	<b>9038,0</b>	<b>464176,4</b>
<b>2027</b>	<b>707130,0</b>	<b>7378,1</b>	<b>2195345,5</b>	<b>10552,0</b>	<b>588616,4</b>
<b>2028</b>	<b>769541,0</b>	<b>7500,8</b>	<b>2770199,8</b>	<b>12319,0</b>	<b>746417,2</b>
<b>2029</b>	<b>837461,0</b>	<b>7625,6</b>	<b>3495580,5</b>	<b>14382,0</b>	<b>946522,5</b>
<b>2030</b>	<b>911375,0</b>	<b>7752,5</b>	<b>4410903,1</b>	<b>16791,0</b>	<b>1200273,5</b>


\* Муаллиф ҳисоб-китоблари



6-расм. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг 2005-2022 йиллардаги динамикаси ва 2023-2030 йилларга прогноз қийматлари, бирлик




7-расм. Ўзбекистонда иқтисодий фаол аёллар сонининг 2005-2022 йиллардаги динамикаси ва 2023-2030 йилларга прогноз қийматлари, минг киши



8-расм. Ўзбекистонда аҳоли умумий даромадларининг 2005-2022 йиллардаги динамикаси ва 2023-2030 йилларга прогноз қийматлари, млрд. сўм



9-расм. Ўзбекистонда жорий қилинган инновациялар сонининг 2005-2022 йиллардаги динамикаси ва 2023-2030 йилларга прогноз қийматлари, дона



10-расм. Ўзбекистонда улгуржи савдо товар айланмаси жамининг 2005-2022 йиллардаги динамикаси ва 2023-2030 йилларга прогноз қийматлари, млрд. сўм